

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

«РЕЖИССЁРЛИК САНЬАТИ» (турлари бўйича) йўналиши

**“Режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитишда илғор
тажрибалардан фойдаланиш”**

**Модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

- Тузувчилар:** “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди М.Б.Умаров
- Тақризчилар:** “Мусиқали, драматик театр ва кино санъати ” кафедраси профессори, Ўзбекистон санъат арбоби Ж.О.Махмудов

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кенгашининг 201 йил _____даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	188
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	1080
V. ТЕСТЛАР	113
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	11336
VII. ГЛОССАРИЙ	1307
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	13643

I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

«Режиссёрлик санъати» (турлари бўйича) йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, қўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

«Режиссёрлик санъати» (турлари бўйича) йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

«Режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитишида илғор тажрибалардан фойдаланиш» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- режиссура санъати тарихи ва назариясини;
- жаҳон ва миллий режуссура намоёндалари ижодини;
- жаҳонга машҳур режиссёrlар ижодини таҳлил қилишни;
- миллий режиссурунинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни;

• режиссура педагогикасидаги янги адабиётлар ва тенденциялар таҳлилини **билиши керак**.

Тингловчи:

- ижодкорнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлай билиши;
- XX аср режиссурасидан хабардор бўлиши;
- миллий режиссура шакл ва услубларини;
- хорижий режиссура ва миллий режиссуранинг концептуал фарқи ва умумий томонларини **илмий ўрганиши лозим**.

Тингловчи:

- миллий режиссурада замонавий технологиялардан фойдаланиши;
- режиссёрлик фанини ўқитишда, тарихий ва хорижий тажрибаларни жорий этиши;
- турли давр тажрибаларини умумлаштирилган синтез шакли асосида замонавий режиссурада татбиқ этиши, илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиши ва модул асосида дарсларни **ташкил этиши керак**.

Тингловчи:

- хорижий ва маҳаллий театр, кино, телевидение режиссёrlари томонидан яратилган асарларни илмий таҳлил қилиши;
- педагогик фаолият давомида таниқли соҳа мутахассисларининг тадқиқотларини, илмий қарашларини фарқли шу билан бирга умумий жиҳатларини назарий ва амалий **таҳлил этиши лозим**.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар
«Режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш»** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақллий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Оммавий маданиятга қарши қурашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили”, “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”, “Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси”, “Режиссёрлик

санъатида инновацион ёндашувлар ва хорижий тажрибалар” ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик фаолияти устида ишлаш, ихтисослик фанларини ўқитишда замонавий методларини ўрганиш; асарларни илмий таххил этиш, соҳа мутахассислигини ривожлантириш ва такомиллаштириш компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат						Мустакиил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўкув юкламаси						
			Жами	Назарий	Амалий маинулот	Кўчма маинулот			
1.	Режиссура санъати тамойилларининг қарор топиши. Маннон Уйғур режиссураси	4	4	2	2	-			
2.	Режиссуранинг санъат даражасига кўтарилиши. Миллий режиссура ривожи	6	6	-	4	2			
3.	Режиссёр ва унинг касбий маҳорати. Режиссуранинг асосий элементлари	6	6	2	2	2			
Жами:		16	16	4	8	4			

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Режиссура санъати тамойилларининг қарор топиши. Манон Уйғур режиссураси

Режиссура тарихи ва назарияси. Миллий режиссура санъати тамойилларининг қарор топиши. Режиссёр фаолиятининг жамият хаётидаги ижтимоий мавқеи. Манон Уйғур ўзбек театр санъати ривожида тутган ўрни.

Режиссёр ижодининг моҳияти бадиий ғояни ижодий ўзлаштириб, уни саҳнада гавдалантириш жараёнидаги изланишларда намоён бўлади. Дарҳақиқат, режиссёр ижтимоий шароитни, ундан вужудга келган субектив омилларни чукур ўрганиш асосидагина халқ, жамиятнинг манфаат ва мақсадларини муайян бадиий шаклга солиб, яхлит бир дастур ҳолига келтирадиган шахс, раҳбар, етакчидир. Театрда саҳналаштириш учун қайси мавзуни танлаш, қандай ғояларга нечоғлик йўғӣ бериш, ижрочиларни ҳамкор, ҳамнафас қилиш ва руҳлантириш — режиссёрнинг бош вазифасидир.

2-мавзу. Режиссурунинг санъат даражасига кўтарилиши. Миллий режиссура ривожи

Режиссура санъати ривожи. Замонавий режиссурунинг асосий талаблари. Театр, томоша, спектакль муаллифлари – драматурглар ижоди. Драматургия, актёрлик санъати ва режиссура уйғунлиги.

Драматургия ва актёрлик санъати ҳамда режиссура билан Шекспир, Молер, Волтер, Бернард Шоу каби буюк алломалар ижодий ёндашуви. Жумладан, улуғ немис шоири ва драматурги И.В.Гёте театр санъати назарияси ривожига кўшган ҳиссаси. Д.Дидронинг “Актёр касби парадокси”, Ж.Б.Молернинг “Версал экспроми”, Волтер ва Риккобннинг “Хатлар”и, И.В.Гётенинг “Вилгелм Мейстер”, Лессингнинг “Гамбург драматургияси” каби қатор асарлар таҳлили.

3-мавзу. Режиссёр ва унинг касбий маҳорати. Режиссурунинг асосий элементлари

Саҳнада драматик ёки мусиқали асарларни саҳналаштиришда икки тоифага — саҳналаштирувчи (постановщик) ёки ижодкор (творетс) режиссёрга ажратиш мөқда. Ўткинчи спектаклни саҳналаштириш ёки янги бадиий шакл ва унга мос ижро услубини топпиш. Ижодкор режиссёр театрнинг бадиий йўналишини белгилаши, спектаклни воқеага айлантирадиган бунёдкор ҳисобланиши. Режиссиёр зиммасидаги театр учун репертуар танлаш, актёрларнинг ғоявий-бадиий маҳоратларини ошириш, эстетик дидларини тарбиялаш, жамоани ҳамфикрларга айлантириш вазифалари. Ижодкор режиссёрнинг жамоа спектакл яратиш жараёнидаги бадиий ишига раҳбарлиги.

Режиссёрдан замон талабларига жавоб берса оладиган спектакл яратиши талаби. Ижодкор-режиссёр давримизнинг янги кишиси кечинмаларини ўзида

чуқур акс эттира олиши, юқори савиядаги спектаклни бадий яхлит шаклда намойиш эта олиши.

Режиссур ўзининг таркибий қисмлар яъни элементларига эга бўлиши. Театр санъати синтетик табиатли ва жамоавий ижод тури бўлгани учун ҳам режиссёр уларни бошқа олиши, олдинга кўйилган режасини амалга ошириш ниятида уйғунлаштира билиши лозим.

Театр санъатининг таячи ҳисобланган актёрлик маҳорати ўз унсурларида эга бўлгани каби режиссура ҳам ўзининг таҳлил, талқин, ифодалаш ва жиҳозлаш элементларида эга болмоғи керак. Актёрлар, рассом, композитор, балетмайстер, боймайстер, хормайстер, овоз режиссёри, чироқ устаси, пардозчи, либосчи, бутафор ва реквизитор билан ишлаши.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот. Режиссура санъати тамойилларининг қарор топиши. Манон Уйғур режиссураси

Миллий театр режиссураси. Миллий режиссура шаклланишида режиссура ва драматургия. Манон Уйғурнинг миллий режиссура санъати ривожида тутган ўрни.

Туркистанда («Турон» труппаси) шаклланган миллий режиссуранинг илк вакиллари татаристонлик режиссёrlар Мухаммадиёров, Заки Баязидский, озарбойжонлик Алиаскар Аскаров, Сидкий Рухулло, рус «Колизей» театри режиссёри Шорштейн кабилар эди. А.Авлоний, Н.Хўжаев, Б.Аъламов, М.Уйғур ва бошқа ижодкорлар улардан ўрганиб, тажриба орттириб, режиссёр сифатида шаклландилар.

2-Амалий машғулот. Режиссуранинг санъат даражасига кўтарилиши. Миллий режиссура ривожи

Миллий режиссура. Шахс ва замонни янги муносабатлари театр санъати соҳасида ўзига хос бадий ифодаси. Артист яратган характер ва режиссёр талқин қилган “замоннинг” саҳнавий кўриши. Санъат турларининг вақт (поетик, вокал, матнли) ва маконда (пластик, мимик, тасвирий) синтезлашган бадийлигидан яратилган саҳна борлигини, сурати ва сийратини замон ва инсон образи даражасида талқин этиш.

3-Амалий машғулот. Режиссёр ва унинг касбий маҳорати. Режиссуранинг асосий элементлари

“Режиссура — бу спектакл яратиш санъатидир.”, — дейди Станиславский. Ҳар қандай санъатнинг вазифаси эса бадий образ яратишdir. Театр саҳнасидағи бадийлик драматик асар асосида келиб чиқади. Режиссёрнинг пеша устида ишлаши, уни бадий баркамол саҳна асари даражасига етказа олиш қобилияти театр санъатида асосий омил ҳисобланади.

Спектакл яратиш жараёни — турли касб ва санъат вакиллари бўлган катта жамоанинг ҳамкорликдаги ижоди натижаси билан боғлиқ.

Режиссёр ўз талқинини аниклаш учун таҳлилини асарнинг жанрини ўрганиши. Муаллифнинг ҳаётий ҳақиқатга муносабати аниқ бўлгач, уни ифодалашга мос актёрлар танлаши ва ўзига хос ҳис билан бадиий шаклга солиши. Жанрни тўғри аниклаш бўлғуси спектаклнинг мазмуни, ғоясини ва муаллифнинг ўзига хос услубини англаш учун воситадир.

Мавзу, ғоя, жанр, услуб, композитсия, конфликт аниклангач, томошанинг қалби бўлган фабулани, асар ғоясини очиш учун муаллиф териб олган ва онгли равишда қуриб чиқсан воқеалар оқимини ўрганиш ва ўзлаштирилиши заруратга айланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“CWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

CWOT таҳлил:

C – стренгтҳ (кучли)

W – weakness (зайф)

O – оппортунистес (имкониятлар)

T – тҳреатенс (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

C	W
O	T

Намуна театр, кино ва телевидение фаолияти мисолида рақобатли CWOT таҳлили

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички мухит омиллари	C – кучли томони. 1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа. 2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар. 3. Санъат соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлашда инновацион шаклларни қўллаш.	W – заиф томонлари 1.Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик). 2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: рассом)
Ташқи мухит омиллари	O – имкониятлар. 1.Театр, кино, телевидениеда яратилган ижод маҳсулларининг ноёблиги	T – хатарлар. 1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши. 2. Ички рақобат: мутахассис

	<p>бўйича санъат ва маданият муассасаларининг таниқлилик даражаси.</p> <p>2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги.</p> <p>3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари.</p>	<p>кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши.</p> <p>3. Ташқи рақобат: кўплаб санъат ва маданият муассасаларининг мавжудлиги.</p>
--	--	---

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;
- Навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

Намуна:

Санъат ва маданият муассасалари аудиториясини сегментлаш		
Даромадлари бўйича	Ёши бўйича	Жинси бўйича

афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Wхо), Қачон (Wхен), Қаерда (Wхере), Нима учун (Wхй), Қандай/ Қанақа (Xow), Нима-натижка (Wҳат).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобилечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Санъат ва маданият муассасаларини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар ҳатти харакати таъсир этади”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топширикларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириши мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустакил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;

- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Бадиий образ	воқеликни, ҳаётий мушоҳадаларни, таассуротларни ижодкор дунёқарashi, эстетик идеали орқали қайта ишланиши оқибатида — янгидан яратилишидир. Бадиий образ — ижодкор шуури, эстетик идеали, дунёқарashi, мақсади ва ғояси орқали синтезлашган воқеликнинг алоҳида, бетакрорликда умумлаштирилган инъикосидан иборат.	
Воқеа	спектаклдаги хатти-харакатларнинг таянчи, макон ва замонда кечадиган ҳаёт тарзи бўлиб, у мақсадли харакатни пайдо қиласиган шартшароитлар йифиндисидир. Ёки мақсадли харакатнинг макон ва вақт бирлигida амалга ошиши — воқеа дейилади. У томошанинг қалbidir.	
Бошлангич воқеа	томушани бошлаб берадиган ва ўзидан кейин келадиган воқеаларга асос бўлиб, парда очилишидан анча аввал содир бўлади. У энг кескинлашган жойидан бошлаб саҳнага кўчади ва бошлангич воқеа сифатида шу ерда якун топади.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар хақида кўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Вени Диаграммаси методи


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг

анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишигана ёзадилар.

Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:



Венн диаграммаси



“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастьлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. РЕЖИССУРА САНЬЯТИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ РЕЖА:

1.1. Миллий театр режиссураси.

1.2. Миллий режиссура шаклланишида режиссура ва драматургия.

1.3. Маннон Уйғурнинг миллий режиссура санъати ривожида тутган ўрни

Таянч иборалар: Авж (кулминатсия), акт, актёр, актёрлик түйгуси, бадиий, бадиийлик, бадиий образ, бошланғич воқеа, бошланғич (исходное) шарт-шароит, воқеа, водевил, декоратсия, диктатор режиссёр, драма.

1.1. Миллий театр режиссураси

Академик Мамажон Раҳмонов «Маннон Уйғур ўзбек театр санъати тарихида, XX аср бошида биринчилардан бўлиб ўзбек театрида янги касбни — миллий режиссёрлик касбини театр санъатининг етакчи ва ҳал қилувчи компонентларидан бири эканини англаб, унинг шаклланиши, такомил топишида ғоят муҳим рол ўйнаган», — деб ёзади.

Режиссёр фаолияти жуда кенг қамровли ҳамда серқирра бўлиб, жамият ҳаётида ижтимоий мавқега эга. Режиссёр ижодининг моҳияти бадиий ғояни ижодий ўзлаштириб, уни саҳнада гавдалантириш жараёнидаги изланишларда намоён бўлади. Дарҳақиқат, режиссёр ижтимоий шароитни, ундан вужудга келган субектив омилларни чуқур ўрганиш асосидагина ҳалқ, жамиятнинг манфаат ва мақсадларини муайян бадиий шаклга солиб, яхлит бир дастур ҳолига келтирадиган шахс, раҳбар, етакчидир. Театрда саҳналаштириш учун қайси мавзуни танлаш, қандай ғояларга нечоғлик йпғй бериш, ижрочиларни ҳамкор, ҳамнафас қилиш ва руҳлантириш — режиссёрнинг бош вазифасидир.

Маннон Уйғурнинг режиссёрлик мероси ҳали тўла илмий ўрганилган эмас. Т.Турсуновнинг «Октабр инқилоби ва ўзбек театри» китобида, биринчидан, Маннон Уйғурдек забардаст санъаткорлар томонидан октябр тўнталишигача шакллантирилган профессионал ўзбек театри ҳаваскор труппа мезони билан ўлчанади;

иккинчидан, миллий театрнинг барча ютуқлари сотсиализм билан боғланиб, унинг обектив тарихий зарурияти инкор этилади; учинчидан, ўзбек театрининг профессионал даражаси бир гурӯҳ ёшларнинг Москва ва Бокуда ўқиб келишларининг натижаси, деб қаралади. Санъатшунослик фанлари доктори М.Тўлаҳўжаеванинг «Ўзбек драма театри режиссураси» китобининг биринчи боби ҳам шу фикрдан холи эмас.

Миллатимизнинг узоқ ва яқин тарихини холисона, обектив илмий тадқиқ қилиш ҳамда уни ёшларга тақдим этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилилган ҳозирги вақтда ўзбек миллий театри XX аср бошларида

жадидларнинг ҳаракати билан турли сиёсий тўсиқлар, қаршиликларни енгиб, 1914 йилда дунёга келганлигини ва жадал ривожлана бошлаганлигини тан олиш даври келди.

Туркистонда («Турон» труппаси) шаклланган миллий режиссуранинг илк вакиллари татаристонлик режиссёrlар Мұхаммадиёров, Заки Баязидский, озарбойжонлик Алиаскар Аскarov, Сидкий Рухулло, рус «Колизей» театри режиссёri Шорштейн кабилар эди. А.Авлоний, Н.Хўжаев, Б.Аъламов, М.Уйғур ва бошқа ижодкорлар улардан ўрганиб, тажриба орттириб, режиссёр сифатида шаклландилар.

«Турон» труппаси шўролар давригача ўттизга яқин муким ишлайдиган актёрига, байналминал характердаги репертуарига, маҳаллий аҳолидан чиққан ўз режиссёр ва драматургларига, ҳокимият тасдиқлаган «Низом»ига эга бўлган профессионал театр эди. 1916 йил 11 ноябрда тасдиқланган «Турон» жамияти «Низоми»га кўра, театр ходимининг репетитсияга кечикишга ҳаққи йўқ эди. Репетитсияга бирор сабаб билан келолмаслиги аниқ, бўлган актёр бир кун аввал режиссёри бундан хабардор этиши талаб қилинган. Бу талаб профессионал театрларда ҳамон мавжуд.

Уйғур актёрлик фаолиятининг бошланишиданоқ А.Аскarov, С.Рухулло, Баязидский, «Турон» труппаси ташкилотчилари А.Авлоний, Мунаввар қори, шу трупанинг режиссёри ва актёри Н.Хўжаевлар билан ижодий ҳамкорликда иш олиб бориб, икки йиллик актёрлик фаолияти давомида (1916-17 йиллар) 8 та катта-кичик роллар ўйнаган. (Улар ҳақида юқорида тўхталган эдик).

Маннон Уйғур актёрлик тажрибаси ошган сари ўз кучини режиссурада синаб кўришга интилади. Бунинг сабабини э.Исмоилов қуйидагича тавсифлаган — «У ўзи иштирок этган спектаклларга режиссёрлик қилган кишиларнинг ишларига зеҳн солиб юриб, маълум даражада режиссёрлик санъатидан ҳам хабардор бўлиб борган». Айниқса, С.Рухуллонинг ўзбек тилида саҳналаштирган «Лайли ва Мажнун» спектаклини тайёрлаш жараёнида иштирок этгани Маннонга жуда катта сабоқ бўлди.

Т.Турсунов Маннон Уйғурнинг режиссурага кириб келиш сабабларини изоҳлаб бундай деб ёзди: «Трупанинг илк ташкилотчилари, бинобарин, режиссёrlари Абдулла Авлоний, Зоки Баязидский ва Низомиддин Хўжаевлар инқилобнинг биринчи кунлариданоқ партия, давлат ишларига жалб этилдилар... Профессионал режиссурани шакллантириш, янги репертуарни яратиш, трупани қайта шакллантириш масаласи Маннон Уйғурга юклатилди». Бу катта ишончга, бизнинг фикримизча, қуйидаги омиллар асос бўлган:

биринчидан, Уйғурнинг кино, сирк артистлари ролларини, қизиқчиларни томоша қилиб, уларни аниқ такрорлай олиши, хусусан, Рафиқ қизиққа тақлид қилиши;

иккинчидан, Уйғурнинг 1916-1918 йилларда татар ва озарбойжон трупбаларининг иш услуби, актёрлар ижроси, трупгадаги ижодий муҳит,

репертуарлар, спектаклларни тайёрлаш жараёнини таққослаб, бир-биридан фарқини ва унинг сабабларини англай олиши;

учинчидан, унинг театрга тааллукли ҳар қандай ишни астойдил, завқ ва ташаббус билан бажариши, моҳир ташкилотчилиги (масалан, афишалар ёзган, артистларни грим қилиб қўйган, соч-соқол ясаб, декоратсия ишлаган), ҳам рол ўйнаб, ҳам суфлёрлик қилгани;

тўртинчидан, труппадагиларга нисбатан билимдон, саводли бўлгани. Мадрасага кирмасдан олдин янги «усули жадид» мактабида ўқиган, кейинчалик мадрасадалигида жадидларнинг турли газета ва журналларини узлуксиз яширин мутолаа қилган, кейин муаллимлар тайёрлайдиган 8 ойлик дорулфунунни тугатган. Булар унинг қай даражада саводли бўлганлигини кўрсатади;

бешинчидан, театр санъатига фидойилиги. У мадрасадан ва уйдан воз кечиб, ўзини театрга санъатига бағишлиган. Бозор билан боғлиқ — ота, савдо билан боғлиқ — акаларининг театрни ташлаш ҳақидаги илтимосларини рад этиб, актёрлик санъатини танлаши;

олтинчидан, назарий-фалсафий ҳамда бадиий-естетик дунёқарашининг кенглиги, жадидчилик ҳаракатига эътиқоди ва унга содиқлиги;

еттинчидан, саҳнавий фалсафий мушоҳадага эгалиги, саҳна санъатининг инсон тафаккурини шакллантирувчи ролиниenglаб ета олиши каби фазилатлари эътиборга олинса, масала равшанлашади.

Айни пайтда Уйғур бутун истеъодини, аввало, икки масалани ҳал этишга — труппани қайта шакллантириш ва янги репертуарни яратишга йўналтирилиши керак эди. «Уйғур ниҳоятда қисқа вақтда 1918 йил март ойида труппани тўлдирди ва унинг биринчи саҳналаштирган асарлари М.Казимовскийнинг «На қонур, на қондирур» ва С.Музагайнинг «Хўр-хўр» номли бир пардали комедиялари бўлди».

Улар олдин ҳам бир неча бор саҳналаштирилганлиги, бир пардалилиги, қатнашувчиларнинг камлиги, ўзбек томошибинига мослаштириш пайтида ҳар бир қатнашувчининг хатти-ҳаракати танишлиги ва ниҳоят, бу асарлар нисбатан тажрибали актёрлар ижросида синовдан ўтганлиги билан Уйғурга маъқул эди. «Хўр-хўр» комедиясида бир йил аввал Деншчик Али ролини ўйнаган Уйғур энди уни ўзи саҳналаштириб, ўзи яна ўша ролни ўйнади.

1.2. Миллий режиссура шаклланишида режиссура ва драматургия

Таржима асарлардан қониқиши ҳосил қилмаган Маннон Уйғур ўзи бир пардали «Туркистон табиби» номли комедия ёзганлигини юқорида эслатган эдик. Режиссурадаги мустақил қадам шу комедиядан бошланган. Чунки, биринчидан, асар номи муҳлисларга янгилик эди. Иккинчидан, драматург ўз асарини ўзи саҳналаштирган эди. Учинчидан, режиссёр ҳали ҳеч қаерда қўйилмаган, синовдан ўтмаган асарда нима янгилик кўрсатар экан, деган қизиқишилар, ҳатто гумонсираш ҳам йўқ эмас эди. 1918 йилнинг 18 апрелида Уйғур ушбу асарни саҳналаштируди. Спектаклни ҳалқ ва матбуот тан олади. «Туркистон табиби»

драматург, актёр ва режиссёр Уйғурнинг беназир иқтидорини намоён қилди. Ютуқлардан илҳомланган Уйғур Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?» комедиясини, сўнг Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасини саҳналаштирди. Маннон оға «Заҳарли ҳаёт»нинг саҳна талқини орқали ўз кучини драма жанрида ҳам синаб кўрди ва бу синовдан муваффақиятли ўтди.

«Иштирокиун» газетасида (1919 йил 2 апрел) яна «Турон» театрининг фаолияти ҳақида мақола чоп этилади. Унда Н.Норимоновнинг «Нодиршох» фожиаси, Уйғурнинг «Ўн икки соатлик ҳукумат» ва муаллифи номаълум «Мактаб йўлида» номли бир пардали комедиялар саҳналаштирилгани ҳақида хабар берилади.

Тарихий драмаларда ифодаланган дунё тарихини бадиий идрок этиш жараёнида идеал тушунчасининг мазмуни тобора такомиллашиб борганлигини кузатиш мумкин. Зоро, унинг асосида инсоннинг доимий мукаммалликка, гўзалликка ва улуғворликка интилиши ётади. Маннон Уйғур саҳнада миллий қаҳрамон сиймосини яратиш орқали жадидларнинг миллий тараққиёт ғоясини халққа етказиши учун тарихий драмаларга мурожаат қилиш заруратини ҳис қилди.

Бир кечада бир неча томоша кўрсатиш, саҳнани бир спектаклдан кейин иккинчисига тайёрлаш, шартли безакларни алмаштириш, актёрларни навбатдаги ижрога тайёрлаш учун анча вақт керак бўлар эди. Томошабинлар зериқмасликлари учун парда олдида бирон томоша бўлиб туришини таъминлаш лозим эди. Уйғур бу кечага гимнастикачи талабаларни таклиф қилган. Улар «Ўн икки соатлик ҳукумат» комедиясидан сўнг парда олдига чиқиб томоша кўрсатганлар. Бу пайтда парда орқасини «Мактаб йўлида» спектаклига тайёрлаганлар.

Т.Турсунов «Турон» театри режиссураси ва раҳбарлиги Уйғур зиммасига тушган пайтдан то 1919 йилнинг июн ойигача бўлган даврда репертуарни шакллантириш учун миллий саҳна асарлари етишмаганлиги натижасида бир пардали таржималарга мурожаат қилиб, «Уйғур оддийлиқдан мураккабликка ўтишни ўйлаган эди», деб ёзган.

Бизнингча, Уйғур 1918 йил сентябр ойидан 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсида кундузлари ўқиб, кечалари театрга раҳбарлик қилган пайтларида жадидлардан мерос қолган, 1914 йилдан буён саҳналарда ўйналиб келган таржима асарларни ўз саҳнаси ва труппа актёрларига мослаб табдил қилган ва саҳналаштирган. Бу тадбир: биринчидан, актёрлар билан ишлашни осонлаштирган; иккинчидан, декоратсиялар ўта шартли, жиҳозлар содда бўлганлиги учун труппа кучи билан саҳнани безаш арzonга тушган; учинчидан, асар қаҳрамонларининг кийим ва гримлари содда, халққа таниш бўлган.

Уйғур ўқитувчилар тайёрлаш курсини 1919 йил май ойида тамомлаган. Олий маълумотли педагог, мадрасавий билим, янги мактабдаги ўқитувчилик тажрибаси ва уч йиллик актёрлик санъати амалиётига эга бўлган Уйғур 1919 йилнинг июн ойидан бошлаб бутун вужуди билан миллий режиссурани ривожлантиришга киришиб кетган. М.Уйғур «Заҳарли ҳаёт» фожиасида эришган

муваффакиятидан кейин «Нодиршоҳ» фожиасини чала, яъни қисқартириш эвазига саҳналаштиргани учун танқид қилинишига қарамай, Урдубодийнинг «Андалуснинг сўнгги қунлари» номли машҳур тарихий фожиасини тўлиқ саҳналаштиришга тайёрлана бошлаган. Бу асарда араб ҳалифаси, Испания қироли Фердинанд, қози, саркарда, сарой аҳли, аскарлар, хизматкорлар каби саҳнада қатнашадиган актёrlар сони қўп бўлган.

Бу асарда «Турон» труппаси тарихида шу пайтгача саҳналаштирилган асарларда учрамаган қиличбозлик саҳнаси мавжуд эди. Яна араб сардорлари ва аскарлари кийими, испанлар қироли ва аскарлари либоси, қурол-аслаҳа, «Алхумма» саройи декоратсияси, асар ғоясига мос музика, грим ва жиҳозлар хақида ҳам жиддий ўйлаш зарур эди.

1919 йилнинг 13 августида Тошкент гарнизонининг ёзги саҳнасида «Карл Маркс» театр уюшмаси томонидан «Андалуснинг сўнгги қунлари» номли тарихий фожиа намойиш қилинди. Бу асар ҳақида «Кўзлукли» тахаллусли шахс «Меҳнаткаш ҳалқ эсга ҳам олинмай, билъакс бунда қаҳрамонлар дин ва миллат учун қурбон бўлалар. Ҳозир бундай асарлар тарихий ёдгоргина бўлиб қолурга тегишлидурлар. Ҳозирги матбуотимиз, театrimиз, мактабимиз сотсиализм маслагини тарқатув йўлида хизмат кўрсатувга, инқилоб даврида бундай песаларга саҳнада ўрин бўлмасга тегишилидир. Дуруст, бу фожиа юракга озиқ бера, лекин бу озиқ ижтимоий инқилобнинг ҳозирги талаблари олдида энг кичкина нарса бўлиб қоладир», деб ёзган эди. Шундай қилиб, сотсиализм мафкурасида «онгга маърифат орқали» эмас, балки, аксинча, «кўлда қурол билан», куч, зўрлик, қон тўкиш эвазига «онгга таъсир» қилиш асосий иш хисоблаган ва улуғланган. Бунга аксилинқилобчи унсурларнинг хуружларини бартараф этиш кераклиги важ, пеш қилинган.

Жадидларнинг онгга, хис-туйғуга, юракка маърифат орқали таъсир ўтказиб, ҳалқнинг кўзини очиш фалсафасига, эстетик тамойилига театр орқали хизмат қилишга бел боғлаган Уйғур, унга содик эканлигини ва ҳалқка хиёнат қандай афсус-надоматларга, фожиага олиб келишини саҳна орқали кўрсатган.

Мафкуравий тазиикقا қарамасдан саҳналаштирилган, «сотсиализм маслагига» зид бўлган спектакл ҳалққа манзур бўлган. Жадидлардан мерос қолган шаклни ўзгартирган режиссёр Уйғурнинг режасига қўра спектаклнинг бошидан охиригача, декоратсиялар алмасиб бўлгунича, оркестр спектакл руҳига мос куйлар чалиб турган. «Театрда, — деб ёзган эди Кўзлукли, — ҳалқ қўп эди ва ўз музика оркестри ўйнаб турганда кўрув руҳи қўтариинки эди».

Саҳнада янги бадиий шакл излаётган режиссёр томонидан яна бир ижодий янгилик яратилди. Спектаклда илк бор оммавий саҳна кўрсатилди. М.Уйғур репетитсия давомида оммавий саҳна иштирокчиларидан ҳар бирининг вазифасини аниқлаб, қиласидан ишини кўрсатиб берди. Репетитсияда «жанглар» кўриб чиқилди. Мавзу шубҳали бўлгани учун матбуот «кечаги кун» мавзусини танлаган режиссёрга яратган янгилиги учун раҳмат дейиш ўрнига,

сиёсий танбех берди. «Бундай кўп киши иштироки ила бўлатурган театрлар учун тажрибали режиссёrlар керакdir. Бу фожиада эса, режиссёр эътибор қилмаган жойлар жуда кўп», деб эътиroz билди.

Болшевиклар ғоясига тўғри келмаган спектакл ва унинг режиссёри танқидга учраши табиий эди. Бу спектаклда ислоҳотчи-режиссёр Уйғур жадидлар ғоясига содиқлигини кўрсатган. Кўп жадидлар ўз ғоявий маслагини ўзгартираётган пайтда Маннон Уйғур ўзининг жадид эканлигини, қалбини қандай фикрлар безовта қилаётганлигини театр санъати орқали очиқ ифодалаган.

Умуминсоний мавзулар кўтарилган асарларни саҳналаштириш «Андалуснинг сўнгги кунлари» спектаклидан кейин Уйғурнинг қатъий эстетик принсипига айланган деб айтса бўлади. «Андалуснинг сўнгги кунлари» спектакли 12 августдан 29 сентябргача олти марта кўрсатилган. Шу билан бирга бу асар устида ижодий иш узлуксиз давом этган. Масалан, премера куни оммавий саҳналарда ўн беш киши иштирок этган бўлса, 30 августда уларнинг сони 60 кишига етган. Айrim тадқиқотчиларнинг айтишига қараганда, «Уйғур оммавий саҳналарни пухталашга берилиб кетгани сабабли характерларни такомиллаштириш устида ишлаш масаласи заифлашиб, спектакл айrim камчиликлар билан кўрсатилган».

Бизнингча, назаримизда, бу мулоҳазага қўшилиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, Уйғур «оммавий саҳналарни пухталаштириш» орқали миллий театр санъати режиссурасида янги йўналишни оммалаштиришга эришган. Иккинчидан, «оммавий саҳна», умуман, театр санъати, хусусан, режиссуранинг муҳим ифодавий ва бадиий таъсир воситаси эканлигини англаb етган. Учинчидан, Уйғур спектакл мазмунида ифодаланган ғояни оммавий саҳна воситасида ёритиш учун ҳаракат қилган. Шунинг учун унинг режиссурасида ғояни оммавий саҳна орқали намоён қилиш усули шаклана бошлаган. Тўртинчидан, образлар характерини такомиллаштириш деганда, албатта, оммавий саҳна образлари ҳам тушунилиши керак. Шунинг учун ҳам Уйғур режиссурасида спектаклнинг ҳар бир иштирокчисига ғояни очишга хизмат қиладиган образ сифатида қаралган. Образлар характери эса асосий ёки асосий бўлмаганларга ажратилмаган.

Тошкентда Уйғур бошчилигига саҳналаштирилган «Андалуснинг сўнгги кунлари» спектакли 1919 йил август ойидан то 1920 йилнинг март ойигача миллий театр санъатини Туркистонда энг юқори даражага кўтарган. Бу фикримизни театр танқидчиси М.Шермуҳамедовнинг тақриз ва талқинлари исботлайди. «Бу песа Уйғур тарафидан ерли тилга табдил қилиниб ўйналиб келди. Ҳар бир ўйналишда буюк муваффақиятлар қозониб келинди. «Карл Маркс» труппаси жиддият бирла ҳозирлик кўрганлиги сабабли саҳнада ўзининг буюклигини кўрсата олди. 30 марта, сешанба куни «Турон» саҳнасида 6 карра ўйналди».

«Андалуснинг сўнгги кунлари» спектакли эски анъанадан воз кечиб, бир кечада фақат битта томоша тўлиқ, ўйналишининг бадиий имкониятларининг

ижобий томонларини күрсатди. Бу спектакл томоша ташкилотчиларини, аввало, махсус декоратсия тайёрлашга ўргатди. Авваллари қандай спектакл сахнаташирилишдан қатый назар, шартли декоратсия қўйилар эди. Кетма-кет қўйилган икки ёки уч спектаклнинг декоратсиялари ва анжомларидан энг муҳимлари алмаштириларди. Актёrlарнинг ўзлари сахна ишчиси, декоратсиячи, гринёр, костюмёр, парда очувчи, ҳатто суфлёр вазифасини бажаарди. Бу, биринчидан, Станиславский орзу қилганидек, ижодий коллективни ахил, яқдил ижодий ансамблга айлантиради. Бироқ Уйғур ҳар қанча ҳамжиҳат бўлишмасин, бари бир, кетма-кет уч спектаклга декоратсия ва жиҳоз қўйиш, кўринишлар ва спектакллар орасидаги сахна алмасиши вақтнинг чўзилиб кетишига олиб келишини тушунди.

Иккинчидан, декоратсия алмаштириш актёrlарнинг «дарҳол созланиб» сахнага чиқишлирига салбий таъсир қиласади.

Сахна тажрибаси ошиб, театр санъати такомиллашиб, танланган репертуар мураккаблашиб борган сари, чукур ички кечинмалар билан боғлиқ драматик спектакллар пайдо бўлиши жараёнида, руҳий жиҳатдан бир образдан иккинчи образга «кўчиши» қийинчилклари натижасида Уйғур бу анъанадан воз кеча бошлади. Натижада спектакл жараёнидаги турли ташкилий хизматларни бажарадиган сахна ишчилари, гринчи, костюмчи, парда очиб-ёпувчилар, режиссёр ёрдамчиси каби лавозимлар пайдо бўлди. Театр санъатида ижодий муҳит яратиш, бутун жамоани бир ғоя атрофида бирлашириб, ижодкорлар ансамблини яратиш вазифалари энди бадиий раҳбар — режиссёр зиммасига юкланганлигини Маннон Уйғур англаб етган эди.

Учинчидан, режиссёр ғоявий раҳбар сифатида, аввало, асар ғоясини муаллиф берган воқеа, шарт-шароит ва сўзлар, асар мазмунидаги фикр, хистайғулар, тўқнашувларда пайдо бўладиган ички кечинмалар кураши орқали актёrlарга сингдириб, сахнада образ яратса олиши кераклигини мустақил равища идрок этди.

Тўртинчидан, сахнадаги режиссёрлик ифода воситалари — декоратсия, мусиқа, грин, либос, шовқин, ёритқичлар, нур ва ранг орқали образни янада ёрқинроқ, таъсирлироқ, ифодалаш билан боғлиқ, бўлган режиссура санъатининг асосларини такомиллашириш тушунчаси шаклана бошлади.

«Андалуснинг сўнгги кунлари» спектакли устида узлуксиз ишлаб, режиссура санъати талабларини бирин-кетин бажариб, нуқсонларни тузатиш эвазига М.Уйғурнинг тажрибаси такомиллашиб борди. Бу жараён олти ой давом этган. 1919 йили матбуотда кўрсатилган камчиликлар тузатилиб, спектакл намойиш қилинган. 1920 йил март ойида матбуот оммавий сахналар, айниқса, жанглар ишончли чиққанлигини таъкидлаган эди.

Матбуот тан олган жанг сахнаси, қиличбозликнинг табиий чиқиши учун режиссёр сарф қилган меҳнат диққатга сазовор. Бугунги кунда санъат институтининг 3-курс талабаларига махсус «сахна жангиси» дарси ўтилади.

Жангни саҳналаштиришдан олдин шу соҳа мутахассиси бўлган педагог саҳна хавфсизлиги, совук қурол ишлатиш қоидалари, жанг техникаси тўғрисида бир неча кун дарс ўтади. Шундан кейин оддий машқлардан аста-секин икки кишилик жангни саҳналаштиришга етиб келинади. Икки кишилик жангда тажриба орттирган талабалар билан оммавий жанглар саҳналаштирилади. Режиссёр Маннон Уйғур «Андалуснинг сўнгги қунлари» спектаклида саҳналаштирган жанг эса қисқа муддатда тайёрланиб, томошабинларга тақдим этилган. «Жанг»нинг ижобий қабул қилинганлиги Уйғурнинг нақадар сермаҳсул ижод қилиш қудратига эга эканлигини намоён қилади.

Уйғур оммавий саҳналарни Тошкентда мавжуд миллий театр труппалари ичida биринчилардан бўлиб саҳнага олиб чиққанлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Оммавий саҳналар орқали асар ғоясини очиш Уйғур режиссурасининг тамойилларидан бирига айланганлигини Чўлпон «Або Муслим» спектаклига ёзган тақризида қуйидагича таъкидлаган эди — «Томошага аралашгучи қаҳрамонларнинг кўблиги ҳам тарихнинг энгчувалашкон давридан олиниб ёзилгани учун томошанинг сўнгига унинг натижасини тўла кўрсататуғон бир кўриниш орттирилғон». Яна у «Шайх Санъон»га 1923 йили ёзган тақризида ҳам Уйғурнинг шу маҳоратига таҳсин ўқийди: «Асарнинг жойланиши постановкаси учун қимматли Уйғуримиз кўбтиришкон. Бутун ғайрати билан ўн бир кишидан иборат бўлғон театр тўдаси билан тўдага беш-ўн баробар келатурғон кишини четдан тортиб, шу қадар текис ва эркин (спектакл) чиқариш катта муваффақиятдир».

Хулоса қилиб айтганда, Маннон Уйғур: «Турон»да шаклланган миллий режиссурани ҳалқ театрининг ибратомуз ва ҳаётchan анъаналари билан бойитди ҳамда уни турли жанрларга татбиқ қилиб, синовдан ўтказди. Бу борода комедия жанрида катта муваффақиятларга эришди;

- бадиий ижоддаги ворислик масаласига фалсафий ёндашиб, шакл ва мазмундаги миллийликнинг саҳнавий ифодасини топди ва саҳнада синовдан ўтказди, хусусан, таржима асарларда исмлар ва воқеаларни ўзгартирмай туриб, миллий рухга йпғй бериш орқали табдил қилиш мумкинлигини исботлади;

- тарихий асарга томошабинларнинг катта қизиқиш билан қарашини эътиборга олиб, унда ўз даври муаммоларини очик ифодалаш мумкинлигини ихтиро қилди. «Нодиршоҳ», «Андалуснинг сўнгги қунлари» спектакларида жадидлар фалсафаси ва эстетик тамойилларнинг ҳаётchanлигини ва ҳалқчилигининг саҳнавий ифодасини кашф қилди;

- дастлабки театр анъаналари — бир кечада бир фожеа ва бир пардали билан неча комедиялар саҳналаштириш ўрнига, бир кечада бир асарни тўлиқ, бадиий яхлит саҳналаштириш орқали миллий театрга янги эстетик мазмун ва шакл олиб кирди;

- «жадидлар драмаси»ни саҳналаштиргани учун халқ олқишига сазовор бўлди, бироқ, давлат ҳукмрон мафкурасининг танқидига учради. Бу унинг жадидлар ғояси билан большевиклар мафкурасининг тубдан фарқ қилишини англаб етганлигини кўрсатади;

- вақт синовидан ўтган ғоявий долзарб асарларни қайта саҳналаштириб, ўз маҳоратини такомиллаштириб борди;

- режиссура билан жиддий шуғуллангани сари, унинг ижодий салоҳияти репертуар танлаш, миллий образлар яратиш, репертуар танқислиги муаммоларини ҳал қилиш, актёрларнинг индивидуал имкониятига кўра рол тақсимлашда, саҳнада яхлит санъат асари яратиш ва умумий ижодий муҳит ташкил этишда намоён бўлиб борган.

1.3. Маннон Уйғурнинг миллий режиссура санъати ривожида тутган ўрни

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, хусусан, санъатда шакл ва мазмуннинг меёрий, намунавий уйғунлиги гўзалликнинг асосини ташкил қиласди. Гўзалликни ёқтирамиз, ундан ҳайратланамиз ва азиз қадрият деб улуғлаймиз. Меёрнинг, уйғунликнинг бузилиши хунуқликка олиб келади.

Аристотел: «Гўзалликнинг энг юқори ифодасини жонли нарсалар ва айниқса, инсон ташкил этади...» деб ҳисоблаган. Демак, инсон табиатан гўзалдир ва санъатнинг асосий тадқиқот манбаи ҳам инсондир. Санъаткор бадиий ижод қоидаларига, тамойилларига асосланиб, инсоннинг ички ва ташки дунёсини мақсадга мувофиқ тарзда янада гўзал ва улуғвор идеал даражасида ёрқин ифодалаш имкониятига эга. Натижада инсон самимийлик, фидойилик, ватанпарварлик, намунавийлик, улуғворлилик, ахлоқлилик каби гўзаллик кирраларини, комиллик мезонларини ўзида намоён қиласди.

Театр санъатида гўзаллик хунуқлик билан қиёсланганда ёрқин намоён бўлади. Драматург қаҳрамоннинг ижобий қиёфасини бадиий ифодалаш учун унга қарама-қарши, салбий, хунук қалб эгасини яратади. Асадаги «яхшилик» билан «ёмонлик» ўртасидаги кураш гўзаллик билан хунуқлик, улуғворлик билан пасткашлик ўртасидаги курашга айланади. Бу жараёнда турли воситалардан, усуллардан фойдаланилади.

Санъат саводсизлик, хунуқлик, тубанликка қарши фаол кураш воситаси эканлигини жадидлар яхши тушунгандар. Шунинг учун улар саводсизлик, шижаатсизлик, тор дунёқараш туфайли келиб чиқадиган салбий ҳодисалар моҳиятини очиб ташлашда театр санъатидан унумли ва самарали фойдаланганлар.

Театр санъати хунуқлик устидан эстетик ҳукм чиқарар экан, инкорни инкор қонунига асосланиб, ҳаёт ҳақиқатини тасдиқлайди. Эстетик идеал инсонни мукаммал намунавийлик сари йўналтиради. Санъат гўзаллик қонуниятлари асосида яратилади. Саҳнада яратилган салбий образ ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисаларга нафрат ҳис-туйғусини уйғотса, ижобий образ эстетик идеал, баркамолликни ифодалашга хизмат қиласди. Гўзаллик ва бадиийликнинг уйғунлиги эстетик тамойил ҳисобланади. Аникроқ қилиб айтганда, «Бадиийлик

санъатдаги гўзалликдир». Санъатда бадиийлик қонуниятлари асосида гўзаллик яратилади. Театр санъати табиатан синтетик санъат йўналиши бўлганлиги учун, унданда бадиийлиқда эстетиканинг барча категориялари: гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва пасткашлик, фожиалилик ва кулгилилик, фантастика ва ҳаётйлик, эстетик идеал, образлилик, ҳалқчиллик, тарихийлик, донолик ва ҳоказолар ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топади.

Театр санъатидаги эстетик тамойиллар инсоннинг руҳиятини, ички дунёсини очишга йўналтирилади. Аристотел «Ҳақиқат бор жойда гўзаллик мавжуд», — дейди. Ғаззолий гўзал ахлоқ ҳақида бундай деган — «Оллоҳ Расули буюрдилар: — Сен инсонсан, Оллоҳ сени гўзал қилиб яратди. Сен ҳам ахлоқингни гўзаллаштири! Расуллуллоҳ, тез-тез дуо ўқир ва шундай дер эдилар: — Оллоҳим, мен сендан тани соғлиқ, хотиржамлик ва гўзал ахлоқ тилайман.

Оллоҳ Расули, намоз бошлишдан олдин кўпинча шундай дуо ўқирдилар: — Оллоҳим, менга ахлоқнинг энг гўзалини бер!». Румий таъбирича, «Севилган киши гўзалдир. Гўзаллик севимлиликнинг бир жузъидир. Севимли бўлмоқ аслдир. Бу бўлгандан кейин гўзаллик ҳам мавжуддир. Мажнуннинг замонида ҳам гўзаллар бор эди ва улар Лайлидан ҳуснлироқ эди. Бироқ, Мажнун уларни севмади. Унга: «Лайлидан гўзалроқларини сенга кўрсатайлик, берайлик», дедилар. Мажнун эса — «Мен Лайлининг суратини севганим йўқ ва у кўринишдангина иборат эмас», деб жавоб беради. Шиллер: «Том маънодаги адолат — гўзалликдир», — дейди.

Бу тамойилларни миллий режиссура санъатида, саҳнада амалий синовдан ўтказиш Маннон Уйғур зиммасига тушган эди. Режиссёр М.Уйғур учун 1919 йил янги-янги синовлар, тажрибалар йили бўлган. Одатда бир кечанинг ўзида аввал «Падаркуш»га ўхшаган жадидлар ғоясини ифодалайдиган жиддий спектакл томоша қилинарди, сўнgra театр муҳлисларининг кўнглини очиш учун, албатта, битта ёки иккита бир пардали комедия саҳналаштирилар эди. Комедияларда саводсизлик, омилик устидан кулинарди. Маннон Уйғур 1919 йил 23 сентябрдаги томошага режалаштирган спектакли учта бир пардали комедиядан иборат бўлиб, кеча маҳсус ном билан «Шодлик кечаси» деб аталган эди.

Инсон кулаётганда ўзини воқелиқдан устун, улуғвор сезади. У кўпинча қийинчиликлар устидан кулади. Саҳнадаги кулги эса барчада бирдай қизиқиши уйғотиши табиий эди. «Гўзалликни — ўлчовлар меёри деб белгиладик; улуғворликда — воқелик инсондан устун келиши натижасида меёрнинг бузилишини кузатдик; фожиалиликда — инсон йўқотган ҳақиқат меёрини тиклаш учун курашда воқелик қурбони бўлишини кўрдик; кулгулиликда — меёрнинг инсон томонидан янгидан бузилишини кўрамиз, лекин бу жараёнда инсон воқелиқдан устун келади ва унинг иллатларини, юзаки моҳиятини очиб ташлайди», — деган фикрда, маълум маънода, режиссура санъати эстетик тамойиллари ўз аксини топган.

Тасаввур ва фантазиянинг уйғунлиги — эстетик категориялар ичида энг кам ўрганилганидир. Инсоннинг ҳали борликда мавжуд бўлмаган нарсани тасаввурида «асар», «фоя», «қоида» шаклида ярата олиш қудрати ва бу бадиий тўқиманинг кейинчалик борликка айланишига инсоният кўп маротаба гувоҳ бўлган. Масалан, эртаклардаги воқеалар борликка айланиб, учар гилам — самолёт, ойнаи жаҳон — телевизор шаклида инсониятга хизмат қилмоқда. Инсон доимо ўзи учун сир бўлган дунёга қизиқади ва бу қизиқиши ҳеч қачон сўнмайди. Бу қизиқиш уни «сири оламга», фантастика дунёсига йўллади.

Санъатдаги ҳар қандай фантастика аниқ, бир ғоянинг ифодаси, унинг бадиий шаклидир. Театр бу жанрга мурожаат қилганда, фақат жамият олдига янги муаммони кўндаланг қўйиш билан чекланмай, унинг ечимини қидиради, илм-фан ютуғидан фойдаланади. Шу нуқтаи назардан санъат, хусусан, режиссура санъатида фантазия томошабинларни одатий кўникумларига мос келмайдиган янги, ғайритабиий, кутилмаган, хаёлга келмаган тасодиф ва шарт-шароит билан тўқнаштириши билан қизиқарли. Шундай шароитда фантазия инсонни янада гўзал ва улуғвор қилиб қўрсатади. Биз юқорида эслатган «Шодлик кечаси» Уйғурнинг режиссёрлик фаолиятида ўзбек сахнасига олиб кирган икки янгилиги билан қимматли эди. Биринчидан, «Шодлик кечаси» режиссура санъатининг янги йўналишини намоён қиладиган алоҳида комедия жанри бўлиб ажраб чиқкан эди. Иккинчидан, ўзбек сахнасига илк бор афсонавий-фантастик жанрнинг киритилиши режиссура санъати эстетик тамойилларини янгича «тахрир қилиш»га йўл очди.

Спектаклни кўрган М.Шермуҳамедов Уйғурнинг режиссёрлик маҳоратига таҳсинлар айтиб, «халқнинг олқишлирига кўмилиб такрор ва батакрор парда кўтарилиб сахнага чақирилди... ҳаммалари мамнун бўлиб тарқалдилар», деб ёзган эди.

М.Уйғип режиссурада амалий тажрибаси бойиган сари татар ва озарбойжон режиссёрларидан мерос қолган айrim «қолип»лардан аста-секин воз кечиб, янги ифода усулларидан фойдалана бошлаган эди. Спектаклда, одатда, аёллар ролини эркаклар ижро этган. Шунинг учун хотин-қизлар ролини ижро этувчилар иложи борича сахнанинг иккинчи планига ёки охирига жойлаштирилар эди. Чунки аёл персонажни ўйнаган эркак овози, кийими, пластикасини ўзгартиргани билан юзини грим билан ўзгартириш қийин бўлган. Асадаги шарт-шароитга қараб, аёл кишининг сахнада bemalol, табиий ҳаракат қилишига имконият яратиб бериш Уйғур режиссурасининг янги услубларидан бири эди. Бу ҳам миллий режиссурадаги ислоҳотлардан бирига ёрқин мисол бўла олади.

Режиссурадаги яна бир «мерос» — асар қаҳрамонини доимо биринчи планда ушлаб туришга ҳаракат қилинишидадир. Чунки асосий вазифа шу қаҳрамонга юклangan бўлиб, у сўзларини томошабинга етказишига ҳаракат қилиши керак эди. Уйғур овози жарангдор актёрлар билан ишлаган. Натижада актёрларнинг сахнада мақсадга мувофиқ жойлашиши ҳам асадаги воқеалар

мантиғига қараб ҳал қилингандык. Шу туфайли актёр эркин, табиий ҳаракат қила бошлаган.

Дадиллик билан бошланган ва муваффақиятли ўтган тажрибалар натижасида, у аста-секин миллий режиссурадаги эскирган мерослардан воз кечап бошлади. Саңнада биринчи планга чиқмайдиган эпизодик ролларда ҳам мантиқий ўзгариш юз берди. Уларнинг ҳам мақсадга мувофиқ, изчил ва эркин хатти-ҳаракат қилишига эришилди.

Миллий режиссурадаги бундай муҳим бадиий-естетик ўзгаришлар натижасида актёрлар саңнада ҳаёт мантиғига асосланиб, табиий хатти-ҳаракат қила бошладилар.

«Андалуснинг сўнгти кунлари», «Нодиршоҳ» каби тарихий драмалардан кейин ҳам Уйғур «сотсиализм руҳига зид» асарларни саңналаштиришда давом этди. Танқидга учрашига қарамай, у Ф.Юнуснинг «Захҳоки морон», Фитратнинг «Або Муслим» асарларини 1919 йили «Шодлик кечаси»дан кейин саңналаштиради.

Режиссёргининг замонавий песалар устида тинимсиз ишлаши ва орадан вақт ўтиши билан уларнинг такомиллаштирилган вариантини қайтадан саңналаштириши ўзбек театрининг ривожланиш жараёнига ижобий таъсир этди. Айниқса, тарихий мавзулар орқали ҳалқни маърифатли қилишга интилиш ва тарих сабоғидан тўғри хулоса чиқаришга ўргатиш, унинг ижтимоий оқибатларини саңнавий таҳлил қилиш орқали фалсафий мазмунни очиш режиссёр Уйғурнинг миллий режиссурасидаги асосий эстетик тамойили бўлиб қолган эди.

М.Уйғур 1919 йилда ақл бовар қилмайдиган даражада сермаҳсул ижод қилган. У драматург, режиссёр, гримчи, афиша ёзадиган ҳаттот, миллий драматурглардан Ф.Юнус, Ф.Зафарий, А.Қодирий, А.Бадрий, Хуршид асарларини саңнада синовдан ўтказаётган ижодкор, татар ва озарбайжон тилларидағи саңна асарларини миллий руҳиятга ва тилимизга мослаб табдил қила оладиган таржимонга айланган эди.

Ф.Зафарий 1919 йили болалар тарбияси мавзусида «Бахтсиз шогирд» асарини ёзган. Э.Исмоиловнинг таъкидлашича, 1919 йилнинг октябр ойида ўзбек театрида Уйғур раҳбарлигига «Болалар театри» репертуари дунёга келган.

М.Уйғур ва Ф.Зафарий ҳамкорликда театр саңнасининг тарбиявий имкониятларидан энди миллат болалари тарбияси йўлида фойдаланишга бел боғлаган эдилар. Самарали ҳамкорлик натижасида 1919 йил октябрида Уйғурнинг «Туркистон табиби», Ф.Зафарийнинг «Тилак», «Раҳмли шогирд», «Ёмон ўғил» асарлари саңналаштирилган. Бу ҳамкорлик кейин ҳам изчил давом этган. 1920 йилда «Туркистон табиби», «Раҳмли шогирд» ва «Тилак» қайта саңналаштирилди. 1921 йилда «Ерк болалари», «Туркистон табиби» ва такомиллашган «Ерк болалари» қайта тикланди. 1922 йилда «Туркистон табиби», «Ерк болалари», Ф.Зафарийнинг янги асари «Туйғуной» ва яна «Туркистон табиби» саңналаштирилган.

Болалар учун ёзилган саҳна асарлари театр саҳнасидан мактаб драма тұғаралары саҳналарига күча бошлади. Иккі педагог М.Уйғур ва Ф.Зафарийнинг бадиий-естетик ҳамкорлиги болалар театри репертуарини шакллантирган эди. Болаларни санъат оламига ошно қылған драматург Зафарий асарлари йиллар давомида мактаблардаги эстетик тарбияга асос ва амалий қўлланма бўлиб қолди.

Миллий театр амалиёти ривожланиши билан унинг бадиий-естетик, назарий томонлари ҳам ривожлана бошлаган.

«Иштирокион» газетаси 1919 йил 11 июл сонида З.Раҳматнинг «Театрни нечук англарга», 14 декабр сонида Жулқинбойнинг «Бизда театр ишининг бориши», 27 декабр сонида А.Азamatнинг «Ўлка театр санои мактаби» номли мақолаларида спектаклларгина эмас, балки театрнинг умумий аҳволи, режиссура даражаси назарий таҳлил қилинади, тажрибалари умумлаштирилди. Чунончи, З.Раҳмат «Сўнгги вақтларда Туркистанда театр масаласи кўпириб кетди... Халқнинг кўпчилиги театрдан онг ва тарбия топмоқдалар», деб ёзган эди.

А.Қодирий матбуотда драматургиянинг назарий масалаларини кўтариб чиқкан. У театр учун ёзилган асарлар ва песалар саҳна юзини қўргунча «умумий адабиёт ўлчовига солиб оператсия қилиб чиқиш биринчи марта мозимдир, билсинки, асар саҳнага қўйилатурғон нарсами ё йўқ... мен шеърий асарларнинг қўпайишини тилайман, тилабгина эмас, тамом ҳарорат илиа кутаман», деб ёзганида театр санъати аҳволига ҳам баҳо берган.

Шўролар ҳокимияти кундан-кунга кучга кираётган ва халқ севиб қолган театрни пролетариат сиёсатига мослаш учун буйруқбозлик йўлини тутган эди. «Иштирокион» газетасининг 1920 йил 3 апрел сонида «Санои нафиса», 28-29 май сонларида «Пролетариат санои нафисаси», 7 ноябр сонида «Шўролар ҳукумати ва санои нафиса» каби бир неча назарий, сиёсий мақолалар эълон қилинган.

Театр олдига шўролар ҳокимияти қўйган талаблардан қатый назар, Уйғур миллат орзу-умидларини, дардини саҳнага олиб чиқишида давом этаверди. Ўзбек миллий режиссурасининг назарий асосларини амалиётда синовдан ўтган спектакллар ва уларни саҳналаштириш услублари асосида шакллантиришда М.Уйғур бадиий-естетик фаолиятининг роли бениҳоядир.

Маннон Уйғур январ ойида миллий театр бадиий-естетик фаолияти учун муҳим бўлган яна бир янгилик яратган. «Шарқ кечаси» номи билан машхур бўлган туркий миллатлар «Театр фестивали»ни илк бор ташкил қилган. «Шарқ кечаси»да «Туркистанда яшовчи миллат вакиллари — ўзбек, қозоқ озарбайжон, турк, татар ва бошқаларнинг истеъдодли вакиллари қатнашган». Илк «Театр фестивали» дастури асосини озарбайжон, татар ва ўзбек театрлари спектакллари ташкил қилган. «Шарқ кечаси»ни 1920 йилнинг 15, 16, 17 январ кунлари «Колизей» биносида, кеч соат 18 дан эрталабки 4-5 ларгача, «тонг отгунча» ўтказиш режалаштирилган бўлиб, фестивал кунлари «Ески шаҳар»

билан «Колизей» оралиғида трамвай узлуксиз қатнаб туриши газеталарда эълон қилинганды.

Үйғур фестивалга түртта бир пардали комедияларни тайёрлайды. Чунки «...кулги ўзининг фош этувчи хусусияти, ижтимоий таъсир кучи билан демократик мазмунга эга. Кулгининг барча шакллари: тарбияловчи кулги; кўнгилни юмшатадиган кулги; ўйлашга мажбур қиласидиган кулги; ачиниш туйғусини пайдо қиласидиган кулги; меҳр-шафқат уйғотадиган кулги; дўстона кулги ва ҳоказолар тагида умумий ҳаётбахшилилк мазмуни ётади. Ҳаётбахшилилк инсоннинг маънавий, руҳий камолотида, кундалик фаолиятида асосий таянч — фазилат ҳисобланади. Балки шунинг учун кулгининг санъатдаги ифодавийлик ўрни бекиёсдир», деб Үйғур кулгини театр санъатининг муҳим тамойили сифатида эътироф этган.

Кулги ҳакида файласуфлар турлича фикр билдирадилар. Аристотел «Кулги хатонинг ва мажрухликнинг натижаси бўлиб, у ёмон из қолдирмайдиган, зарарсиз нарсадир», деган бўлса, Спиноза «Кулги энг соф туйғудан лаззатланишдир. Шунинг учун у ўз-ўзидан яхши нарсадир», деган эди. Кант «Кулги — орзиқиб кутилган натижанинг тўсатдан, кутилмагандан арзимас эканлигини англашдан пайдо бўладиган туйғу натижасидир», дейди. Ҳегел кулгининг ҳаётдаги ўрнини алоҳида ўрганиб, «Кулги — тасодифий нарса, ҳолат ёки фазилатларни, инсонлар томонидан асосий мақсад, вазифа ёки иқтидор даражасида қабул қилиниши натижасида пайдо бўладиган туйғий», деган хulosага келган. Чернишевский бўлса, «кулги — «мақсад ва сармоя», «ҳаракат ва натижа», «имконият ва даъвогарлик» ўртасидаги тафовутлардан келиб чиқадиган натижа», деб талқин қилди. Шарқ мутафаккирлари хунуқликни кулги остига олишади. Айнан хунуқликнинг ўзи эмас, балки унинг гўзалликка даъво қилиши кулгули ҳол деб талқин қилинади. Бу таърифлар ифодасини Маннон Үйғур «Шарқ кечаси»да сахналаштирган қуидаги комедияларда кўриш мумкин:

1. «Ҳасан тоға» — озарбайжон тилида.
2. «На қонур, на қондирур» — озарбайжон тилида.
3. «Қизлар шулай қизиқ этапар» — татар тилида.
4. Адабий-бадиий қисмга турли миллат вакилларининг чиқишиларидан иборат 16 та номер киритилган.
5. «Туркистан табиби» — ўзбек тилида. Ҳар бир спектакл оралиғидаги танаффусларда, яъни декоратсия алмаштирилгунича, театр фоесида турли қизиқарли ўйинлар ташкил қилинган.

Адабий-бадиий қисм ўзбек эстрада театрининг ilk кўриниши бўлиб, режиссура санъатининг ўзига хос ифода воситаларини тақозо қиласиди. Бу бўлим дастурига киритилган номерлар жанр жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, режиссурада санъат байрамлари, эстрада шоулари кўринишидаги шакллар устиворлашган эди. Булар — бадиий ўқиши, рақс, қўшиқ, хор, ёлғиз чолғий номери, миллий чолғу ансамбли, духовой оркестр, оддий оркестр, пантомима,

пианино жүрлигіда айтиладиган миллій құшиқлардан, сирк номерларидан иборат бўлган. Айнан шу ҳолат «Шарқ кечаси» санъат фестивали режиссураси мураккаблигини ва ўзига хослигини белгилаган.

«Шарқ кечаси»нинг уч кунлик дастурига ҳам Уйғурнинг ўзи режиссёрлик қилган. Унга тантана, санъат байрами тусини беришга кўп меҳнат сарфлаган. Ўша давр матбуотида «Шарқ кечаси» байрам тусида, мазмунли ва муваффакиятли ўтгани, залда одам тўла бўлгани, «программа номерлари буюк бир жиддият ва ихлос билан ўйналиб», томошалар «теран таъсир» қолдирганлиги мамнуният билан қайд қилинади.

Уйғур «Шарқ кечаси»нинг ҳар бир кунига ўн соатлик дастур тайёрлаган ва улар дўстлик, байналминаллик байрамига айланган. Бундай кўп миллатли томошанинг ilk муаллифи, санъат байрамининг тўнгич режиссёри, ташкилотчиси, туркий халқларнинг биринчи маънавият ва маърифат театр марафони ижодкори ҳам Уйғурлигини, ҳатто, унинг мухолифлари ҳам эътироф этишга мажбур бўлишган.

Кечада иштирок этган юзлаб ижодкорларни, турли группа ва гурӯхларни, уларнинг раҳбарларини, ҳар хил жанрда ижод қилаётган ўзга миллат санъаткорларини тартиб билан навбатга қўйиш, ижодий муҳит яратиш, турли савиядаги томошалар изчиллигини аниқлаш ва уларни самарали натижага олиб келиш Уйғурнинг ташкилотчилик, раҳбарлик салоҳияти юқорилигидан далолат берди.

Ендиликда режиссурада ҳам машхур бўлган, кетма-кет янгиликлар яратаБтган М.Уйғур ўзбек театрида 1920 йили яна бир янги саҳифа очган. Фарона фронти сафарида у саҳналаштирган «Урушда» спектакли очиқ майдонда томошабинларга кўрсатилган. Саҳнаси мавжуд бўлмаган фронт шароитида режиссёрнинг бундай новаторлиги унинг ижодий имкониятлари кенглигини амалда исботлади.

«Очиқ майдон театри» оммавий саҳналар иштирокчилари сонини кўпайтиришни талаб қилиши табиий. Бу спектаклни саҳналаштириш жараёни яна бир бор Уйғурнинг ташкилотчилик, бадиий раҳбарлик қобилиятини, бой режиссёрлик маҳорати ва фантазиясини намойиш қилган эди. Оммавий саҳналарда юзга яқин отлик аскарлар ҳамда пиёдалар иштирок этарди. Омманинг вазифаси — ким, қачон, кимдан кейин ҳаракатга келади, уларнинг ҳаракат чегараси майдонга мослаб аниқланган эди. Кимга қачон «ўқ тегади», у қандай йиқиласи, «яраланган» аскар нима қиласи — ҳамма-ҳаммаси аниқланган, қайта-қайта такрорланган. Томоша бошланишидан олдин пиёда аскарлар ерга ўтқазилади, отлик аскарлар улардан кейинга жойлаштирилади. Бир неча минг томошабин-аскарлар олдида А.Гумерскийнинг «Урушда» спектакли бошланади. Спектакл ниҳоясида оммавий саҳнанинг пиёда ва отлик аскарлари «душманларни» қувиб, боғнинг ичига кириб кетишади. Уларга майдонда ўтирган ҳарбий томошабинлар ҳам қўшилишади.

М.Уйғурнинг Ф.Зафарий билан ижодий ҳамкорлиги 1920 йил 14 сентабрда ўзбек мусиқали драма жанрини — янги бадиий йўналишни дунёга келтирган эди. Алоҳида драма ва айрим концерт томошаларини бир воқеа билан боғлаб, асар ғоясига мос қўшиқ ва куйлар танлаб, воқеалар мантигини ғоянинг ечими асосида кўриб чиқиши натижасида илк миллий мусиқали драма яратилди. Фйлом Зафарийнинг болалар учун ёзган бир пардали «Баҳор» операсининг «Чигатой гурунги» труппасидаги муваффақиятсизлигига 1919 йилда гувоҳ бўлган Уйғур беш пардали «Ҳалима» номли асарни 1920 йилда «Карл Маркс» труппаси репертуарига киритишининг сабаби — 1916 йилда Рухулло саҳналаштирган «Лайли ва Мажнун» спектаклига оқиб келган халқни кўргандан бери ўзбек миллий мусиқали драмасини яратишни орзу қилиб юрганида эди.

Зафарий билан ижодий ҳамкорликнинг такомиллашуви, театрдаги хато ва камчиликларнинг бартараф қилиниши натижасида беш пардали «Ҳалима» номли миллий мусиқали драма дунёга келади. Бу янгилик ўзбек театри тарихида янги саҳифа очди. Театр санъати мутахассислари фикрича, «Ҳалима» ўзбек халқи онгида туб ўзгариш ясами керак эди. Чунки жамият эркак-аёл муносабатларининг ечимга муҳтожлигини англаған. Зиёлилар Медея, Тўмарис, Бибихоним, Жанна Дъарк, Қурбонжон додҳо каби аёлларнинг тарихда из қолдирган фаолиятларидан хабардор эди. Шунинг учун улар «Ҳалима» драмаси миллат қалби ва онгига катта таъсир ўтказишидан умидвор эдилар.

Улуғворлик тамойили юксак ахлоқийлик-қаҳрамонлик тамойили билан ҳамоҳанг. Театр санъати ҳаётдаги ҳақиқат меёрининг бузилишини трагедия жанрида ифодалаб, бу бузилишини умуминсоният манфаатига мос меёрга олиб келиш учун курашадиган шахсни қаҳрамон даражасида улуғлайди. Чунки қаҳрамоннинг жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги учун қурбон бўлиши, меёр бузилишига сабаб бўлган салбий кучлар сирини фош қилиши томошабинда улуғворлик туйғусини пайдо қилиб, ижтимоий воқеага айланади. Аристотелнинг фожия қаҳрамонларини «айбсиз бебаҳт»лар деб аташи Ҳалима ва Неъмат ҳақида айтилгандай.

Фожия қаҳрамонларининг олий мақсади улуғворлиги билан гўзал. Қаҳрамоннинг қурбон бўлишга арзийдиган олий мақсади уни улуғвор қиласи. Шунинг учун фожиавийлик ижтимоий характерга эга. Чунки қаҳрамоннинг ҳақиқат меёрини тиклаш йўлидаги ҳалокати — ҳаётбахш ўлимдир. Бундан ташқари, қаҳрамонни қурбон қилган олий мақсад — ғоя ғалаба қозониши билан томошабин руҳига ҳаётбахшлик инъом этади. Демак, театр маҳсулоти — спектакл ўзининг бадиий, эстетик, тарбиявий вазифаларини бажарган ҳисобланади.

Моҳирона режиссура санъати натижасида жон берәётган Неъмат кўзига Ҳалиманинг, изтиробдаги Ҳалимага эса Неъмат руҳининг кўриниши, ҳар бир ҳолат, воқеа билан боғлиқ куйлар, қўшиқлар, арияларнинг мантикий, ўз ўрнида ишлатилиши томошабинларда катарсис-покланиш туйғусини уйғотиб,

фаол харакатга чорлайди. Театршунос Т.Турсунов: «Ҳалима» — актёрлар учун маҳорат мактаби бўлди, деб жуда тўғри ёзган.

Тақризчилар, миннатдор театр шинавандалари таъбирлари билан айтганда, «чин ўзбек ҳаёти» саҳнага чиққан эди, саҳнада ҳаёт ҳақиқати — миллий реализм пайдо бўлганди. Бу ҳақиқатни кўриш учун халқ оқиб кела бошланганлигини миллий режиссура санъатининг тантанаси, дейиш мумкин.

«Ҳалима» спектакли муносабати билан А.Қодирий 1919 йилда ёзган «Бизда театр ишининг бориши» номли мақоласида «чин ўзбек ҳаёти»ни саҳнада кўриш орзуси рўёбга чиққанини айтганди. Аввалги спектаклларни томошабинлар бир мартадан кўриб бўлгач, мухлислари аста-секин камайиб борар ва ниҳоят спектакл тўхтатилиб, янги асар устида иш бошланарди. «Ҳалима»да бунинг акси бўлган. Томошага келувчилар сони кундан-кунга ортиб борди. 30-йилларнинг бошларигача энг кўп саҳналаштирилган, энг кўп томошабин тўплаган спектакл «Ҳалима» бўлган. У саҳналаштирилгунга қадар томоша залида биронта ҳам паранжилик аёл қўринмаган. «Ҳалима»дан бошлаб томошабин аёллар сони тобора ортиб борди, қанчадан-қанча одамлар эстетик завқ олди, инсон шахси ва кўнгли билан ҳисоблашмайдиган ярамас урф-одатлардан нафратланди.

Ўзбек театр санъатининг навбатдаги ютуғи Фитрат билан боғлиқ бўлган. Бухоро амири қувғинидан кейин 1918 йилда Фитратнинг Тошкентга келиши ижодкор ёшларни руҳлантириб юборди. Чўлпон «У вақтларда биз, ҳамма ўзбек ёш ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик», деб ёзган эди. Чунки Фитратнинг илмий, фалсафий, драматик асарлари қатори шеърияти ҳам жадидларнинг маърифатга бағишлиган умри ва нияти ҳақида жўшиб ҳайқиради:

*Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тўпланайдик турк элига тўғри йўллар очқали...*

Ёки:

*Оғир ийгит, сенинг гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўқидим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзингда,
Бу юрт учун қутулишинг борлигин кўрдим.*

*Тийма — югар, тинма — тириш, букулма — юксал,
Хуркма — кураш, қўрқма — ёпиш, ёрилма — қўзғал.*

Ўйғурнинг Фитрат ижоди билан яхши танишлиги 1916 йилда ёзилган «Або Муслим»ни саҳналаштирганлигидан маълум. Уйғур Фитратнинг «Чин севиши» номли беш пардали, ишқий-хиссий асари устида иш бошлайди. Асар Ҳиндистон зиёли ёшларининг «Ерк ё ўлим» шиори остида ватан озодлиги учун курашига бағишлиган бўлиб, сюжети ҳам, воқеалар ривожи ҳам илк жадидлар драматургиясига қараганда анча мукаммал, драматургия қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган пеша эди.

М.Уйғур авваллари ҳам зиёли ёшлар муаммоларини «Захарли ҳаёт» асарида бой боласи, зиёли Маҳмудхон ва камбағал, лекин зиёли Майрамхонларнинг ўз севгилари учун кураши мисолида саҳнага олиб чиққан эди.

«Чин севиши»да эса, севги учун, ватан озодлиги учун курашадиган ёшларнинг ватан хоинларига қарши, севгидан бойликни устун қўядиган фикр эгаларига қарши курашлари мавзуси очиб берилади. Бундай пухта ёзилган драматик асарлар режиссераси саҳнада ҳаёт ҳақиқатининг ғалабаси учун кураш ғояларини рўёбга чиқарувчи ягона ижрочилар ансамблини барпо қилиб, юқори савияли спектакл яратишга имкон берган.

Фитратнинг «Чин севиши» асари театр санъатида пайдо бўлган табиийликни, саҳна ҳақиқатини, саҳна реализмини янада мустаҳкамлади. Бу спектаклга тақриз ёзган Чўлпон шундай деган эди: «Яқинда ўзбек саҳнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал бир томоша кўрди... Мен ўзим иқорор қиласга тейишманким, унинг ўзини ва ўйналишини тегишинча танқид ва ё тақриз қилувни ман бажара олмайман... Ўзбек саҳнаси ёшdir. Унинг учун мундай зўр нарсалар балки оғип бўлур эди. Шундай бўла туриб «Карл Маркс» тўдаси ўртоқ Уйғурнинг тинмаслиги ва берилишлiği орқасида зўр нарсаларни ҳам саҳнага чиқара ва яхши муваффақ бўладир...»

Томошабинлар спектаклларда эстетик завқ, севинч, шодлик уйғотадиган жиҳатларни кўриб, эшитиб, ич-ичидан хурсанд, ғам-гуссалардан фориг бўлар эдилар. Агар томошаларда фожиавийлик, ғам-аламли жиҳатлар мавжуд бўлса, улар актёрларга қўшилиб, изтироб чекар, ҳамдардлик билдирав, психологик кечинмаларини қалбдан ташқарига чиқариб, жабрдийдалар билан бирга руҳий эзилишларни бошдан кечирарадилар. Томошалар зўравонликка, аёлларни аёвсиз, гоҳо ваҳшийларча эзадиган золимларга нисбатан нафрат қўзготар, адолатсизликка қарши курашга отлантирав эди.

Хуллас, М.Уйғурнинг «Туркистон табиби», Ф.Зафарийнинг «Ҳалима», Фитратнинг «Чин севиши» каби асарлари асосида яратилган спектакллар томошабинларга чукур психологик таъсир этиб, уларда ёвузылкка ғазаб, эзгуликка муҳаббат уйғотган.

Ешимқул, Ҳалима, Нуриддин каби қаҳрамонлар кулгили ёки фожиавий шароитларда мақсадининг улуғворлиги, гўзаллиги, миллий руҳи, халқчиллиги, ўз даврининг долзарб муаммоларини ифодалаганлиги, озодлик, эркинлик ғоялари билан томошабинларда бадиий-естетик ва ижтимоий тушунчаларни шакллантирав эди.

М.Уйғур актёрларни асар устида жиддий ишлашга, ҳар бир образнинг психологиясини очиб беришга, асар тилини, сўзларини пухта ўзлаштиришга, соҳта олди-қочди «қолип»лардан воз кечишга, мақсадга мувофиқ, аниқ ҳатти-ҳаракат қилишга ундан, ўзидан сўз қўшиш каби ўзбошимчаликка йўл қўймаган.

Маннон Уйғур режиссерасининг миллий эстетик тамойилларини маҳорати тобора ортаётган, мақтовлар, олқишилар, ғалабалар завқи билан маънавий қиёфаси юксалаётган театр актёрлари англаб, ўзлаштириб борар эдилар.

Айниқса, 1914 йилда «Колизей»да «Падаркуш» спектаклини намойиш қилиш билан туғилган миллий театр 1923 йилга келиб жаҳон театрлари андозаси даражасига кўтарилиб:

биринчидан, бадий-ғоявий мукаммаллиги, **иккинчидан**, ғоясининг умуминсонийлиги, **учинчидан**, ижро маданиятининг юксаклиги, **тўртинчидан**, режиссёрнинг бадий маҳорати, **бешинчидан**, театр труппасининг ягона ижодий ансамблга айлангани билан томошабиннинг ҳурматига сазовор бўлди.

Жаҳон театрлари неча асрлар мобайнида ижрочи-актёrlарнинг юксак малакали авлодларини етказиб, уларнинг тажрибаларини авлоддан-авлодга ворислик қонуни асосида мерос қилиб қолдираётган эди. Жаҳонга манзур театр жамоаларининг маданий савияси юксак, интеллектуал қудрати кучли, артистлар ўзаро ҳамнафас, ҳамфир, маслакдош бўлган. Улардаги ҳалол ижодий рақобат — тарафкашликка, айирмачиликка, миллий маҳдудликка йўл қўймаган.

Ўзбек анъанавий томошалари тарихида шаклланиб келган бадий меросга ворислик ва уни ривожлантириш каби фазилатлар янги ўзбек миллий театри оёққа туриши ва ривожланишида андоза — ибрат ролини ўйнади.

Айтиш мумкинки, **биринчидан**, янги ташкил топган театрларда режиссуранинг умуминсоний тамойиллари миллий театр режиссура санъатида конкретлашади. Унинг сарчашмаси бошида Уйғур турганлигини, ҳатто, муҳолифлари ҳам эътироф этишга мажбур бўлишган. **Иккинчидан**, Маннон Уйғур режиссурасидаги миллий эстетик тамойилларнинг халқчиллиги, табиийлиги, тарихий-мантиқий изчиллиги — унинг халқ эътирофига сазовор бўлишида асосий омил бўлган. **Учинчидан**, режиссура санъатида миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигини таъминлаш спектаклнинг ғоявий-бадий мукаммаллигини, актёrlик маҳоратини, театр «инфраструктураси» имкониятларини тақозо қиласди. Уйғур бунга эришган. **Тўртинчидан**, Маннон Уйғур ижодида миллий режиссура санъатининг эстетик тамойиллари — вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш босқичларида намоён бўлади. **Бешинчидан**, Уйғур ривожлантирган миллий режиссура санъатининг эстетик тамойиллари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, мустақилликка эришганимиздан кейин унинг ғоявий-мафкуравий аҳамиятини ўрганиш ва амалда қўллаш зарурияти кучаймоқда.

Демак, Уйғур ижодининг дастлабки босқичидан бошлаб саҳна санъатининг барча жанрлари амалиётидан хабардор драматург, таржимон, истеъдодли актёр, атоқли режиссёр, ҳурматли бадий раҳбар, ташкилотчи, театр аҳлининг ҳақиқий устози — том маънодаги «оғаси»³ди.

Шўролар тузумининг ижодга қўйган асосий талаби — саҳна асарларининг сотсиалистик мазмуни ва коммунистик ғоявийлиги эди. Бу мезонга жавоб бермаган барча асарлар, спектакллар ва ижодкорлар тан олинмасди. Маннон Уйғур режиссураси, миллий реалистик актёrlик мактаби, театрнинг 1923 йилгача босиб ўтган ижодий йўли, репертуари, «миллий

буржуа мафкураси таъсирида ёзилган, саҳнавийлик ҳамда ғоявийлик жиҳатидан замон талабига тўла жавоб беролмайдиган» спектакллар деб қораланиб, аввал саҳнадан, сўнг тарих саҳифасидан олиб ташланди.

1920 йили «Иштирокион» газетасининг 28-29 май сонларида «Пролетариат санои нафисаси» номли катта ҳажмдаги сиёсий мақола босилган. Бу мақола 1920 йилгача бўлган жадидлар санъатини пролетариатга ёт, буржуазия маданияти сифатида йўқ килиш дастурини берди. Маколада — «Енди бизларга бу маданият ва бу санои нафисани, асосан, йўқ қилиб, чин пролетариат санои нафисани тузмоқ ва унга асос сола бошламоқ зарурдир. Лекин 1917 йил тўнтириш-революсия бошланганига икки йилдан ортиқ вақт ўтиб, санои нафиса учун миллионлар ақча кетса-да, санои нафисамиизда янги, табиий турмушга мувофиқ бир иш кўра олмай ҳам, бу ҳақда матбуот ҳаракатсиз ва сукут этадир», деб ёзилган эди. Бундай ҳаракатлар ўз даврининг ҳукмон сиёсий мафкурасига таянган ҳолда ташкилий марказлашгани ва уюшганлиги билан ҳарактерланади. Хусусан, Пролеткулт матбуот ва санъат «адабий-бадиий ва маданий-окартув ташкилоти» деган ном остида 1917 йил сентабрдаёқ қайта тузилиб, 1920 йилда 400 минг аъзоси бўлган, марказда ва ўлкаларда 20 га яқин журнал нашр эттирган.

Пролеткулт дастлабки йилларда пролетар ёзувчилари ва санъаткорларини тўплаб, жадидлар санъатига қарши «соф пролетар маданияти яратиш учун курашган. Аввал бошида нисбатан прогрессив бўлган бу ташкилотни пролетариат диктатураси раҳбарлари нотўғри, «нигилистик» йўлга бурганлар. Улар пролетариат «ўтмиш меросга таянмайди, ўзининг янги маданиятини яратади», деган тескари ғояни тарғиб қилганлар. Бу ижтимоий-маданий тараққиётда ворислик қонунининг бузилиши эди.

Театрлар учун пролетариат дастури эълон қилингандан кейин Уйғур Зафарийнинг «Ҳалима», Фитратнинг «Чин севиши», Бехбудийнинг «Падаркуш» каби «буржуазия ғояси» асосида яратилган асарларини саҳналаштириши унинг катта жасорат кўрсатганлигидан далолат беради.

М.Уйғур режиссураси ва амалиётининг асосини хаёт ҳақиқатини юксак бадиий шаклда тасвиrlай олган саҳна асарлари ташкил қиласарди. Турли жанр, шакл, ғоя, мазмун, услубларда ёзилган асарлар саҳнадан бирма-бир ўтиши жараёнида шаклланаётган миллий режиссура саҳна асарининг шаклан миллий, мазмунан умуминсоний бўлишини талаб қиласарди. Умуминсонийлик Уйғур режиссурсининг асосий эстетик тамойилига айланган эди.

Театрнинг европача шаклини (мазмунни ифодалаш усулини эмас) ўзбек миллий театри шундайлигича оддий ва табиий ҳолда, деярли ўзгаришсиз қабул қиласарди. Хусусан, театрнинг ёпик, маҳсус бинодан иборат шакли, бино ичида кўтарилиган маҳсус жой — саҳна, саҳнанинг фақат бир томони томоша зали билан боғлиқ бўлиши, саҳна ва томошабин парда билан ажралиб туриши ҳеч қандай баҳссиз ҳамда ўзгаришсиз қабул қилинган.

Халққа күрсатыладыган драматик асарлар адабиёттинг махсус жанри — драматургия қоидаларига асосланиб яратылған бўлиб, мазмунан миллий бўлиши кераклигини зиёлилар дарҳол тушуниб етишган. Зеро, песада халқнинг дарди, унинг орзу-умидлари, хис-хаяжони, ички кечинмалари, миллий руҳи ўз ифодасини топиши лозим эди. Халқнинг руҳини яхши тушуниб олган режиссёр Уйғур халқ, руҳига яқин бўлган асарларни катта ғайрат билан саҳналаштиради. Уйғур билан бирга миллат ва театр санъати фидойилари М.Мухамедов, А.Хидоятов, Ф.Зафарий, А.Ардобус моддий қийинчиликларни енгиб, тирикчилик ўтказиш, театрнинг умумий «қозони қайнаб» туриши учун ўз хунарлари билан пул топиб, ҳаражат қилишарди. «Уйғур грим қилиб, париклар ясаса, Мұхамедов кишиларнинг бузук қулфларини тузатарди, Ҳидоятов, Зафарий, Ардобулар эса турли бюллетен, газета, варақалар кўчириш ва ёзиш билан ақча ишлашар эди». Бу фидойилик ўз натижаларини берди. Театр санъатига бу даражада фидойилик ўзгаларга ибрат бўлди. 1920 йил 17 декабрда Туркистон республикаси Маориф халқ комиссарлыгининг Театр бўлими мажлиси қарорига биноан 15 декабрдан эътиборан барча мусулмон театрлари тарқатилиб, ўрнига «Ўлка ўзбек Намуна труппаси» тузилиши эълон қилинди.

«Намуна» театрига Уйғур труппаси асос бўлди. Труппа ёш кучлар, истеъдодли ёшлар билан тўлдирилди. Театрга бадиий раҳбар ва режиссёр қилиб Уйғур тайинланди. Бу труппа энди Мұхамедов, Акбаров, Зафарий, Ҳидоятов, Бобожонов, Жалилов, Олимов, Умаров, Ёқубов, Ардобус, Нажмиддинов, Пирмуҳамедов ва ўзбек театрининг қалдирғоч хотин-қизларидан М.Қориева ҳамда А.Назирова каби истеъдодли ёшларни бирлаштирган.

1921 йилни режиссёр Уйғур «Ҳамуна» театри ёшларини репертуар билан таъминлаш, уларни «ҳаёт ҳақиқатини» саҳнада биргаликда яратишга ўргатиш, ягона ижодий уюшма-актёрлар ансамбли тузиш каби режалар билан бошлайди.

«Намуна» драма труппасининг миллий ғоявий йўналиши, ижодий услуби Уйғур саҳналаштирган спектаклларда намоён бўлар эди. Чўлпоннинг «Ёрқиной», Қодирийнинг «Ҳеч ким билмасун», Зафарийнинг «Ерк болалари», «Ҳалима», Уйғурнинг «Туркистон табиби», А.Бадрийнинг «Намоз ўғри» каби маҳаллий драматурглар асарлари саҳналаштирилиши ўз даврида миллий истиқлол ғояларини, халқнинг орзу-умидларини тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Театр ижодий жамоасини иш билан тўлиқ таъминлаш учун уларга таниш бўлган таржима асарларга ҳам мурожаат қилинарди. У.Ҳожибековнинг «У ўлмаса, бу ўлмас», «Аршин мол олон», Ҳ.Жовиднинг «Марат», А.Камолнинг «Қизғонч», А.Гумерскийнинг «Урушда» каби асарлари асосидаги спектакллар ҳам томошибинларга мунтазам кўрсатилиб борилган. Бу асарларда бошқа халқлар қисматини ўзбек миллати тақдири билан таққослаш орқали сиёсий хулосалар чиқарилган. Бошқача айтганда, эркинлик, мустақиллик ғоялари театр санъати орқали тарғиб қилинган.

Миллий театр майдонига Абдулҳамид Чўлпоннинг кириб келишини алоҳида таъкидлаш керак. Ёш Чўлпон саҳна асарлари ёзиш билан бирга, спектаклларга тақриз ёзишни ва уни матбуотда эълон қилишни бошлаган.

Чўлпондек фаол тақризчи ҳамда тадқиқотчигина миллий театр ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни, инкор қилиб бўлмайдиган аччиқ ҳақиқатни матбуотда очиқ айта оларди. Абдулҳамид Чўлпон билан Ғулом Зафарий маориф ва санъат соҳасидаги раҳбарлик лавозимига кўтарилигач, улар Уйғурнинг ҳам амалий, ҳам назарий қўмақдоши бўлиб қолди. «Намуна» театрининг директори ва адабий эмакдоши Чўлпон Маннон Уйғурнинг театр санъати орқали миллий гояни тарғиб қилишига ижодий муҳит яратиб берди.

Уйғур ва Чўлпон шакллантирган репертуарлар «Намуна»чиларнинг маҳоратини тобора такомиллаштириб, труппада соғлом, ижодий муҳит вужудга келишига ва мавжуд бадиий имкониятларни руёбга чиқаришга, эстетик онгни ривожлантиришга хизмат қиласди. Ижодий гурухнинг имкониятини тўлароқ намоён қилиш учун Маннон Уйғур труплага машҳур татар режиссёри Абдулла Камолни ҳам таклиф қилган эди. М.Уйғурнинг рус театри режиссёри К.О.Шорштейн билан ижодий ҳамкорлиги 1918 йилдан бери узлуксиз давом этган бўлса, А.Камол билан ҳамкорлик «Макр ва муҳаббат»ни саҳналаштиришдан бошланган. «7 декабр ўлка ўзбек труппаси томонидан А.Камолнинг қарамоғи остида (режиссёрлигига) ўзбекча «Макр ва муҳаббат» ўзбек саҳнасида ўйналишга насиб бўлди». Тақризчи Шиллернинг 5 пардали, 9 манзарали машҳур асари тўлиқ таржима қилинмаганлигига алоҳида тўхталади.

Бизнинг аниқлашимизча, асар таржимаси билан Уйғур танишиб чиқкан ва труппада икки аёл мавжудлигини эътиборга олиб, режиссёр А.Камол розилиги билан аёллар қатнашадиган саҳналарни қисқартирган. Тақризчи актёрлар ижросига жуда юксак баҳо берган. «Песанинг қўйилиш жиҳатига келсак, ўзбек саҳнасида хорижий асарларни намойиш қилиб келган театрларнинг энг зўр муваффақият билан ўйналгани, деб ҳисобланадир». Бу муваффақиятдан кейин Шиллернинг «Қарокчилар» асари ҳам саҳналаштирилган. А.Камолнинг таклифига биноан, Уйғур асар бош қаҳрамонларидан бири Карл Моор ролини ўйнаган. Миллий драматургиямиз билан бир қаторда жаҳон мумтоз саҳна асарлари қайта саҳналаштирилган сари, асарлар таржимаси ҳам, актёрлар ижроси ҳам, спектакллар режиссураси ҳам такомиллашиб бораверган. Бу эса, ўз навбатида, миллат маънавий савиясига, эстетик диди такомиллашишига ижобий таъсир ўтказган.

Инқилоб мафкурасига мос асарларни саҳналаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларга қарамай, Уйғур жадидлик руҳидаги асарларни саҳналаштиришни давом эттирган: Фитратнинг «Або Муслим», «Ҳинд ихтилочилари», «Чин севиши», Бадрийнинг «Намоз ўғри», Уйғурнинг «Туркистон табиби» каби саҳна асарлари миллатнинг маънавий онгини уйғотишда катта аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Натижада, М.Уйғурнинг ўз эстетик принциплариға содиқлиги «қайсарлик» деб баҳоланиб, «Намуна» театри бадиий раҳбарлиги ва режиссёрлиги лавозимларидан четлатилган. Шўро хукумати «қайсар» режиссёрни Бухорога маориф ишларини ривожлантиришга жўнатди. У Бухоро ва Керки шаҳарларида 1921 йил декабрдан 1922 йилнинг август ойигача бўлди. Уйғурнинг «Намуна» театри режиссёри сифатидаги ўрни дарҳол сезила бошлади. «Намуна» театрининг бошқа труппалардан фарқи қолмади. Саёз репертуарлар, кассабоп енгил-елпи асарларни саҳналаштириш бошланди. Актёrlар ижросида эришилган ҳаётийлик ва табиийлик ўрнини «бари-бир»чилик, «ўйин» эгаллади. Маннон Уйғур барпо қилган бадиий сифат андозаси, ижро усули йўқола бошлади. Ривожланиб келаётган миллий театрнинг сўниши томошабинни театрдан аста-секин совитиб қўйди. Буни ўз даврининг давлат раҳбарлари ҳам, матбуот ҳам тан олган.

Уйғурга «пантуркист», «жадидчи» тамғаси босилган ва мафкуравий тазииклар билан 9 ой вақт ичиди Бухоро, Туркманистан шаҳар ва қишлоқларида, амалда сургунда «яшириниб юришга мажбур бўлди». Э.Исмоиловнинг Уйғур «Керки ва Бухорода маориф ишлари билан шугулланиб юрган, чунки ёш Бухоро республикаси ёрдамга муҳтож эди. Шунинг учун Уйғур театр ишларини йўлга қўйиш учун Бухорога юборилди», деган фикрлари сургун сабабини никоблашдан бошқа нарса эмас. Чунки фақат сотсиализм ютуқлари ҳақидагина ёзиш мумкин бўлган бир пайтда сургун ҳақида сўзлаш мантиққа тўғри келмасди.

Раҳбарлик ишларига ўтган А.Авлоний, Н.Хўжаев, 1918 йилдан бери Тошкентда фаолият кўрсатаётган А.Фитрат, А.Чўлпон ўзбек театри учун Уйғурнинг қанчалик зарур эканлигини яхши тушунган. Уйғурнинг беназир салоҳияти, репертуар танлашга моҳирлиги у Бухорога кетгандан кейин яққол сезилди. Шунинг учун уни сентябр ойида Бухородан чақириб олишга мұяссар бўлинди, аммо «Намуна»га ишга қўйишмади. У Тошкентда то 1923 йилгача «Қизил кўйлак» ҳамда «Ташвиқот ва тарғибот» труппаларида режиссёрлик қилиб юришга мажбур бўлди. Ғ.Зафарийнинг «Ҳалима», «Туйгуной» ва «Ерк болалари» каби музикали драмаларини саҳналаштириб юрди. Лекин куни «Намуна» театрида ўтганлиги Чўлпоннинг такризидан маълум бўлади. «Уйғур Бухородан келгандан бери саҳнамиз жонлана бошлади... Саҳнамиз яна тирилмоқчи!.. Бухородан чақиртириб олингунча минг ваъда, минг хил роҳат ва таъминотлар ваъда қилинган Уйғурга ҳануз тургани бир жой топиб беролмайдур».

Халқ дидини, эстетик онгини, дунёқарашини, театр — санои нафисага муносабатини юқори савияли репертуар орқалигина тарбиялашга бўлган «Оға»нинг ҳаракати бекор кетмаган.

«Ролни англаб ўйнаш», берилган шарт-шароитни ўзлаштириш, образ рухини, феъл-авторини, характеристикини топиш, унга мос хатти-харакатлар мантигини қидириш, сўзларнинг таъсир кучини англаш саҳнада яхлит образ

яратишига олиб келади. Бу образларнинг мантиқли ва изчил, ғояга мос хатти-ҳаракатлари, актёрлар ансамбли, асарнинг саҳнавий, бадиий ечимини вужудга келтиради, ғоявий-мафкуравий йўналишини белгилайди. А.Чўлпон «ролни англаб ўйнаш» деганда Уйғур бир неча йиллар давомида эришган саҳна реализмини, самимийликни, эркинликни, миллий ғояларнинг саҳнадаги ҳаётй ечимини топишни назарда тутади. Тўғри йўлга қайтиш, яъни миллий руҳни кучайтириш шартлигини ҳамма тушуниб етган эди.

Театр учун фидойиларча жон куйдираётган Чўлпон мақоласидан кейин «ўзбек саҳнасини зўр енгишига», яъни ғалабасига сабабчи бўлган миллий реализм ижодкори Уйғур «Намуна» театрига, ўз ўрнига қайтарилади. «Намуна» театри жонланиб, ўзининг аввалги ҳолини тиклай бошлади. «Заҳарли ҳаёт» фожиасини ва «Тухматчилар жазоси» комедиясини саҳналаштиради. Айниқса, Фитратнинг «Чин севиши» ва «Хинд ихтилолчилари» фожиаларини саҳналаштириши Уйғурнинг жадидчилик ҳамда миллий истиқлол ғоялари тарғиботидаги яна бир жасорати эди.

Фитратнинг «Чин севиши» асари қаҳрамонлари саҳнадан, «Ерк ё ўлим!», «Юртни босқинчилардан кутқармок учун барча бирдан тўлқин бўлиб, бирга чикиш қилсин!», деб хитоб қилади, «Хинд ихтилолчилари» қаҳрамонлари — зиёли икки севишган ёшлар ўз тақдирини эл-юрт тақдиридан узган эмас. Улар ўз тақдери, озодлигини эл-юрт тақдери билан биргаликда ҳал этишга интилганлар. Буларнинг асосий ғояларини зукко томошабин анлаган ва миллий озодлик руҳини ҳис қилган.

Маннон Уйғур саҳнадан туриб томошабинни озодлик, эрк, адолат, тенглик учун курашга чақириб, сиёсий маслаклар ҳақида ўйлашга, унинг моҳиятини англашга даъват қиласади.

Рахбарлик лавозимидағи маслакдошлари — А.Авлоний, Н.Хўжаев, Т.Рисқулов, А.Фитрат, А.Қодирий, А.Чўлпон, Ф.Зафарий, Хуршидларнинг матбуотдаги ва халқ орасидаги катта обрўси ҳамда уларнинг ўзбек театрига муносабатидан руҳланган Уйғур миллий ўзликни англашга оид жиддий асарларни дадил саҳналаштириб, халққа манзур қилди. Томошабин яна театрга оқиб кела бошлади.

Режиссёр Уйғур олдида энди актёрларни, репертуарни, репетитсия жараёнини, интизомни ва спектаклларнинг бадиий савиясини замонавий талаблар даражасига қайта кўтаришдек шарафли вазифани ҳал қилиш турар эди. 1923 йил давомида «Коваи оҳангар», «Иблис», «Шайх Санъон», «Фарҳод ва Ширин» асарлари саҳналаштирилди. 1923 йил март ойида саҳналаштирилган «Иблис» спектакли, Чўлпон айтганидек, «Ўзбек саҳнасининг зўр енгиши» бўлди.

Бу спектаклни ёшу қари, ҳатто, ўзларини «ортиқ зиёли» санаганлар ҳам келиб кўришди. 1924 йилдан эътиборан эса «Шайх Санъон» ва «Лайли ва Мажнун» спектакллари «Колизей» театрида намойиш қилина бошлади.

Уйғур сургунда юрган пайтда репертуарда шаклланган бачканা спектакллар ўрнига яна ғоявий жиҳатдан жиддий асарлар саҳналаштирилди.

Театр автоном тијорат биродарлигига айлантирилиб, даромад манбаи ҳисобидан энди актёрларга маош тайин қилинадиган бўлди. Бу ҳақда Чўлпон қувонч билан матбуотда мақола эълон қилди. «Туркистон» газетасининг 1923 йил 7 январ сонидаги мақолада «Турон» саҳнасинынг «декоратсиялари учун икки рассом ишлаб турадур. Саҳнанинг бошқа кам-кўстлари учун яна иккита дурадгор уста солинди. Энди декоратсияларнинг кўпайиши, жиҳозларнинг ортиши, саҳнанинг тузалиши натижасида эски шаҳар халқи январ ойидан бошлаб ғоят жиддий ва зўр санъат асарларини томоша қилмоққа мувофиқ бўладир», деб ёзилган.

Ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммал спектакллар тайёрлашга киришган Уйғур энди актёрлар репетитсиясидан ташқари, рассом билан спектаклга декоратсия тайёрлайди, уларни асар мазмунига мослаб жойлаштиради. Буларнинг ҳаммаси томошаларнинг ғоявий-рухий таъсиранлигини оширган. Бундан ташқари рассом билан актёрларнинг грим ва костюмининг миллий руҳиятга мос образли ечимини ҳам ҳал қилиш керак эди. Тайёр бўлган декоратсия, грим ва костюмлар билан репетитсия жараёнида саҳнани ёритиш ҳамда нур билан асар руҳига мос ранглар беришни ҳал қилиш масаласи навбатда турарди.

Режиссёр спектаклнинг образли ечими, ғоявий мазмuni, эмотсионал таъсири мукаммал бўлиши учун асарнинг мусиқий ечими ва шовқинларини ҳам ҳал қилиши лозим эди. Декоратсия, мусиқа, шовқин, грим, костюм, реквизитлар, нур ва ранглар билан қилинган репетитсияларда спектаклнинг умумий темпоритмини топиш режиссёрнинг навбатдаги энг муҳим вазифаларидан ҳисбланган. Ниҳоят, якунловчи репетитсияларда жузъий камчиликларни — сўздаги ва талаффуздаги йпғӣ, образларнинг ўзаро муносабатларидаги уйғунлик, ҳар бир иштирокчининг хатти-ҳаракатидаги аниқлик, мизансена ва ҳарактерларнинг ёрқинлиги каби ифода воситаларини тузатиш зарур бўларди.

Пухта тайёргарликлардан сўнг 1923 йил 16 январда «Турон»нинг қишилик саҳнасида Ш.Сомибекнинг «Коваи оҳангар» асари саҳналаштирилди. Чўлпон — «Бу асарга давлат труппаси хийла катта аҳамият бериб, яхши ҳозирлик кўрган, асарнинг ўзи учун маҳсус декоратсия ишланган... Труппанинг умумий ҳайъати сараланган... ўткир санъаткорлардан иборат бўлиши ёғидан жуда жиддий... саҳна ва декоратсиянинг тўлалиги жузъий камчиликларни буткул ювиб кетди», деб ёзган эди. Иш бор жойда камчилик бўлади, булар грим, арабча ва форсча сўзлар талаффузи хусусида эди. «Умуман олганда, «Коваи оҳангар» саҳнамизда энг яхши ва муваффақиятли ўйналган асарлардандир. Бу асар халқнинг сўрови бўйича яна ўйналди», дейди Чўлпон.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Намуна» театрида жиддий ташкилий ишлар натижасида январ ойига режалаштирилган бешта спектакл ўрнига битта «Коваи оҳангар» саҳналаштирилган ва шу спектакл билан бир вақтда Ҳ.Жовиднинг «Иблис» асари устида ҳам иш бошланган.

Театрнинг январ ва феврал ойларидаги иш режаси тифизлиги, янги репетитсия услубига, профессионал режиссура сифатига салбий таъсир қилиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, театрнинг кейинги спектакли «Иблис» январда эмас, балки март ойида томошабинларга ҳавола қилинди.

«Иблис» песаси биринчи бор 1919 йилда сахналаштирилганда асар гояси, сюжетнинг пишиқлиги, ролларнинг мантиқий тугалланганлиги билан Уйғурга жуда маъқул бўлган эди. У пайтда режиссёр уни одатдагидай, жадидлар театрининг анъанавий услубида, бир ҳафтада сахналаштирган ва олқишиларга сазовор бўлган эди. Бу сафар тажрибали, профессионал режиссёр уни сахналаштиришга икки ойга яқин вақт сарф қилди. «Коваи оҳангар» 16 январ куни ўйналган бўлса, «Иблис» 6 март куни томошабинларга ҳавола қилинди.

Асар устида муентазам иш олиб борилиши, репетитсиялар ҳар куни, узлуксиз давом эттирилиши театрда миллий режиссурунинг профессионал даражага кўтарилишига замин яратди.

М.Уйғурнинг бадиий яхлит, ғоявий етук спектакллар яратишдаги ижодий услуби томошабинлар онгига, руҳиятига таъсир ўтказиб, уларнинг дунёқарашини ўзгартиришга хизмат қила бошлади. Шу даврда театр санъати ва унинг режиссурасида ижодий услубнинг ўзгариши обектив сабаблар — театр биносининг замонавий талаблар даражасида таъмирланиши, нисбатан мукаммал техник жиҳозларнинг пайдо бўлиши билан бирга, субектив омил — М.Уйғурнинг асар мазмуни ва ғоясини актёрлар ижросида кенг оммага етказа олганлиги билан белгиланади.

Орттирилган тажриба ва ютуқлар ниҳоят туркий драматургияда энг мураккаб ва фалсафий асар ҳисобланган «Шайх Санъон»га мурожаат қилишга даъват қиласиди. Ҳ.Жовиднинг мазкур асари 9 манзарали бўлиб, шеърий усулда ёзилган эди. Қодирий орзу қилган «шеърий асар» Хуршид таржимасида театр репертуаридан жой олди. Бу ҳақда Чўлпон сўфиийлик оламида ўрнак бўлган шайх «стариқатдан, шариатдан, сўфиийлик, зоҳидликдан юқори ва юксак бўлган бир ҳақиқат — ишқ олами «ҳақиқатини» қидиради», деб ёзган эди. Бундан ташқари, ёшлар севгисини тараннум этган «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухро», «Ромео ва Жюлетта» каби асарлар қатори, ўрта ёшдаги «Отелло» рашиқидан ҳам хабардор зиёлилар энди ёши йлуғ шайхнинг ишқ оламини ўрганадиган бўлдилар.

Чўлпоннинг бу спектаклга бағишлиланган такризи сарлавҳаси жуда ғалати эди. «Шайх Санъон» (Колизей биноси, 29 май). «Шайх Санъон бўлсанг бўйнингда зунноринг ғалат!». Бу ғазал маъносини замон билан моҳирона боғлаган Чўлпонга таҳсинлар ўқийсан, киши. «Билимда, маданиятда энг илғор шахс — шайх бўлсанг, бўйнингдаги қуллуқ занжири муборак бўлсин», дейди у.

«Ҳақиқат излаш»га бағишлиланган, «руҳий ҳолатларга бой», 9 манзарали, мукаммал адабий, фалсафий асарнинг ўзбек сахнасида пайдо бўлишининг ўзи мухим воқеа эди. Уйғур уни сахналаштириш учун ўзи ихтиро қилган янги ижодий услубдан, яъни юксак ғояни актёрлар ижросида яхлит бадиий шаклда, юқори

савияда намоён қилишдан фойдаланган эди. Спектаклнинг «Колизей» саҳнасида муваффақиятли ўйналганлиги ўзбек театр санъати тарихидаги навбатдаги энг ёрқин воқеалардан бири бўлди.

Халқ Уйғурни авваллари машҳур актёр сифатида жуда ҳурмат қилган бўлса, «Шайх Санъон»ни саҳналаштиргандан кейин, уни Туркистондаги маҳаллий аҳолидан чиқсан энг қобилиятли режиссёр сифатида бир овоздан тан олган.

«Иблис»ни саҳналаштириш устида режиссёр 48 кун ишлаган бўлса, «Шайх Санъон»ни саҳналаштириш учун 84 кун сарф қилган. Кунларни санаш билан биз янги ижодий услугуб пайдо бўлганини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Чунки бу услугуб ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Чўлпон такризига мурожаат қиласиз: «Фақат асарнинг жойланиши — постановкаси учун қимматли Уйғуримиз қўб тиришкон...халқ қўб. «Колизей» биноси тўлғон... Ўюн текис чиқди. Айниқса, Шайх Санъон (Уйғур) яхши эди... халқ жуда севинган... Уйғур ўртоқ айрим олқишиланиб, тўда исмидан унга бир олтин соат совға қилинди».

Спектаклнинг «Колизей»да қўйилганлиги унинг нуфузи юксаклигидан, бу асардан бошқа миллат вакиллари ҳам хабардорлигидан далолат берарди. Шу ўринда, миллий театр спектаклларига бошқа миллат томошабинлари ҳам келиши, бир томондан, ўзбек миллий театри мавқеининг юксалганидан далолат берса, иккинчи томондан, энг муҳими — бошқа миллат вакилларида ўзбеклар тақдирли, қисматига ҳамдардлик туйғуларини уйғотганлиги, шубҳасиз.

Песада юқорида қайд этилган бадиий сифатлар, илғор ғоялар, юксак фалсафий фикрлар Уйғурни илҳомлантирган, руҳиятини тўлқинлантирган эди. Асадаги ғоядан, аввало, режиссёрнинг ўзи ижодий таъсирланади. Бу таъсир унинг фикрини, иқтидорини ҳаракатга келтириб, унда режиссёрлик режасини пайдо қиласи. Бу режалар, ўз навбатида, актёrlар тасаввурига, ижрочилик маҳоратига ижодий таъсир ўтказиб, уларда асар ғоясига ҳамда режиссёр режасига мос бадиий қарашларни юзага келтиради. Умумий ижодий кўтаринкилик театр аҳлини, рассом, композитор ва саҳна усталарини ягона ғоя атрофида бирлаштиради. Бундай ижодий иш услуги ҳамон режиссёрлик касбининг асоси, умуминсоният қабул қиласан саҳнавий ижод услуги бўлиб қолмоқда. М.Уйғур бу услугуга ўзининг кенг қамровли дунёқарashi билан турли спектаклларни саҳналаштириш жараёнида тўплаган тажрибасини ижодий умумлаштириш орқали эришди.

Уйғур Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида Хуршид яратган саҳна асарини саҳналаштиришга киришади. Ўзбек театр санъатининг изчил ривожи, актёrlар маҳоратини янги поғонага олиб чиқадиган энг тўғри йўл — Навоий ижодига мурожаат қилиш эди.

Навоий асарларидаги эстетик идеаллар ва уларнинг шеърий шаклдаги ифодаси, «Шайх Санъон»да орттирилган тажриба ҳамда катта ижодий имконият, бадиий савия Маннон Уйғур бошчилигидаги театр аҳлини янги

ижодий режаларга, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини саҳналаштиришга ундади.

Маълумки, инсон идеалга интилади. Ижод жараёни эса эстетик идеал тамойилларига асосланади. Шу нуқтаи назардан мутлоқ намунавийлик тушунчаси инсонни юксак мақсадга интилтириб, сафарбар қиласи, одатдаги мақсадни мантиқан янада такомиллаштириб, маънавий юксалиш ғоясини илгари суради.

Естетик идеалга асосланган санъат характер яратишида орзу-истаклар «аслида қандай бўлиши кераклиги» тасаввурини ихтиро қиласи. «Аслида қандай бўлиш керак», деган даражага интилиш эса мантиқий ва ижодий доноликдир. Донолик — ақлни, фикрни, иродани, билимни, ҳис-туйғуларни ҳаракатга келтиради, имкон даражасида, мақсадга мувоғиқ, ижобий натижага эриширади. Навоий асарларидаги қаҳрамонларда миллатга хос бўлган комиллик хислатларини кузатамиз.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Навоийнинг ўзбек халқига қилган хизматлари олдида ўзбек театри ўзини қарздор ҳис қиласи. Бу қарзни узиш Чўлпон, Хуршид, Маннон Уйғурдек забардаст ижодкорлар зиммасига тушган эди.

Хуршид ва Уйғурнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида 1923 йили «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси, 1924 йил май ойида «Колизей»да «Лайли ва Мажнун» музикали драмаси саҳналаштирилди. Бу ўзбек театри тарихида энг ёрқин зарварақларга айланди. Театр Навоий ижодини, унинг ижтимоий — фалсафий ғояларини томошабинларга тақдим этиб, халқнинг «юракларида ваҳий бир лаззат, ажиб бир тўлқин, таъмли бир таъсир, мияда ажиб бир қўзғалиш ясаган». Театр томошабинни Навоийнинг намунавий қаҳрамонлари, бой ва гўзал сўз санъати, буюк ва табиий, улуғвор умуминсоний ғояси билан танишитирган эди.

Амалиётдаги ишлардан таъсирланган Чўлпон Навоий сиймосини чуқур ўрганиш ва абадийлаштириш мақсадида 1924 йил сентябр ойида унга бағишлиб ёзган мақолосида бир неча таклиф киритган. Уларда «Ўзбекистоннинг пойтахтида Навоийга ҳайкал тиклансан», деган фикр мавжуд эди. Унинг бу орзуси ортифи билан амалга ошди. Ҳозир пойтахтимизнинг икки жойида бу алломанинг салобатли ҳайкаллари савлат тўкиб турибди.

Умумлаштириб айтганда, **биринчидан**, Маннон Уйғур 1923-1924 йилларда саҳналаштирган ҳар бир асар томошабинларга бадиий-естетик завқ бераб, фикр-шуурида гўзал таассурот содир қилиб, халқ маънавиятини бойитишга, минглаб одамларнинг маърифатли ва маданиятли бўлишига, янги дунёқарашни, улуғвор миллий туйғуларни пайдо қилишга ўз ҳиссасини қўшган ҳаққоний, мукаммал санъат асарлари даражасида ўзбек театри тарихига киради.

Иккинчидан, ўзбек театрининг 1914-1924 йиллардаги энг ёрқин ижодий муваффақиятлари сотсиализм ўлчовига түғри келмагани учун эътибордан четда қолдирилган эди. Шўролар ҳокимияти миллий маданиятимизни ўз сиёсатига бўйсиндириш механизмини шакллантирди. 1914-1924 йилларда яратилган миллий саҳна асарларидаги рух, эркинлик, озодлик ғоялари аста-секин сўндирилди.

Учинчидан, жадидлар ғоясига содик қолганлар, ўз юртини озод ва эркин, миллатни тенглараро тенг кўрмоқчи бўлганлар аста-секин, бирин-кетин «халқ душмани», «миллатчи» сифатида қатағон қилинди. Бу ҳақда очик ёзиш хуқуқига мустақилликдан кейин эга бўлдик.

Тўртингидан, ўзбек миллий театрининг вужудга келиш, шаклланиш, такомиллашиш босқичларини тадқиқ қилиш унда миллий ва умуминсоний қадриятлар тикланиб ҳамда юксалиб борганини кўрсатади.

Бешинчидан, Маннон Уйғурнинг 1924 йилгача бўлган бадий-естетик фаолияти ўзбек театр санъати жаҳон театрлари даражасидаги профессионал юксакликка чиққанидан далолат беради.

Олтинчидан, янги ижодий услуб ижодкори Маннон Уйғурнинг миллий режиссурада халқ театри анъаналарини европача театр шаклига пайванд қилиб, янги миллий шакл ва умуминсоний мазмун кашф этиши, янги ўзбек театрининг эстетик тамойилларини аниқлаши ва шу асосда театр аҳлини бадий ютуқлар сари илҳомлантиришини санъат соҳасидаги жасорат деб баҳолаш керак. Шунинг учун уни профессионал миллий актёрлик ва режиссура мактабини яратган буюк саҳна ислоҳотчиси, улуғ санъат арбоби деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

Ўзбек театрининг Маннон Уйғур ижоди билан боғлик кейинги 1925-1955 йиллардаги фаолиятини ўрганиш миллий эстетика назарияси ва тарихининг долзарб вазифасидир. Зоро, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек — “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгода маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъbir жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараённида ғоят муҳим ўрин тутади.

Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир”.

Европа шаклидаги янги ўзбек театр тарихига назар ташлаб, қўйидаги хулосага келдик. Республикамиз тарихида XIX аср охири ва айниқса, XX аср бошлари мураккаб сиёсий-ғоявий ва фалсафий-естетик жараёнлар даври бўлган. Бу даврда ўлкамиз тақдири ҳакида қайгурувчи зиёлилар харакати шаклланган бўлиб, бу харакат иштирокчилари жамият ҳаётини тубдан ўзгартириш зарурлигини англаб етган эдилар. Улар олдида жамиятни,

ўзгартиришнинг икки йўли - революсион ва эволюсион йўллари кўндаланг бўлиб турар эди.

Биринчи йўл — большевиклар танлаган йўл бўлиб, қўлга қурол олиб, куч ва зўрлик, қон тўкиш, қурбонлар бериш эвазига жамиятни ўзгартиришга уринишни, маърифатпарвар жадидлар илгари сурган иккинчи йўл эса халқни илмли қилиш, маърифат тарқатиш орқали жамиятни аста-секин порлоқ истиқболга олиб чиқиши кўзлар эди.

Ўзбек миллий театр санъатининг шаклланишида улкан хизмат қилган Маннон Уйғур олдидаги ҳам ўз ғоявий-сиёсий, фалсафий-естетик йўлинин аниқлаш вазифаси турган. У жадидлар ёқлаган йўлни танлади. Чунки бу йўл унинг ижтимоий-сиёсий қарашларига, эътиқод қилаётган ғояларига мос эди. Жадидлар фалсафасини, бадиий-естетик қарашларини қабул қилиш ва уларга суюниш заруратини Уйғур тушуниб етди ҳамда келажак тақдирини бу ғояларга хизмат қилаётган «Турон» театр труppаси билан боғлади.

XX аср бошларида шаклланаётган, зиёли ёшлар дунёқарашига фаол таъсир қўрсатаётган «Турон» театр труppаси ўзи амал қилиб келаётган 73 банддан иборат «Низоми»га, 30 га яқин доимий актёрлар гурӯхига, миллий ва байналминал репертуарига, татар, озарбойжон ҳамда миллий режиссёrlарга эга бўлиб, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жойлашган «қишилик» ва «ёзлик» биносида фаолият олиб бораради. Бу профессионал миллий театр ўз даврида ёшлар дунёқарашига демократик рух бағишлиовчи ижтимоий-фалсафий ва бадиий-естетик тамойиллар асосида иш кўрган.

Уйғур ижодий фаолиятини 1916 йили «Турон» театрида актёрликдан бошлаган. У актёрлик санъатининг инсон онги, идроки, тафаккурига улкан таъсир кучи борлигини англаб етди. Ёш Маннон театр санъатини «бадиий ғоянинг ифодаси», саҳнада гўзаллик яратиш имконияти, деб билди. Саҳнада актёр ижод қиласи экан, ижодкорнинг вазифаси шахснинг ички дунёсини ифодалаш, томошабинларда «гўзал лаззат таъсирида ҳис-туйғуларда бир кўзғалиш ясаш» деб билган.

Уйғур Ибратхона — Театр инсонлар учун ҳаёт мактаби ролини ўташи, актёр-мударрисдай халқни имонга даъват қила олиши мумкинлигини онгли равища ҳис қилди ва 1918 йилдан режиссёrlик фаолиятини бошлади.

Фалсафанинг ривожланиш ҳақидаги нуқтаи назаридан қараганда театр саҳнаси ўзига хос шакл бўлса, пеша унинг мазмуни, маъносидир. Булар орасида диалектик бирлик, гоҳо зиддият ҳам бўлади. Режиссёrlинг вазифаси улар орасидаги бирликни уйғунлаштириб, зиддиятларнинг олдини олиш, ечимини топишдан иборат. Бу масалада Уйғур ўзбек театри назарияси ва амалиётига ҳам янги бадиий шакл, ҳам новаторлик мазмунини олиб кирган. Янги шакл ва мазмунни қабул қилишга тайёр турган театр жамоатчилигига Уйғурнинг бу фаолияти зарурый туртки берди.

«Ўзбек Давлат ўлка Намуна» драма театрининг ташкил қилиниши ва «қишилик» биносининг таъмирланиши муносабати билан унинг фаоллиги ошди.

Уйғур янгилаш, ислоҳот натижасида асарнинг мукаммал талқини, иқтидорига, ёши ва жинсига қараб рол тақсимлаш, маҳсус декоратсия, костюм, грим, саҳна жиҳозлари тайёрлаш, мутахассислар томонидан спектакл ғоясиға мос мусиқалар танлаш, тасдиқланган қатъий иш режаси асосида репетитсия қилиш, спектаклни режиссура қонун-қоидалари асосида ташкилий ва бадий жиҳатдан пишиб тайёр бўлгандан кейингина томошабин ҳукмига ҳавола қилиш каби жаҳон театрларида шаклланган бадий-естетик тамойилларни амалиётга жорий қилиб, юксак бадий савияли, яхлит саҳна асарлари яратади.

Бу ижодий фаолиятнинг самараси сифатида 1923 йилга келиб Уйғурнинг ҳар бир саҳналаштирган спектакли миллатнинг маданий ва маънавий ҳаётида воқеага айланади. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектакллари билан саҳнада Навоий асарларини саҳналаштиришга асос солинди. Бу янгилик миллий режиссура мактабининг такомиллашишини, ривожланиш қадамларини тезлаштириди.

Ўзбек миллий театр драматургиясининг саҳнавий талқинига янги рух багишлаган, ўзидан олдинги ва замондош жадидларнинг бадий-естетик ғояларини театр санъати амалиётида синовдан ўтказган, ривожлантирган Маннон Уйғурнинг бадий ижодиётини, назарий қарашлари манбаларини тадқиқ этиш ва умумлаштириш муҳим илмий масаладири.

Ўзбек театрининг 1914-1924 йиллардаги тараққиёт йўли, миллий шакл ва янгича эстетик тамойилларнинг қарор топиш жараёни маъмурий-буйруқбозлик сиёсати сабабли, сотсиалистик реализм нуқтаи назаридан чекланган ҳолда талқин қилинган эди. Бу ҳолат профессионал миллий актёрлик санъатини шакллантирган, ўзбек миллий режиссура мактабини яратган, она тилимизни саҳнада амалий меёр даражасига кўтарган, миллий театр тараққиётининг бадий-естетик тамойилларини аниқлаган Маннон Уйғурнинг 1916-1924 йиллардаги фаолиятини баҳолашга ҳам таъсирини ўтказган эди.

Юқорида Маннон Уйғурдек буюк маданият арбобининг дастлабки, яъни 1916-1924 йиллардаги кенг қиррали фаолиятини тадқиқ қилишимизнинг боиси:

биринчидан, Маннон Уйғур илк ижодий фаолиятининг бадий-естетик жиҳатлари ҳануз маҳсус, кенг тадқиқ этилмаган; ҳатто, ўша давр матбуотида ҳам бу нарса етарли ёритилмаган. Ҳолбуки, бу давр Маннон Уйғурнинг кейинги 1924-1955 йиллардаги актёрлик ва режиссёрлик, бадий раҳбарлик, таржимонлик, педагоглик фаолияти учун асос бўлган;

иккинчидан, улуғ санъаткор илк театр труппаларидағи саёзлик, юзакилик, тақлидчилик, муҳофазакорлик, диний мутаассибликка мойиллик кабиларга зид равишда миллий театр саҳнасига новаторлик, ҳаётбахшилик, дунёвийлик, ҳаётийлик, халқчиллик тамойилларини олиб кирган;

учинчидан, Маннон Уйғур ўзи песалар ёзиб ёки таржима қилиб, уларни саҳналаштирган, бош ролларни ижро этиб, жадидларнинг серқирра бадий ижод анъаналарини давом эттирган;

түртінчидан, Маннон Уйғур илк профессионал миллий актёр ва режиссёр сифатида 1923 йили Москвага ўқишиң кетгунга қадар репертуар танлашда, жиддий песаларни саҳналаштиришда, уларнинг рассом ва композитор билан ҳамкорликдаги талқинида, асар ғоясининг саҳнавий, миллий шаклини топишида жаҳон театрлари андоғаси даражасида иш юритган. Бу тарихий ҳақиқатни тиклаш маънавий маданиятимиз ривожида алоҳида аҳамиятлидир.

Миллий театр тарихи сотсиализм даврида түғри талқин қилинмаган, хусусан, унинг 1918-1924 йиллардаги тарихини, жадидларнинг ўзбек театри шаклланишига қўшган ҳиссаларини, илк миллий режиссура санъатининг ютуқларини, бадиий-естетик тамойилларни вужудга келтиришдаги ролини тарихий ва мантиқий түғри талқин қилиш ижтимоий зарурият ҳисобланади. Биз келтирилган фактлар, далиллар ва хуносалар ўзбек театри 1924 йили бир гурӯҳ ёшлар Москва ва Бокуда, театр санъати ўкув юртларида маҳсус ўқиб келгандан кейин профессионал даражага кўтарилиди, деган ҳозиргача ҳукмрон фикрларнинг асоссизлигини исботлайди. Ўзбек миллий театр 1924 йилгача янгича бадиий услубини топган ва эстетик тамойилларини аниқлаб улгурган, юқори савияли, профессионал театр даражасида фаолият кўрсатган, деган фикрни тасдиқлайди.

1916-1924 йилларда миллий театрнинг жаҳон театрлари даражасига кўтарилиш жараёнидаги босқичлари, ўзбек театр санъатининг эстетик тамойиллари, Уйғур сиймоси ва унинг буюк хизматлари қўйидагиларда кўринади:

— замонавий билим эгалари Туркистан халқларини фалсафий ва эстетик тарбиялашда театрнинг ғоявий ҳамда мағкуравий таъсир кучидан фойдаланиш мақсадида 1914 йилда миллий театр — «Ибратхона» барпо қилишди. Унинг назарий, фалсафий асосини илғор демократик ғоялар, маънавий-маърифий таълимотлар ташкил этди;

— ҳар кечада 500 ёки 2000 томошабинга театрда «хаёт мактаби»дан сабоқ бериш мумкинлигини англаб етган Маннон онгли равищда жадидлар ғоясига қўшилади ва ўзига «Уйғур»—«Қўшилган» тахаллусини танлаб, театр санъати орқали халқига хизмат қилишга азму қарор қиласади;

— халқ театри анъаналарини яхши билган, қизиқчилик санъатидан хабардор бўлган Уйғур европача шаклдаги миллий театрнинг импровизатор актёри сифатида тан олинган. А.Авлоний, Н.Хўжаев, Б.Аъламов, озарбойжонлик С.Рухулло каби актёрлар ҳамда режиссёrlар маслаҳати ва ёрдамида унинг ижрочилик маҳорати такомиллашиб борган;

— Маннон Уйғур ўзининг «Фанний уй» комедиясидан бошлаб новатор актёр, режиссёр сифатида шакллана боради. У миллий театрда фантастик жанрга асос солади, шунингдек, ўзбек миллий театрини ҳам шаклан, ҳам мазмунан такомиллашиб, унинг ижро услубини ривожлантиради, бир кечада икки ёки уч

комедия саҳналаштирилиб, уни «Шодлик кечаси», яъни «кулги кечаси» деб номлайди;

— Маннон Уйғур актёрлик фаолиятини режиссёрги, таржимонлик билан боғлаб олиб борган. Таржима комедияларни саҳнага олиб чиқсан. 1919 йилдан бошлаб Ф.Зафарий билан ҳамкорликда «Тилақ», «Рахмли шогирд», «Ёмон ўғил», «Туркистон табиби» каби асарларни болалар учун саҳналаштириб, Ўзбекистонда болалар театрига асос солган;

— ўзбек миллий театрни тарихида Маннон Уйғур биринчи бўлиб Амир Темурнинг саҳнавий образини яратган. Бу воқеа 1919 йили Фитрат таклифига биноан, «Чигатой гурунги» ташкил қилган «Навоий кечаси»да Фитратнинг «Темур сағанаси» асарини саҳналаштиришда юз беради;

— Ўзбекистонда илк бор ўтказилган миллатлараро театр фестивалининг режиссёри ҳам Маннон Уйғур эди. У илк «Санъат байрами»нинг оммавий томошаларини ташкил этишда ҳам моҳир режиссёр эканлигини исботлаган;

— «Очиқ майдон театр» шакли 1920 йилнинг июл ойида Фарғона фронти сафарида Маннон Уйғур томонидан муваффақиятли синовдан ўтказилган. Маннон Уйғур ҳарбийлар учун «Урушда» спектаклини очиқ майдонда саҳналаштирган;

— Маннон Уйғур мусиқали драма жанрини ўзбек театрига биринчи марта олиб кириши билан миллий театр ислоҳотчиси даражасида эътироф этилган. Хусусан, «Ҳалима» спектакли ўзбек миллий театр тарихида энг кўп томошабинларни ўзига жалб қилган, энг кўп ўйналган ва илк бор театрга хотин-қизларни олиб кирган спектакл бўлган;

— Маннон Уйғур ҳаётда ва ижодда инсонийликка ҳамда ғоявий тамойилларга умрбод содик қолган ижодкор шахс эди. Беҳбудийнинг қатл қилинганлигини эшитгач, «Падаркуш»ни саҳналаштирган ва театр репертуарига киритган. Беҳбудийга нисбатан шўроларнинг муносабати аниқ бўлиб турган бир вазиятда шу йўл билан жадидлар номидан Устозга хурматини намойиш қилган;

— Маннон Уйғур Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» ва «Қароқчилар» каби асарларини саҳналаштириб, ўзбек миллий театр амалиётида жаҳон мумтоз драматургиясини саҳналаштиришга асос солди. Булар эса, ўз навбатида, ўзбек театрида актёрлик санъати ва режиссёрги маҳоратини янада юқори босқичга, янги бадиий савияга кўтарди;

— шеърий драматургияда «Шайх Санъон»дан кейин «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларининг Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилиши билан Навоий асарларининг саҳнавий талқини пайдо бўлди.

Маннон Уйғур Москвага ўқишига қадар ўзбек театрини жаҳон театрлари даражасига олиб чиқсан моҳир таржимон, машҳур актёр, атоқли режиссёр, қобилиятли бадиий раҳбар бўлганлигига шубҳа йўқ. Шунинг учун у ўзбек миллий актёрлик ва режиссёрги мактабининг асосчиси, миллий театр

эстетикасини яратган ва амалиётда муваффакият билан қўллаган улуғ устоз — санъат арбобидир.

У бутун онгли умрини миллий театр санъати ривожига бағишилади ҳамда миллий театрда куйидаги эстетик тамойилларни асослади ва бутун ижоди жараёнида уларга амал қилди:

биринчидан, у гўзаллик ва улуғворлик бор жойда улуг санъат яратилади, деб билди. Гўзаллик фақат шакл ва мазмуннинг меёрий уйғунлигидагина эмас, балки ички дунё гўзаллигининг миллий рух гўзаллиги билан уйғунлигига эканлигини асослаб берди. Саҳна санъатида гўзаллик инсонни ҳайратга солиб, унга бекиёс руҳий қувват бағишишини амалда исботлади. Уйғур санъат асарларидағи гўзалликни идрок этиш кишида улуғворлик туйғусини пайдо қилишини тушуниб етган;

иккинчидан, кулгунинг саҳнавий қудратини синовдан ўтказиш жараёнида машхур комик актёр ва режиссёр даражасига кўтарилиган М.Уйғур улуғворликка даъвогар бўлган сохта «олий мақсад» тубанлик билан алмашиб, кулги уйғотишини амалда кўрсатди. У кулги инсон хукуқлари учун курашиб, унинг улуғворлигини эслатиб тургани учун инсонпарварлик хусусиятига эга эканлигини, тараққиётга халал берадиган эскиликтини кескин фош қилиш қудрати билан ижтимоий характерга эгалигини тушунди. Кулгининг кенг қамровли тамойилларидан комедияларда усталик билан фойдаланган М.Уйғур бу жанрни халқимизнинг энг севимли томошасига айлантириди;

учинчидан, фожиа қаҳрамонларининг олий мақсад, ҳақиқат меёрини тиклаш йўлида қурбон бўлишга тайёр туришини ҳаётбахшлик — оптимизм деб билди. Эл-юрт озодлиги, эркинлиги учун курашадиган тарихий драма қаҳрамонларининг саҳнадаги образи томошабинларни ғоятда руҳлантириб юборишини хис қилган М.Уйғур бу образлардан миллатни «ғафлат уйқусидан» уйғотиш, миллий ўзликни англалиш, миллий тараққиёт ғояларини кишилар онгига сингдиришда унумли фойдаланди;

тўртинчидан, ҳар бир спектаклни саҳналаштиришга ижтимоий воқеа сифатида қаради. Спектаклни миллатнинг ўзига хос миллий руҳини саҳнага олиб чиқадиган халқчил томошага айлантириди. Мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган ижтимоий — сиёсий муаммоларни театр саҳнасида олиб чиқиб, театрни халқнинг севимли санъат даргоҳига айлантириди. Ҳар бир спектакл қаҳрамонининг дарди миллат, инсоният дарди билан ҳамоҳанг бўлишини талаб қилди;

бешинчидан, спектакллардаги тарихийлик тамойилларига фақат тарихий асарлар саҳналаштиришда эмас, аксинча, замонавий асарларни саҳналаштиришда ҳам катта аҳамият бериш зарурлигига тушуниб етди. Ҳар бир спектаклдаги бадиий ғоя, иштирок этадиган шахслар дунёқарashi, уларнинг турмуш тарзи, фикрлаш даражаси миллат тарихий тараққиётининг маълум даврига хос бўлиб, томошабин онгига ўз изини қолдиради. Спектакллар миллатнинг қадриятларини, эстетик идеалини, миллий ўзига хослигини, гўзаллик,

улутворлик тушунчаларини ўзида ифодаласи, намунавий томошага айланиши билан тарихийликка даъвогар бўлишини англаб етди;

олтинчидан, театрни — ибратхона деб билди. Шунинг учун унинг репертуарига енгил-елпи асарларни киритмади ва саҳналаштирмади. Аксинча, драматургни «ғоя яратувчи файласуф», актёрни «ахлоқ муалими» деб билди ва уларни шундай руҳда тарбиялади. Драматурглар ижодида юксак бадиийлик ва ғоявийлик бўлиши, актёрлар ижросида бачкана, нораво қиликлар, бепарда иборалар, тубан хатти-ҳаракатлар бўлмаслиги учун курашди;

еттинчидан, ўзбек саҳнасида табиийлик, ҳаққонийлик, эркинлик, ролни англаб ўйнаш, драматург талабига яқинлашиш, яъни берилган шарт-шароитларга асосланиб, характер ва ролнинг образини яратиш, сўзни тушуниб, аниқ ифодалаш каби бадиий талаблар билан миллий актёрлик маҳорати мактабининг эстетик тамойилларини кенгайтирди ва ривожлантириди;

саккизинчидан, саҳналаштириш санъатининг ислоҳотчиси Маннон Уйғур миллий режиссурага — ғоявийлик, халқчиллик, миллийлик, маънавийлик, актёрлар ансамблида ғоявий яқдиллик, театр санъатининг барча ифода воситаларини мақсадга мувофиқ умумлаштириш асосида бадиий яхлитликни шакллантириш каби эстетик тамойиларни олиб кирди ва уларни театр санъати амалиётига татбиқ этди;

тўққизинчидан, татар, озарбойжон, турк, немис халқларининг атоқли драматурглари асарларини таржима қилиш, саҳналаштириш ва уларда шахсан рол ўйнаш билан ўзбек актёрлик санъати уфқини кенгайтирди ва театрга байналминаллик тамойилини олиб кирди;

ўнинчидан, мадрасавий билим, «усули жадид» мактабидаги муаллимлик, ўқитувчилик курсида олган педагогик илмларига содик қолиб, умри давомида режиссуранинг мураббийликдек оғир, қунт ва эътибор талаб қиласиган меҳнатидан қочмади. Санъатдаги мураббийлик — ижодкор шахс тарбияси эканлигини исботлади. Унинг бу меҳнатлари эвазига ўзбек миллий театр санъатининг фидойи, ижодкор шахслар авлоди шаклланди ва улар Маннон Уйғур анъаналарини давом эттириб, Ҳамза номидаги Академик театрнинг «Гамлет», «Отелло», «Алишер Навоий», «Шоҳ эдип» номли спектакллари билан жаҳонга танилди.

Маннон Уйғур ўзбек театри тарихида Шекспир анъанасини давом эттирган ягона ижодкордир. Драматург сифатида жаҳонга машҳур бўлган Шекспир актёр бўлиб ўз ижодини бошлади. Сўнгра драматург сифатида долзарб мавзуларни ва умуминсоний ғояларни саҳнага олиб кирди. Ўзи ёзганларини режиссёр сифатида саҳналаштириди. Эришган ютуқлари эвазига театрнинг бадиий раҳбарига айланди.

Ўзбек театри ижодкорлари орасида Маннон Уйғурга ҳам шундай ижод йўли насиб қилди. У жадидлар театрида 1916 йили актёр бўлиб ўз фаолиятини бошлади. 1918 йилдан янги йўналишдаги театрга раҳбар ва режиссёр қилиб тайинланди. 1919 йилда театр репертуарига долзарб мавзуларни драматург сифатида олиб кирди. Уларни ўзи саҳналаштириди. 1924-1927 йиллар Москва

шахридаги театр студиясида ўқиб келгач муқим режиссураси билан шуғулланди. «Гамлет»ни саҳналаштиргач театрнинг бадиий раҳбарлиқдан ташқари, санъат арбоби сифатида Ҳамза театрининг ижодий фаолиятини таҳлил қилган мақолаларини матбуотда эълон қилди.

Маннон Уйғур актёр, драматург, режиссёр ва бадиий раҳбарлиқдан ташқари, санъат арбоби сифатида Ҳамза театрининг ижодий фаолиятини таҳлил қилган мақолаларини матбуотда эълон қилди.

Қобилияятли шахс қай соҳага қўл урмасин ўз иқтидорини ёрқин намоён қила олади. Унинг санъатшунослик йўналишидаги ижоди ҳам режиссёрнинг ўз ишини ва жамоа изланишларини таҳлил қилган илк қадам эди.

Навбатдаги бобда Маннон Уйғурнинг санъат арбоби сифатидаги ёзма баёнларини ҳавола қиласиз.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. *Миллий театр режиссурасининг 1914-1918 йиллардаги аҳволини изоҳланг.*
2. *Миллий режиссуранинг шакланишида таржима асарларининг ўрни қандай?*
3. *Оммавий саҳналар устида ишишининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг.*
4. *Маннон Уйғурнинг ўқитувчилик тажрибаси унинг режиссурасига қандай таъсир қилди?*
5. *Миллий драматургларнинг қайси асарлари 1918-1924 йилларда саҳна юзини кўрди?*
6. *Жадидларнинг назарий қарашлари миллий режиссуранинг шакланиши ва камол топишидаги қандай ўрин тутади?*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Демин В.П. Формирование личности режиссёра. Саратов, 1983.
2. Зафарий Ф. Ўзбек театри тарихи. — Т.: Бадиий адабиёт, 1937.
3. Имомов Б., Жўраев К., Ҳакимов Х. Ўзбек драматургияси тарихи. — Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Исломов Т. Тарих ва саҳна. Т.: Фан, 1998.
5. Исмоилов э. Маннон Уйғур. Т.: Ўқитувчи, 1983.
6. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. — Т.: F.Фулом, 2005.
7. Умаров М. Маънавият тарғиботчиси. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1998 йил 27 ноябрь.
8. Турдиев А. Маннон Уйғур Ҳамза номли театрда. «Шарқ, юлдузи», 1955, № 12. Содиков Ф. Маннон Уйғур. «Шарқ юлдузи», 1956, № 8.
9. Турсунов Т. Маннон Уйғур режиссурасининг шаклланиши. «Сов. Ўзбекистони санъати», 1987, № 10.
10. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. «Гулистон», 1997, № 3.
11. Умаров М. Режиссеёр қалби. «Ўзбекистон. Контакт». 1997, № 4.
12. Умаров М. Буюк режиссёр. «Ўзбекистан. Контакт». 1997, № 4.
13. Раҳмонов М. Маннон Уйғурга қайтиш лозим. «Гулистон», 1997, № 3.
14. Раҳмонов М. Маннон Уйғур ёққан чироқ. «Театр», 1999, № 1, 2.

2-мавзу. РЕЖИССУРАНИНГ САНЪАТ ДАРАЖАСИГА КҮТАРИЛИШИ. МИЛЛИЙ РЕЖИССУРА РИВОЖИ. РЕЖА:

2.1. Профессионал режиссуранинг пайдо бўлиши.

2.2. К.С.Станиславский режиссураси.

2.3. Миллий режиссура ривожланиш пиллапоялари.

Таянч иборалар: етакчи хатти-ҳаракат, етакчи (ведущее) шарт-шароит, ечим (развязка, жанр, ижодкор режиссёр, ижодкорлик туйгуси, конфликт, комедия, композитсия, мизансcена, образ, пафос, режиссёр, режиссура.

2.1. Профессионал режиссуранинг пайдо бўлиши

Хозирги замон режиссурасининг асосий талаблари илк театрчилик ҳаракати билан бир вақтда вужудга келган. Қадимда театр ташкилотчилари, томошани бошқарувчилар, спектакл муаллифлари — драматургларнинг ўзлари бўлган. Кейинчалик драматургия ва актёрлик санъати ҳамда режиссура билан Шекспир, Молер, Волтер, Бернард Шоу каби буюк алломалар шуғулланганлар. Жумладан, улуг немис шоири ва драматурги И.В.Гёте театр санъати назарияси ривожига катта ҳисса қўшган. Д.Дидронинг “Актёр касби парадокси”, Ж.Б.Молернинг “Версал экспроми”, Волтер ва Риккобиннинг “Хатлар”и, И.В.Гётенинг “Вилгельм Мейстер”, Лессингнинг “Гамбург драматургияси” каби қатор асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу мутафаккирлар ўз асарларида театр санъатини қандай йўллар билан ривожлантириш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама муҳокама этиш билан бир қаторда, режиссура санъати аҳамиятини ҳам атрофлича баён этиб кетганлар.

ХIX асрнинг охирларигача режиссёр вазифасини кўпинча драматургларнинг ўзлари, ёки тажрибали актёрлар, саҳна қонунларини унчамунча билган ижодкор кишилар бажариб келган. Улар репетитсияни ташкил этиш, ижодий интизомни кузатиш билан бир қаторда, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб саҳна тизими, мантиқий ечими ва манзараларини, профессионал таъбир билан айтганда, мизансаҳналарни ҳам ҳал қилишган. Бу даврларда драма — маҳсус саҳна истилёхи сифатида, “акт” — ҳаракат, яъни персонажлар интилишининг бошланиши, ривожи, авж ва перипетия орқали ечимга келиши жараёнидаги хатти-ҳаракатлар мажмуини, бадиий яхлитликни англатган.

Драматургияни бадиий яхлит томошага айлантириш борасида мустаҳкам билимга эга бўлган мутахассислар кам бўлган. Ниҳоят, XX аср бошларига келиб саҳнага Европада — Кронек, Рейнхардт, Антуан, Руссияда — Ленский, Станиславский, Немирович-Данченко каби режиссёрлар кириб келиши театрчилик ҳаракати ва саҳна санъатида катта бурилиш ясади. Булардан сўнг Москва шаҳрида ижод қилган Вахтангов, Меерхолд, Таиров

каби улуғ алломалар режиссура касбини юксак санъат даражасига қўттардилар.

Германиядаги Герсог Майненген труппасига раҳбарлик қилган Людвиг Кронек театр санъатида янги бир йўл яратди. У режиссёр сифатида факат ташкилотчи бўлиб қолмай, спектаклнинг таркибий қисми бўлган саҳна безаги, декоратсия, либос ва бутафориялардан кенг ҳамда ўринли фойдаланди, саҳнавий ансамбл масаласига катта эътибор берди. Театр тарихида “Майненгенчилар” деб ном олган бу машхур театр жамоаси, ўз труппасида атоқли актёrlари бўлмаса ҳам, бадиий баркамол спектакллари билан томошабинларни лол қолдира олди. Бунинг асосий боиси — спектаклларни мустаҳкам актёrlар ансамбли ижро қилгани ва персонажларнинг томоша жараённида яқдил бўлиб жипслашганлигида эди. Улар яратган “Мария Стюарт”, “Шейлок”, “Орлеан қизи”, “Вилгелм Телл”, “Қароқчилар”, “Гамлет”, “Қийик қизнинг қўйилиши”, “Ромео ва Жулетта”, “Қонли тўй” каби бир қатор машхур спектаклларда тарихий ва бадиий ҳақиқатлар юксак маҳорат билан акс эттирилган бўлиб, айниқса, саҳна безаклари, либослар, бутафориялар, тарихий жойлар ифодаси, миллий урф-одатлар шу қадар аниқ ва бадиий тасвирланганлиги ҳайратга соларди.

Людвиг Кронек (1837-1891) — машхур немис актёri ва режиссёri, Майненген театрининг директори, бошқарувчиси эди. Унинг интилишида театр санъатида — ансамбл истилёҳи ўзига хос мустасно мазмунга эга бўлди. Ансамбл — спектакл ижро чилиарининг бир-бирини чуқур тушуниб, бир-бирининг фикру мулоҳазаларини самимиyлик билан қабул қилиб, ишнинг умумий манфаати йўлида бир ёқадан бош чиқариб ижод қилишини англатади. Бундай ижодий жамоа “бош қаҳрамон”, “машхур актёр” тушунчаларидан воз кечиб — спектакл учун ҳамма бирдай жавобгар деган ақидага амал қиласди. Шунинг учун мустаҳкам ансамбл ижодий манфаатларнинг асосий қалиларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, труппа — тушунчаси ҳам театр санъатида жамоа бирлигини англатди ва “театр жамоаси”, “театр труппаси” каби истилёҳлар билан ёнма-ён ишлатилади. Профессионал режиссура бу давр учун улкан янгиликлардан бири эди. Саҳнадаги ҳақиқий қулф-қалилар, улкан дарвозаларнинг очилиб-ёпилгандаги шовқини, ҳаракатларнинг мусиқа билан ҳамоҳанглиги томошабинларга алоҳида бир ҳаяжонли рух баҳш этса, жанговар жисмлар —қилич, қалқон ва найзалар томошабин қалбини ҳаяжонга солиб, жанговарлик ва қаҳрамонлик туйғуларини берарди. Спектаклдаги тарихий аниқлик, ҳаётий ашёларнинг бўрттириб кўрсатилиши, тарихий-етнографик ҳақиқатни саҳнавий бадиий ҳақиқатга айлантира олиши режиссуранинг қудратини намоён қиласди. Кронек ва унинг театри кашф этган инқилобий воситалар ёрдамида саҳнада жонли характерлар яратилди, давр рухини бунёд этган песа муҳити — атмосфераси топилди, спектаклнинг ҳиссий нафаси ва нафосати кашф қилинди. Бу — театр санъати тарихида

чикакам интеллектуал бурилиш — бадий кашфиёт эди. Шунинг учун Кронекнинг профессионал режиссураси чукур ўрганиш зарур бўлган ва ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган муҳим манба бўлиб қолади.

Мейненгенчилар, театр тарихида биринчилардан бўлиб оммавий саҳналарни яратиш асоси ва йўналишини бадий кашф этди. Бугина эмас, Людвиг Кронек саҳналарни воқеалар силсиласига ажратиш, уларнинг бирбирига хос мазманий ва талқиний изчилигини топиш, ҳатто ҳар бир воқеага хос пластика, грим, ритм ва шовқин излаш, талқиний ифодаларни яратиш каби масалаларга ҳам катта эътибор бериб, режиссурани профессионал юксаклик даражасига қўтарди. Кронек режиссурасининг буюклигини улуғ реформатор Станиславский алоҳида эътироф этган. Унинг таъбири билан айтганда — Кронек машҳур артистларнинг ёрдамисиз, факат режиссёрик воситалари ёрдами билан буюк драматургларнинг ниятларини бадий ифодалашга қодир эди. ”Орлеан қизи”даги қуйидаги режиссёрик талқинига аҳамият беринг — нимжон, ожиз, довдираған Қирол катта таҳтда ўтирибди. Унинг озғин оёқлари осилиб, ерга тегмаяпти. Таҳт теварагида хижолат тортган ва бор кучи билан Қирол обрўсини сақламоқчи бўлган сарой аҳллари туришибди. Қирол давлати емирилаётган шундай вазиятда — хушбичим, довюрак ва ҳаддан ташқари сурбет инглиз элчилари кириб келишади. Фолибларнинг таҳқирлашини ва баландпарвоз сўзларини совуққонлик билан тинглаш мумкин эмас. Элчилар бояқиши Қирол шаънига номуносиб, камситадиган фармон берганда, фармонини бажаришга шайланган мулоzим, одоб қоидаларига риоя қилиб, таъзим бажо келтирмоқчи бўлади. Лекин таъзим қилаётib тўхтаб қолади, ерга қараб қўзига ёш оладида, одоб қоидасини унутиб, ҳамманинг олдида йиғлаб юбормаслик учун, югуриб чиқиб кетади.

Мулоzим билан бирга томоша зали ҳам йиғлайди, режиссёр ўйлаб топган воқеа — содир бўлган даврнинг моҳиятини очиб, томошабинда катта таассурот қолдиради. Модомики шундок экан, бўлажак режиссёрининг энг муҳим вазифаларидан бири буюк кашфиётчи режиссёр Людвиг Кронек ижодини мукаммал ўзлаштириб, унинг оқу-қорасини ажратиб олишлиқдан иборатдир. Чунки Кронек режиссураси К.С.Станиславский ижоди шаклланишида янги, муҳим бир давр бўлиб ҳизмат қилган эди.

Людвиг Кронек театрда ижрочилар ансамблини вужудга келтирилиши, труппанинг ҳамма аъзолари спектакл яратиш жараёнида фаол қатнашишлари зарур эканлигининг исботи эди. Режиссёр барча актёрларни пеша билан чукур танишиб чиқишига, уни идрок этишга, песада кўтарилиган муаммолар талқинига ўз муносабатларини аниқлаб ва таъкидлаб олишга мажбур этарди. У труппа актёрларини барча репетитсияларда ўтиришга мажбур қиласи ва шу йўл билан жамаовий ижод жараёнида ҳамфирлилик нечоғли муҳим эканлигини таъкидларди. Бундан ташқари у репетитсияларда спектакл учун зарур бўлган мавзуларда маъruzалар ўқир, машҳур олимлар

билан учрашувлар ташкил этар ва ҳар бир актёрнинг ақлий, ҳиссий ҳамда психологик жиҳатдан ролни чуқур идрок этишига катта аҳамият берарди.

Кронек асосан жаҳон классик драматургиясига мурожаат этар ва Шекспир, Шиллер, Гёте асарларини ҳар бир драматургнинг ўзига хос бўлган спектаклнинг ритмини топишда ҳамда режиссуранинг бошқа барча элементлари билан боғлиқлигини таъмишлашда ҳам намуна эди. Аниқроғи, спектакл темпо-ритмига маҳсус эътибор бериб, уни онгли равишда томошанинг жабҳаси сифатида эътироф этилиши ҳам Кронекнинг кашфиётлари дандир. Ана шундай қатор-қатор кашфиётлар эгаси ва истедодли режиссёр эканлиги туфайли, мақтovлар эвазига у труппанинг якка ҳокимиға айланди. Режиссёр театрнинг бадиий хукмрони бўлиши зарур эканини исботлашга ҳаракат қилди.

Мейненгенчиларнинг Европа ва Россияга қилган гастроллари эса театр оламида мутлақо янги оқим, профессионал режиссура пайдо этилганлигини намойиш қилди ва театр санъати оламида ўзига хос ўзгариш ясади. Ғарбий Европадаги мейненгенчилар таъсирида Германияда яна бир режиссёр — Макс Рейнхардт, Англияда — Гордон Крег, Франсияда — Андре Антуанлар театр санъатини янада юқори босқичларга кўтарди. Бу режиссёрлар театр санъатида ўз даврининг кашфиётчилари эдилар. Улар Кронекнинг натурализмга берилиб кетган талқин услубига қапши чиқдилар. Маълумки, мейненгенчилар театри ва Кронек режисурсасида майший, натуралистик ҳақиқатларга катта ўрин берилган бўлиб, актёрларнинг ижодий мустақиллиги поймол этилар, улар режиссёр чизиб берган чизиқдан чиқишига ҳаққи йўқ эди. Станиславский таъкидлаганидек — “режиссёр кўп нарсанинг уддасидан чиқса ҳам, якка ҳоким эмас, асосий иш актёрлар қўлида, режиссёрлар уларга ёрдам бериши, йўл-йўриқ кўрсатиши керак, Кронек эса актёрларга даҳшат солиб турар, унинг актёрлари ўз ижодий имкониятларини кўрсата олмас эди”, дейди.

Макс Рейнхардт (1873-1943) — ўзининг изланишлари билан энг аввало, актёр устидан режиссёрларнинг хукмронлигига, якка ҳоким зулмига қарши ўт очди. У кўп театрларда актёр ва режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб келган. Театрчилик соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган бу немис театр санъати арбоби ҳамда режиссёри ўз ижодида актёрлик маҳорати ва саҳна нутқи маданиятини юксалтиришга жуда катта аҳамият берди. Унинг ўз тадбирича, актёр — бу шоир, бунёдкор шахс бўлиб, у театрдаги асосий ижодкор сиймодир. Шунинг учун ҳам у майший натурализм, сохта декламатсия, ёлғондакам актёрлик ўйинларига қарши чиқиб, театрда актёрлик санъати хукмронлигига эришди. У театрга — театрни, саҳнанинг, ҳақиқий эгаси бўлган актёрни, унинг маҳоратини, фантастикасини, пластикасини олиб кирди.

Рейнхардт саҳна воқеалари талқини хусусида катта изланиш ва экспериментлар йўлидан бориб, турли услуг ҳамда ритмларни қўллаши,

айниңса, оммавий саңналарнинг ритмик ранг-баранглиги ва уларнинг ўзаро мустаҳкам алоқадорлигини англағани учун спектаклда мусиқа, шовқин, нур жилолариға катта мавкең ажратди. У спектакл безакларида саңнанинг түрт девори — рамкаси қонуниятини бузиб, табиат манзарапари, халқ сайиллари ва карнавалларининг кенг қамровли, ифодали намуналарини яратди.

Макс Рейнхардт театрида — актёрлик маҳоратига, унинг тинимсиз ривожланишига, бадиий имкониятларнинг узлуксиз тарбияланиб боришига жуда кенг йўл очди. Натижада, унинг тарбиясида жаҳон театри тарихида ёрқин ижодий излар қолдирган — Г.Ейзолдт, А.Моисей, А.Вассерман, В.Краус, э.Яннинг каби машҳур немис актёрлари етишиб чиқди. Режиссёр-педагог Рейнхардт бу актёрлардан виртуоз — олий даражали маҳорат, пластика, жест — қўлларнинг ифодали ҳаракати, пантомима, ракс, акробатика талаб қиласиди ва саҳна ижодкорлари ана шундай юксак профессионал маҳорат эгаси бўлишига интиларди.

Саҳнада актёрларнинг бемалол ҳаракат қилишлари учун Рейнхардт бадиий безак — декоратсияларга ҳам талай янгиликлар киритди. Баҳайбат тахта, темир конструкцияли декоратсиялар ўрнига юмшоқ матога чизилган гўзал ва ифодавий манзарапар, турли рангдаги прожекторлар орқали нурли ифодалар бунёд этишга асосий эътиборини қаратди. Буларнинг барчаси, ифодали ва ғоят ўринли қўлланиладиган музика ҳамда поэзиялар билан биргаликда ғоят таъсирчан, бадиий баркамол атмосферани пайдо қилас, актёрларнинг сўзлари, ҳаракатлари, мизансаҳналари учун қулай шароит яратарди. Шунинг учун ҳам унинг режиссураси жаҳондаги илғор театрлар ҳаракати орасида намунавий даражага кўтарилиди.

Рейнхардт режиссурасининг назарий-амалий аҳамияти, ўз даврига хос ибратли хусусиятларидан яна бири, унинг репертуар сиёсати билан боғлиқ. Гап шундаки, у жаҳон драматургияси хазинасидаги энг сара дурдоналарни топа олди ва уларни профессионал даражада саңналаштириди. Жумладан, у катта зафарлар билан саңналаштирган асарлар орасида буюк Вилям Шекспирнинг бир қатор песалари, Гёте, эсхил, Софокл, Еврипид, Аристофан асарлари, шунингдек, Л.Толстой, М.Горкий, А.Чехов драмалари мавжуд эди.

Бироқ эфектли режиссёрлик топилмаларига берилиб кетган Макс Рейнхардт, ўзининг кейинги изланишларида музика ва шовқинга, нур ҳамда рангларга ўралишиб қолиб, воқеаларни келтириб чиқарувчи туб масалаларни унутиб қўйди. Натижада, унинг спектаклларида шаклга эътибор, томошавийлик кучайиб, асар мазмунидаги хатолар яққол кўзга ташланиб қолди. Шунинг учун ҳам улуғ рус режиссёри Н.Горчаков — Рейнхардтдаги ана шу адашиш босқичини, “режиссурадаги формалистик бир давр”, деб атади. Шунга қарамай, Макс Рейнхардт изланишлари профессионал режиссура санъатининг энг ёрқин, ибратли ва кашфиётларга бой, муҳим бир даврини ташкил этади.

Англиялик режиссёр, рассом, актёр ва театр назариётчиси Гордон Крег (1872-1954) режиссура оламида ўзига хос ёрқин из қолдирган ибратли воқеликлардан бири ҳисобланади. Гап шундаки, катта тажриба мактабини ўтаб, баркамол режиссёр даражасига эришган Гордон Крег саҳнада реалистик талқин услубига қарши ўт очди ва “соф санъат” назариясини олға сурди. Унинг ижодий тажрибалари ҳақида, жумладан, К.С.Станиславский қуидагиларни ёзади — “Крег билан танишиб, илиқ сұхбат қилар эканмиз, гүё ўзимни у билан анчадан бери танишдек ҳис этдим. У ўзининг севган асосий принциплари, ҳаракат санъатидаги изланишлари ҳақида ҳаяжон билан гапиради. Крег янги спектаклнинг эскизларини менга күрсатди: улар аллақандай чизиқлар; олдинга интилган булутлар; учәтган тошлар бирбирига қўшилиб, шиддат билан баландга интилишни вужудга келтирадар эди. Булар келажакда, ҳали бизга маълум бўлмаган аллақандай янги санъатнинг руёбга келишига ишонч ҳосил қиласади”.

Крегнинг фикрича, ҳар қандай санъат асари жонсиз материаллардан — тошдан, мармардан, бронздан, полотнодан, қофоз ва бошқалардан ишланиб, адабий равишда бадиий формага солинган бўлиши керак. У шу фикрига таяниб, жонли актёрларнинг доим ўзгариб турувчи танаси (гавдаси) саҳна учун ярамайди, дерди. Айниқса, чиройли актрисалардаги нозкарашмаларни жуда ёмон кўрарди. “Аёллар театрни ҳалок қиласади”, дерди у.

Рассомдан чиқкан режиссёр бўлгани учун актёрларсиз, қўғирчоқлар ва ниқоблар ўйнайдиган театрни орзу қиласади. Шунга қарамай, у Салвини, Дузе, Ермолова, Шаляпин, Москвин, Качалов каби талантлари барқ ураётган актёрлар ижросини кўрганида бутунлай ўзини йўқотиб қўяр, болалардек сакраб, ўрнидан туриб, югуриб саҳна олдига бориб, уларни самимий табриклар жараёнида кўпинча ҳалақит берарди. Тасаввуридаги барча қарама-қаршиликлардан қатъий назар, у актёр театри учун эмас, балки режиссёр театри учун курашувчи ижодкор эди.

Станиславскийнинг эслашича, Гордон Крег баланд қоматли, оппоқ соchlари патила-патила бўлиб силкиниб турувчи, гўзал бир шахс эди. Шу билан бирга, у ҳар қандай актёрга ўз ҳукмини қатъий ўтказувчи, уларни худди жонсиз қўғирчоқдек истаган жойидан олиб, истаган жойга қўювчи диктатор режиссёр эди.

Маълумки, Крег Москвада саҳналаштирган “Гамлет” спектаклида К.С.Станиславский, Л.А.Сулержирский ва Қ.А.Маржанов (Маржанашвили)лар унга ёрдамчи бўлиб ҳизмат қилганлар. Шунинг учун, Крегнинг “Гамлет” спектакли талқини устидаги изланишлари ҳақидаги Станиславскийнинг эсдаликлари қимматлидир. Жумладан, ўша жараённи тасвирлаб айтадики, “Крег ихтиёрига берилган репетитсия хоналаридан бирида, саҳнанинг — макети қурилди. Инглиз режиссёрининг кўрсатмаларига биноан бу макет — саҳнага электр чироқлари ва постановка

учун зарур бўлган мосламалар ўрнатилди. Крег саҳнага чиққандик аналаридан воз кечиб, турли тузилишдаги ишлатилиши қулай бўлган кўчма пардаларга — ширмаларга мурожаат қилди. Улар архитектура формаларига — бурчаклар, токчалар, кўча ва жин кўчалар, заллар, кафеларга айланиб, бўлгуси спектакл кўринишларига ишора қиласди.

Кўчма пардалар билан нималар қилиниши кераклигини Крег ҳали белгилаб чиқмаган эди. Рассом — режиссёр тош, металл, ишловсиз ёғоч, пўкақ материаллар, металлар билан ишлашга, жуда бўлмаганда, дағал бўз ишлатишга ҳам рози эди, аммо картон ишлатишга мутлақо қарши бўлган. Крег фабрикада ва қўлда ишланган ясама буюмларни ёқтирамасди. Биз учун кўчма пардалардан яхиси йўқ эди. Улар табиий, кўзни қамаштирумайди, у ёқдан, бу ёққа кўчиришга қулай, бундан ташқари, бу усул архитектура жиҳатидан тасвирий имкониятларга эга бўлганлигидан, уни ҳар хил ёритганда ранг-баранг шуълаларнинг ўйини вужудга келарди. Нихоят, пардалар янгича шакл олгач, қаердандир шуълалар тушиб, улардаги нақшларни жонлантириб юборди, томошабин эса рассом томонидан ишораларда ифода этилган узоқ бир маконга тушиб қолгандек бўлди.

Гордон Крегнинг режиссёр-рассом ва режиссёр-саҳналаштирувчи сифатида амалга оширган антиқа ижодий кашфиётлари ҳамма давр ва ҳамма замон режиссёrlари учун улуғ бир мактаб бўла олади. Айниқса, унинг оддий, йилтироқ қоғозларни матога ёпишириб, уни турли рангдаги прожектор нурлари орқали жилолантириши ва сехрли ранглар оламини ташкил этиши ёки рангларнинг актёрлар либоси, мизансаҳнаси ҳолатига мутаносиблиги орқали чукур рамзий маъноларни ифода эта олиш санъати чинакам ибрат мактабидир. Бошқача айтганда, Станиславский каби жаҳон театри тарихида катта бурилиш ясаган реформатор учун ҳамда ёш режиссёrlар учун ҳам катта сабоқ мактаби бўлган. Крег ижодини чукур ўрганмасдан туриб профессионал режиссёрлик даъвосини қилиш дилетантликдан бошқа нарса эмас.

Рейнхардт ва Крег XX асрнинг бошларида профессионал режиссура — театр санъатининг асосларидан бири ва энг муҳим ижодий кучи эканлигини исботлаб, спектакл яратиш борасида, саҳна асарининг ғоявий мазмунини очишда бу куч ҳиссаси ғоят улкан эканлигини ўз ижодлари асосида намойиш этдилар. Станиславский ўша давлардаёқ иқрор бўлганидек, режиссура — театр санъатини чукур фикр ва мазмун манбаига айлантирган, театрнинг жамият олдидаги вазифаларини аниқланган, спектаклнинг ғоявий мазмунини чукурлаштирган санъат эди. Режиссурага — актёрларнинг бадиий савияси ва маданиятини профессионаллик даражасига кўтариш учун интилган бир қатор санъаткорлар кириб келди. Улар Франсияда — Антуан, Россияда — Станиславский, Немирович-Данченко, Меерхолд ҳамда Вахтанговлардир. Бу улуғ санъаткорлар театр оламига турли йўллар, турли тақдир ва турли мактаб оқимлари орқали кириб келган

бўлсалар ҳам, умумий бир муштарак ижодий хусусиятлари билан тизимли яхлит бадиий йўналишни ташкил этадилар. Улар саҳна асарининг ғоявий мазмунини талқин этишда, режиссёр топилмаларини намоён қилишда, асосий ижодий қудрат эгаси — актёр ҳазрати олийлари эканлигини эътироф этишди ва саҳналаштиришни санъат деб билишди.

Театрнинг асосий мақсадини актёрлик санъати орқали рўёбга чиқариш тизимини чуқип илдиз отишига профессионал режиссура сабаб бўлди. Режиссуранинг ижтимоий аҳамиятга эгалигини тан олиш билан ютуқларга эришиш мумкинлигини амалиёт исботлади. Рус театри тарихи ва режиссураси, хусусан, ҳозирги кун тушунчамиздаги профессионал режиссура хусусида фикр юритиладиган бўлса, Станиславскийгача бўлган босқичларда Малий театрнинг актёри ва режиссёри А.П.Ленскийнинг (асли исми — Вервитсиотти 1847-1908) номини зикр этишга тўғри келади. У узоқ йиллар давомида актёр бўлиб театрда фаолият кўрсатиб — Гамлет, Отелло, Бенедикт, Петруччо, Дон Жуан, Уриел Акоста, Чатский, профессор Кругосветлов ва А.Н.Островский песаларидағи деярли барча етакчи образларни яратиб, шухрат қозонида қайнаб чиқкан эди. Бу санъаткор — ўз актёрлик фаолиятида ёлғондакам декламатсия ва натурализмга қарши бўлган саҳна ҳақиқати, яъни бадиий ҳақиқат учун курашди. Шу жиҳатдан унинг назарий, амалий ва педагогик илми Станиславский системасига муайян асос бўлди. А.П.Ленский режиссёрнинг вазифаси, фақат муаллиф воқеалари тизимини ва ремаркасини — у киради, чапга ўтади ёки стулга ўтириб йифлай бошлайди кабиларни актёрларга бажартиришгина эмас, балки ижодкорлар ансамблини ташкил этишдир, дейди. Саҳнада берилган шарт-шароитларда етарли тарзда, тўғри яшашга эришиш шарт эканлигини таъкидлайди. Афсуски, жуда қўп обектив ва субектив сабаблар, баъзан буйруқбозлик орқали план топшириш каби, дилетантона ва аҳмоқона амру фармонлардан келиб чиқувчи зиддиятлар туфайли, у ўзининг қатор-қатор реформаторлик ғояларини амалга ошира олмади. Шунга қарамай, у режиссура ва умуман театрчилик ҳаракатида реалистик мактабнинг асосчиларидан бири сифатида қолади.

2.2. К.С.Станиславский режиссураси.

Европа саҳна санъати тажрибаларидан таъсирланиб рус театрода улкан реформа ўтказган санъаткор — актёр, режиссёр, педагог ва театр назариётчиси Константин Сергеевич Станиславский ўз фаолиятини ҳаваскорлик саҳнасидан бошлади. У биринчи роллари ва спектаклларини уйида, 14 ёшида бошлади. Кейинчлик Москвадаги “Адабиёт ва санъат” иттифоқида давом эттириди. Бўлажак буюк санъаткорнинг илк роли ва тажрибалари ўша замон театрчилик анъаналаридан, гастролга келган чет эл труппаларининг спектакллари таъсиридан келиб чиқкан. Албатта, Станиславскийнинг ижодий услуби шакланиши жараёнида мейненгенчилар театрнинг таъсири катта бўлди. Унинг ижодида театр санъатининг

бунёдкорлик қудратига бўлган ишончи, актёрлар ва режиссёrlар учун аҳамиятга эга бўлган вазифаларни таҳлилий ҳал қилиш масаласи етакчилик қилди. Ана шу масалалар кейинчалик унинг бутун ҳаётий ва ижодий йўлининг бош мезони бўлди. В.И.Немирович–Данченко каби улуғ сафдоши билан 1898 йилда тил топишиши оламга МХТ — Москва бадиий театри каби даргоҳ барпо этилишига олиб келди. Бу театр масалалари асосини икки муҳим омил ташкил этди. Биринчиси, театр санъатида ҳалқ ва замон ҳаёти акс эттирилиши, иккинчиси, театр жамият тараққиётига ҳизмат қилиши зарур, деган ақида эди. Булар икки ижодкорнинг принциплари эди. Бу мураккаб муаммоларни амалга ошириш учун янгича театр, янгича тарбияланган актёрлар ва уларнинг бошини қовуштириб турадиган янгича дунёқарашли раҳбар, ғоявий йўлбошли — режиссёр ҳазрати олийлари талаб қилинарди. Мана шу принципларга асосланган МХАТ — Москва Бадиий Академик театри улуғ ижодкорлар Станиславский ва Немирович-Данченко раҳнамолигида 40 йил мобайнида, изланишда фаолият юритади ва бир неча муҳим босқичларни бошидан кечиради. Изланишлар натижасида янги услуб — актёрлик мактаби, режиссёрлик ва бадиий талқин талаблари каби кашфиётлар дунёга келди ҳамда профессионал театрчилик ҳаракатида “Станиславский системаси” номи билан машҳур бўлган тизим яратилди.

Станиславский ўз изланишларида барча илғор фикрли санъат арбоблари — актёрлар, режиссёrlар, рассомлар, композиторлар, директорлар, труппа раҳбарлари, продюссерлар, саҳна ҳамда нур усталари каби маҳсус малакали мутахассисларнинг ютуқларидан кенг фойдаланди ва уларнинг ижодий тамойиллари ҳамда инқирозларидан зарурый хуносалар чиқарди. У театр санъатида жаҳон маданияти учун муштарак аҳамиятга эга бўлган муҳим муаммоларни ҳал этиб берди, ҳал этилмай қолганларини эса кейинги авлод вакилларига вазифа қилиб қолдириди. Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар жадвали кейинги олимлар томонидан тўлдирилиб боргани, Мирзо Улуғбекнинг “Зижки кўрагоний” тизими бутун дунё олимлари томонидан тан олиниб, янги кашфиётлар билан бойитилиб борилаётгани каби Станиславский системасида ишора қилинган, аммо ҳал этилмай қолган кўпгина саҳнавий талқин муаммолари кейинги давр мутафаккир актёрлари, режиссёrlари, драматург ва рассомлари, санъат арбоблари томонидан бойитилиб ижобий ҳал этилди ва ҳал этилмоқда.

Таъкидланганидек, Станиславский театр санъатининг билимдони сифатида ҳаётнинг барча жабҳаларини чуқур билгани туфайлигина ўз системасининг қонунийлигини исбот эта олди. Унга ўзга санъат арбобларини ишонтириб, изланишларини амалга оширишда атрофига маслақдошлари ва шогирдларини жамлаб, уларни илҳомлантириди. Унинг шогирдлари — режиссёrlар Е.Вахтангов, В.Меерхолд, драматург А.Чехов ва бошқалар, ўзларининг ранг-баранг фикрлари билан Станиславский системаси мазмунини оширидилар ва ривожлантиридилар, янги қирраларини очдилар.

МХАТ студиясида таълим олаётган ёшлар тарбиясига раҳбарлик қилиш топширилгандан сўнг Е.Б.Вахтангов, “система” бўйича машғулотлар олиб борган. У система талабларидан чиқмаган ҳолда, уни ривожлантириб, янги саҳна шаклларини ахтара бошлади. Натижада, муаллифнинг услубидан, песанинг жанридан келиб чиқиб, буларга мос актёрнинг ижро услубини, спектаклнинг янги шаклини, ифода воситасини топиш ва бу билан спектаклнинг бадиий қимматини ошириш, муаллиф фикрини ҳамда режиссёр топилмасини бугунги кун талаблари билан боғлай олиш орқали бадиий яхлит, таъсирли томошалар яратишга эришди. Вахтангов театр санъатининг моҳиятини улуғлаб, спектаклнинг ғоявийлигига, образларнинг тиниклигига, саҳнавий ҳақиқатга интилиб, майшийликка, штампларга, қарши курашди.

Вахтанговнинг шогирди Б.Е.Захава, — “устоз саҳнавий ҳақиқатга интилиб, саҳнада жонли ҳаёт барпо қиласди”, деб ёзади. Бунинг учун театрдан ҳар қандай шартлиликни хайдаш, актёrlардан фақат ҳаётий ҳақиқатни ва театр ифода воситалари билан бадиий ҳақиқатни барпо қилиш талаб этиларди. Вахтанговнинг саҳнавий реализм ҳақидаги фикрларини ўқувчилари бундай эслайдилар — “Реализм — ҳаётдан ҳамма нарсани ола бермай, фақат ғояни очишга хизмат қиласиганини танлаб олади, керакли воқеани яратиш учун ундан фойдаланади ва шартли ифода воситалари ёрдамида, ҳаётий белгилар, кўрганлари асосида ҳақиқий ҳис-туйғу яратади.

Театр ҳақиқатини Вахтангов қўйидаги тушунади — театрда ҳаётнинг айнан ўзи акс эттирилмайди, уни биз учун муҳим бўлган бирор ғояни очиб берадиган томони, худди ҳаётдагидек таъсирли, ишончли намоён қилинади. Театр ифода воситалари билан яратилган таъсирли буёқлар, бадиий шакл, ёрдамида иккинчи реаллик — бадиий ҳақиқат яратилади. Ана бу санъатдир. Бундай бадиий ҳақиқат томошабин онги ва қалбида чукур из қолдиради.

Театр, аввалом бор, бу томоша, у қизиқарли, чиройли ва сирли бўймоғи керак. Театр томошаси — томошабин кўз олдида яратилган янги ҳаёт, янги ҳақиқат, театр ҳақиқати, образлар дунёси. Характерлар дунёси ва спектакл шуниси билан ҳаётдагидан фарқ қиласди. Шундай қилиб, ҳаёт ҳақиқати ва саҳна ҳақиқати алоҳида тушунча, бадиий ҳақиқат бу — театр, драматург, актёrlар, ва режиссёр ғояси ифодасидир.

Немирович-Данченко саҳна реализмининг актёр ижросидаги асосий манбаларини, туб асосларини амалда ва назарияда кўп тадқиқ қиласган режиссёр эди. У театр санъатига анча барвақт қадам қўйган ва драматургияда, адабиётшуносликда, педагогикада фаолият юритиб, танилиб улгурган эди. Унинг песалари Россиянииг кўп театрларида саҳналаштирилган бўлиб, баъзи бирларини муаллифнииг ўзи саҳнага қўйган эди. Кейинчалик эса Немирович-Данченко фақат педагогика билан шуғулланиб, Москвадаги филармония билим юртида актёrlарни ўқитган. Икки ижодкорнинг учрашувидан кейин ташкил топган МХТ театрида Немирович-Данченко бадиий раҳбарлик килди

ва у тарбиялаган қатор актёрлар ушбу театрнинг асосини ташкил этди. Немирович-Данченко режиссурага адабийлик ва эмотсионаллик, сотсиал-ғоявийлик бунёд қилишда уч асос, уч ҳақиқат бор, деган тушунчани олиб кирди. Улар — сотсиал, ҳаётый ва театр ҳақиқатидир. Фақат шу уч ҳақиқат орқали саҳнанинг бадиий санъати юксалади, деган эди назариётчи.

Немирович-Данченко театр санъатига машхур режиссёр сифатида А.П.Чеховнинг “Чайка” спектакли билан кириб келди ва театр реформатори сифатида танилди. “Чайка” спектакли рус театри тарихида янги оқим, янги драматург, янги актёрлик ижросини, янги режиссурани барпо этди. Бу спектакл — ижро усули, саҳна атмосфераси, ифодавий саҳна безаги ва режиссураси билан томошабинларни ҳамда саҳна билимдонларини лол қолдирди. Спектаклдаги агмосфера, актёрларнинг рухияти, бадиий шакл ва ҳаётыйлик кутилмаган ҳодиса эди. Чехов дунёсини тўғри тушуниш ҳамда унга мос саҳна ифодасини ва актёрлик ижросини топиш — бу гениал режиссёrlикдан нишона эди. У режиссурада барча театр шартлиликларидан ўз ўрнида фойдаланиб, асар руҳини, инсон психологиясини, замон кайфиятини ва драматург фикрини ёрқин ифода эта олди.

Саҳна асарига асосланган томошада “ғоявийсизлик” илгари сурилишини ёки бўлишини Немирович-Данченко қўз олдига ҳам келтира олмаган. Спектаклнинг яхлитлигини, унинг бадиий қимматини фақат ғоявийликгина вужудга келтиради. Бу фикрларни у Россия учун энг оғир йилларда ҳам театр санъатининг асоси деб билди ва шунинг учун курашди.

1905 йилдаги тўнтариш мағлубиятидан кейин тазиик кучайиши ва рус зиёлилари орасидаги тушкунликни сезган Немирович-Данченко, МХАТ театри артистларига қарата — “Бизнинг театр дунёдаги энг ажойиб театр. Бизнинг ишимиз янада юксалиши учун ғоямизнинг мустаҳкамлиги, чуқурлиги барча майдадарни бартараф этади, руҳимизни тетик қиласи ва артистларимиз ижодини юксакликка олиб чиқади”, деган эди.

Ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар ва унинг таъсирида ижтимоий онгнинг тез ўсиши театрда ҳозиржавобликни тақозо этарди. Буни жуда яхши сезган Немирович-Данченко халқнинг ташвишларидан, илғор фикрдаги томошабин талабидан, ҳаётдан орқада қолмаслик учун курашди. Театрнинг баъзи репертуарлари, унинг эстетик принциплари талабига жавоб беролмас эди. “Тўнтариш бизнинг санъатга бўлган муносабатларимизни ўзгартирди, уни кучли ва мардонавор қилди, — деб ёзади Данченко, — МХАТ ҳар доим ўз фикрлари билан томошабин онгини суғориб келган эди ва шундай бўлиб қолиши керак. Энди театр репертуарини йирик ижтимоий-сиёсий муаммолар ва ғоялар ташкил этиши керак. Янги бадиий шаклларга илғор фикр керак. Демак, ғоя бадиий асарнинг қон-қонига, унинг баданига табиий равишда сингиб кетган бўлиши керак, деган эди.

Актёрларга эса ўз қаҳрамонининг табиий ҳис-туйғуларини қандай ўзлаштиришни, унинг ўзига хос хусусиятларини топишни ва мантиқий хатти-

ҳаракат асосларини боғлай билишни тушунтирар эди. Шу билан бирга актёрлар фақат песада берилган шарт-шароитдан келиб чиқиб рол мантиғидаги органик хатти-ҳаракат билангина олға боришдан ташқари, актёр-инсон, шахс сифатида шу образга, ўз муносабатини, муаллиф ва режиссёр муносабатларини ҳам мужассамлаштиришини талаб қилган. Шундагина давр нафаси, муаллиф гояси, режиссёр режаси, актёрнинг эмотсионал муносабати орқали образнинг негизи намоён бўлади.

“Талқин”, “ролининг мағзи — уруғ”, “иккинчи план”, деган атамалар Немирович-Данченко томонидан театр истилёҳларига киритилди. Унинг режиссураси асосини чуқур аналитик реализм, ўз принциплари га содиқлик, ҳар хил оқимларга эргашавермаслик ташкил этади. У ўзи топган, амалиётда исботланган далиллардан четга чиқмай, шу йўлни чукурлаштириди, янги ифода воситаларни ва методларни ахтарди. Шунинг учун унинг ишлари ҳар доим асосланган, чуқур текширилган ва меёрига етказилган бўларди. Айниқса, актёрлар билан шошмай ишлар, эринмай ўргатар ва уларнинг янги янги қирраларини очар эди.

Муаллиф гоясига жуда содиқ бўлган ҳолда, асарни чуқур таҳлил қилас, унинг янги қирраларини очар ва синчковлик билан репертуар танлар эди. Театр санъатига А.Чехов, Л.Толстой, М.Горкий, М.Достоевский каби ёзувчи ва драматургларнинг асарини олиб кириб, улар ёрдамида Москвин, Качалов, Книппер-Чехов, Тарханов, Леонидов каби буюк актёрларни рўёбга чиқарди. Пушкин, Грибоедов, Гогол, Шекспир, Ибсен каби муалифлар ҳам забардаст драматург эканликларини исботлади.

Немирович-Данченко ўзининг саҳнавий реализимига асос бўлган бадиийлик, ғоявийлик, саҳнавий кайфият, подтекст, актёр темпераменти, уч ҳақиқат, режиссёр бурчининг уч қирраси ҳақидаги фикрлари асосида актёрларнинг янги авлодини тарбиялади. Театрнинг инсон онгини тарбиялаш ҳақидаги фикрлари билан актёрлар маҳоратини оширди.

Профессионал режиссура санъати ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлардан яна бири В.Меерхолддир. Бу буюк режиссёр томонидан кашф қилингани янги принциплари қўйидагича. У шу дамгача томошабиндан парда билан яшириб келинган саҳна ичкарисини дадиллик билан очиб ташлади. Унинг театрида парда йўқ, саҳна билан томоша зали бир-бирига бирлашган, бутун бинони ташкил этади. Актёр бу бинонинг тўридаги кўчма саҳнада ўйнайди. Қоронғуликдан шуъла, нур фақат актёрга туширилади ва у доим томошабиннинг диққат марказида туради. Меерхолд ўз постановкаларида актёр ва режиссёрга ҳамиша халақит бериб келган саҳна пештоқини ўзгартиришга муваффақ бўлди ва бу услугга ўз диққатини жалб қилишга ҳаракат қилди.

Актёрлик техникаси соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳам ҳайратда қолдиради. Унинг театрида серқира, ижодкор актёрнинг майдонга келгани шубҳасиз, лекин у ҳали том маъно билан улуғ актёр эмасди. Меерхолд —

актёри — муаллақчи, ашулачи, раққос, декламатсиячи, акробат, конферансе, сиёсий ташкилотчи ва серқирра ижрочи эди холос.

Бундай актёрнинг қўлидан ҳамма иш келади — у кўшиқ айтади, декламатсия қилади, фортепиано ёки скрипка ҳам чалаверади, рол ўйнайди, фокстротга танса тушади, муаллақ ошади, оёғини тикка қилиб қўлларида юради, трагедияда ҳам, водевилда ҳам ўйнай олади. Табиийки, бу нарсаларни у мутахассисдек эмас, хаваскордек бажаради, чункн масхарабоз ундан яхшироқ муаллақ ошади, рақсларни ижро этувчи ҳам ундан яхшироқ бажаради, ёки профессионал пианиночи ёхуд скрипкачи актёрлардан кўра яхшироқ чалади.

Натижада, режиссёр актёрларнинг қадди-қоматини ҳар тарафлама созлашга, театрга жуда зарур бўлган гавда ва овозни талаб даражасида ушлаб туришга, тасвирий воситаларни топишга, ижрони юксак даражага кўтарилишига эришди. Бу саҳнавий янгилик ва ихтиrolарни кашф этганларнинг изланишларига, таланти кўп қиррали эканлигига, жасорати, зийраклиги, эпчиллигига, дидига ва саҳна талабларини яхши билишларига тан бериш керак.

Актёрнинг бадан тарбияси театр санъатининг асосий масаласи бўлгани учун, тўғри тарбияланган бундай гавда инсон руҳининг ҳаётини бадиий шаклда, ҳаракатда ифода этишга хизмат этади. Аммо бадан тарбияси актёрнинг шунчаки мақсадига айланса, персонажнинг руҳий интилишига ва ички ифода шартлиликларига шикаст етказа бошлайди. Бадан зўриқкан пайтидан бошлаб, руҳий вазифани бажарадиган вужуднинг ашаддий душманига айлананади, дейди Станиславский.

Меерхолд тасаввури, ғоят ёрқин саҳнавий ҳақиқатни яратиш учун фантастикага ҳам эрк берган эди. Бу жараёнда унинг ҳис-туйғулари жуда ўткир ва сезувчан ишлар, шунинг учун ўйлаб топган ҳақиқатлари барча учун мажбурий деб ҳисобларди. У саҳнада ҳеч кимни бошқача ўйлашга ва бошқача бажаришга йўл қўймасди ва барчани ўзи топганларига шакшубҳасиз ишонтиришга эришарди. “Мен топган ёки очган ҳақиқат ҳақиқий бўлмаса ҳам ҳақиқатига нисбатан нисбийдир”, — дер эди ва деспот — қаттиқўл, қайсар режиссёр сифатида чизган чизигидан чиқишига изн бермасди.

Шунга қарамай, у буюк ижодкор сифатида заковатли режиссёрлар хаёлига келмайдиган ажойиб шаклларни кашф этарди. Улар нечоғлик ҳаётий ёки сунъий бўлса ҳам, ўз саҳнавий-бадиий ифодавийлиги, мажозий сермазмунлиги ва оригиналлиги билан барчани ҳайратда қолдиради. Бундай ғайриоддий тасаввур фақатгина Меерхолдга хос фазилат бўлиб, у ана шу мутлақо ҳукмронлиги туфайли мўжизалар яратарди. Шунинг учун топилмалари, “ҳақиқатлари”, бадиий ва ғоявий ифодалари ҳаммага ҳам бирдай манзур бўлавермасди ва катта баҳсларга сабаб бўларди. Бироқ у ҳеч ким билан баҳсли қарама-қаршиликларга киришмай, кашфиётлари буюк ижодкор шахсига мансублигини инкор этмасди. Шунинг учун ҳам унинг талқинидаги

“Дон Жуан”, “Маскарад”, “Тристан ва Изолда”, “Мистерия–Буфф”, “Клоп”, “Хаммом”, “Ақллилик балоси”, “Кренский тўйи”, “Айик” каби спектакллар театр санъати тарихида ёрқин из қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда, театр санъатида профессионал режиссуранинг амалиётчилари ёрқин намоён бўлди ва бу соҳани санъат даражасига кўтарди. Улар ўз назарий қарашлари билан режиссура санъатини ривожлантириб, саҳнанинг етакчи бадиий бўғинига айлантирилар. Шунинг учун драматург, актёр ва томошабинни бир-бирига узвий боғлайдиган режиссёр санъаткор сифатида эътироф этила бошлади.

2.3. Миллий режиссура ривожланиш пиллапоялари

Жамоат фикри, фан ва техниканинг барча соҳаларида кескин бурилишларни бошидан кечирган, уларни ўз саҳифалари таркибига киритган XX аср тарихи инсон психологиясини ҳамда тафаккурини чуқур силжишларга олиб келди. Инсоннинг ижтимоий ҳаёти драматурглар назарига тушиб, улар саҳнавий талқин ва таҳлилга айланди. Шахс ва замонни янги муносабатлари театр санъати соҳасида ҳам ўзига хос реал бадиий ифодасини топа бошлади. Шу боис театрга ташриф буюрганлар учун нафақат артист яратган характерни, балки режиссёр талқин қилган “замоннинг” саҳнавий бадиий образини кўриш имконияти ҳам пайдо бўлди. Натижада спектаклнинг бадиий яхлитлиги ҳақидаги тушунчалар — “ижодий ҳукмдорлик” уни амалга оширувчи режиссёрнинг ихтиёрига ўта бошлади. Табиийки, санъат турларининг вақт (поетик, вокал, матнли) ва маконда (пластик, мимик, тасвирий) синтезлашган бадиийлигидан яратилган саҳна борлиғини, сурати ва сийратини замон ва инсон образи даражасида ифодалашга қодир инсон — режиссёр театрда бош бўлиши заруратга айланди.

Театр санъати тарихи саҳифаларини, илмий-тадқиқотларининг баъзиларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, профессионал режиссура ривожи замон, давр, тарих доирасидаги инсон образини ифодаланишига алоқадорлиги билан ажralиб турганини кўрамиз. XX аср бошларида нафақат актёр яратадиган образ ва унинг маҳорати, балки саҳна муҳити, замон нафаси, вақтли-маконий ўлчамлар режиссёр талқини асосида ифодаланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Замонавийлик режиссурага боғлиқдир, деган хулосавий фикр устувор талабга айланди. Аммо замонавийлик — ҳозиржавоблик ҳозирги кунга боғлиқ тушунча бўлса-да, театрда ўтмишга (тарихга) алоқадор ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бугун томошабинга замондош бўлган артист саҳнада Қирол Лир ёки Алишер Навоий образини яратмоқдами демак, унинг қаҳрамони — замонавий образ. Спектакл ҳам замонавий мавзуга алоқадор. Унинг долзарблиги “замонавий” лигидадир. Демак, замонавийлик ҳамиша долзарблилиқдир. Шунинг учун мумтоз бадиий асарларнинг ғояси долзарблиги туфайли замонавий мавзу деб қабул қилинади.

Режиссура профессионал ижод сифатида ривожлангунига қадар спектакларни драматурглар, актёрлар, “антерпренёр”лар ёки, театрнинг масъул ходимлари саҳналаштиради. Улар саҳналаштирган спектакллар жаҳон театр санъати тарихи сахифаларидан ўз ўрнини эгаллаганлигининг сабаби, буюк актёрлик санъати мавжудлигида эди.

Шундай қилиб, XX аср профессионал режиссураси илк қадамларини босаётган даврда, рус саҳна санъатини бошқариш ҳам буюк актёр ва режиссёрга насиб этганди. Бу ижодкорлардан бири актёр ва режиссёр, ўз спектаклари билан бутун оламга таниш бўлган, жаҳон театр санъатида янги “услубият” ривожига таъсирини кўрсатган К.С.Станиславский эди. Унга ва европанинг биринчи профессионал режиссёrlари — Людвиг Кронек, Андре Антуан ва Отто Брамларга саҳна воситалари орқали инсонлар тақдири устида “парвоз этувчи”, уларни руҳий ҳолда бўйсундирувчи бутунлик, умумийлик, тарихийлик асосида шартли-мажозий, бадиий услублар орқали сездириш насиб этганди. Шулар таъсирида XX аср жаҳон театри санъати майдонига К.С.Станиславскийнинг кириб келиши нафақат табиий эди, балки зарур ҳам бўлганди.

Тарихий манбаларда таъкидланишича К.С.Станиславский ўспиринлик даврида европалик режиссёrlар ва ёзувчилар маҳорати таъсирида бўлса-да, ёзувчи э.Золя, режиссёrlар — Л.Кронек, А.Антуан, О.Брам ва бошқаларнинг ишларини давомчиси бўлишга интилмади. Унинг ижодини бошланғич даврини “натурализм”га алоқадорлиги ҳақидаги фикрлар ўта бирёқламали хulosалар ва таърифлардир. Мейненгенчилар таъсирида Станиславский янги услубдаги бадиий театрни шакллантирди. Унинг театрида асосий ўрин режиссёрга эмас, актёрларга берилганди. Агарда Кронек ўз режиссёrlик “ихтиро”лари билан актёрларни иккинчи планга қўйиб, баъзида уларсиз ҳам саҳнада муҳит яратса, Станиславский ўз режиссёrlик фаолиятининг бошланғич даврида ҳам актёр учун ҳамма қулайликларни яратди. У барпо этилган янги театрда ўзи етакчи актёр бўлганлиги сабабли режиссурадаги изланишларини бутун умри мобайнида аҳамиятли ва натижали ихтиrolар сари йўналтирди. Ўз ихтиrolарини ўзида синовдан ўтказганлиги билан ҳайратомуз натижаларга эришди. Замоннинг инсон билан ўзаро боғланганлиги уни ҳамиша қизиқтиради. Шунинг учун, профессионал режиссурада илк қадамлар қўяётган Станиславский: саҳнадаги абстракт-романтик руҳиятга; шухрати авжига чиққан “актёрлик ўйини”га; қаҳрамонона-ташқи кўтаринки хусусиятга қарши курашган. Характер яратиш жараёнига эса “Чеховга”ча талқин нуқтаи назаридан ёндашган.

Иzlанишларда, ички зиддиятларда маромига етаётган янги театр услубияти, ҳақиқатдан ҳам, профессионал режиссура талабларини қабул қилишга тайёрланаётган эди. Натижада, Россиянинг театр санъатига алоқадор доираларда, МХТ–Москва Бадиий театри актёрлари билан изланиш жараёнида Станиславский қўллаётган янги услуг ҳақида гаплар тарқала

бошлади. Миш-мишларга жавоб тариқасида ва ўз изланишлари ҳақида илк бор “Мавсум бошланиши” (1907-1908) номли “чизги”ларида, кейинчалик МХТнинг 10 йиллигига (1908) бағишлиланган тантанада ва режиссёрларнинг ИИ умуррессия қурултойида (1909) чиқишилар қилганлиги тарихдан маълум.

Бу изохлардан сўнг, актёр ижоди ҳақидаги янги фикрлар моҳиятини тушунтиришга, режиссура санъати ҳақидаги таълимотнинг асосий мезонларини таърифлаб беришга, саҳнавий реализмнинг замонавий назарияси ва услубияти асосларини ишлаб чиқишига Станиславский жиддий бел боғлади ва у бу ишларни 30 йил мобайнида узлуксиз амалга оширди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳам жаҳон театр амалиётида катта аҳамиятга эга бўлиб келаётган Станиславский услубияти ўша даврларда қизғин курашларда тобланган. “Янги санъат” тарафдорлари театрнинг келажагини актёр-марионеткасиз, ниқобли персонажларсиз тасаввур этиша олмасди. Шунинг учун, унинг ғояларини бирёклама фаҳмлаганлар — Станиславский санъаткор ижодида фантазиянинг аҳамиятини инобатга олмаган, деб уни айблай бошлашди. Янги “услубият”ни бундай юзаки таърифланишига қарши чиқсан Е.Б.Вахтангов 1919 йилда “Вестник театра” журналида — К.С.Станиславский ижодий фантазияни тан олмасдан, ундан воз кечган деб ҳисоблаган Ф.Ф.Комиссаржевский, устоз “фантазияни актёрнинг иккинчи табиати”, — деб ҳисоблаганини ҳамда актёрнинг маҳоратини оширишга, чуқурлаштиришга қаратилган янги услубият саҳнада ижодий фантазиянинг тантанаси учунгина яратилганини билса эди, деб ёзганди.

Станиславский ўзининг ҳар бир спектаклида ҳаётнинг турли тарихий қатламлари кесимларини яланғочлаб, ўтмишни — келажак нуқтаи назаридан, ҳозирги кун талаби билан талқин этади. Унинг саҳнавий асарларидаги кенг маконий ва узоқ вақтли масофа, тарихий обективлекни ва фалсафийликни шартли-мажозий равишда мувофиқлаштириди.

Театралная энциклопедиянинг “Ҳамза номидаги Ўзбек миллий академик драма театри тарихи” саҳифаларидан биламизки, Маннон Уйғур бошчилигидаги бир гурӯҳ санъаткорлар 1924-27 йиллар давомида Москвада ташкил этилган театр студиясида таълим олишган. Уларга уч йиллик ўқиши давомида Р.Симонов, Л.Свердлин, В.Кансел, И.Толчанов сингари ўқитувчилар дарс берган. Хусусан, МХТнинг иккинчи студиясида тарбия топган В.С. Кансел Станиславский жорий этган “система”нинг асосий элементларини яхши билган.

Москвада таълим олган ўзбек санъаткорларига театр санъатининг реализм йўналиши тарғиб қилинган. У ерда нафақат актёрлик санъатини балки, режиссёрлик касбини профессионал эгаллаш, спектаклни саҳналаштиришда унинг барча компонентларини бир ғояга бўйсундиришни ҳам ўргангандар. Студиядаги уч йиллик таълим ўзбек театр санъатининг ривожига катта таъсир кўрсатди. 1930-йилларда театрнинг бадиий

амалиётида секин-аста актёрнинг ўз устида ишлаш таълимоти асослари жорий қилинди. Режиссура эса саҳнада актёрнинг ижодий кайфиятини яратиш учун зарур деб ҳисобланган талабларни сингдиришга ҳаракат қилди.

Бу талаблар эса ўз навбатида, театрда саҳналаштирилган спектакларни профессионаллаштиришда муҳим омил бўлди. Натижада, Маннон Уйғур бошлигидаги ўзбек театри режиссураси талқинидаги спектакларда Станиславский услугига хос бўлган жихатлар сезила бошлади. Режиссуранинг такомиллашган бадиийлиги ўша йиллари шакллантирган “пойдевор”и ўзбек театрининг кейинги йиллардаги фаолиятида ҳам ўз таъсирини йўқотмади. Станиславский “системаси” анъаналари собиқ Ҳамза театри саҳнасида турли режиссёrlарнинг талқинида ўз ифодасини топиб, йиллар давомида янада ривожлантирилиб борилди.

Студияда уч йил таълим олиш жараёнида актёрларнинг бадиий тасаввури бойиди. Улар саҳна маҳорати асосларини ўзлаштиришди. Станиславский услуги элеменлари билан танишиб, рол устида ишлашнинг профессионал сабоқларини олишди. Ўзбек театрининг ёш кучлари ижодидаги реалистик тенденсиялар Молернинг “Хасис”, Гоголнинг “Ревизор” ўқув спектакллари устида ишлаш жараёнида ўзлаштирилди.

Москвадаги Ўзбек маориф уйи қошида ташкил этилган театр студияси педагогларидан бири В.С.Кансел, “система”нинг асосий элементларини билимдони бўлган. У 1919-1921 йиллар мобайнида Шаляпин номидаги студияда ва МХАТнинг иккинчи студиясида ўқиган. 1922-37-йиллар мобайнида Меерхолд номидаги, Комиссаржевская номидаги, Ленсовет номидаги театрларда ва Революсия, “Профклубная мастерская”, “Сатира” театрларида ишлаган. 1923 йилдан радиода мутолаа қилувчи, режиссёр сифатида ишлаган.

Ўзбекистонлик студиячилар билан В.Кансел Молернинг “Хасис” спектакли устида қандай ишлагани ҳақида — “саҳналаштириш ишлари бир йилдан ошиқ давом этди”, — деб ёзади Маннон Уйғур. Устоз персонажларнинг аниқ ижтимоий тавсифини бериб, ижрочилардан ҳақиқий қайта гавдаланишни, берилган вазиятларни фаҳмлашни, муносабатларни белгилашни талаб этарди. Репетитсия жараёнида ижро этиш, ўйин усуллари ҳақидаги одатий тасавурларимиз бузиларди. Натижада, студиячилар ўз ролларини талқин этишдаги тартибсиз импровизатсиядан, схематиклиқдан воз кечишарди. Бош мақсад — аниқ индивидуаллашган характерлар, кўп қиррали саҳнавий образлар яратиш эди.

“Маликаи Турандот” постановкаси асосан вахтанговча бўлса-да, ундан фарқли ўлароқ эди. Режиссёrlар Р.Симонов, О.Басов пластика ва ритмикага катта аҳамият бериб, саҳнавий шакл ҳиссини ривожлантириш мақсадида ҳамда ижодий имконларини ошириш учун актёрларга эркинлик беришга интилганлар. Улар ижрочилар олдига “саҳнавий киноя”, “образга бўлган муносабат” тамойилларини юзага чиқариш вазифасини қўяди.

Натижада, актёр талқинида образни баҳолаш бош мезонга айланади. Актёр ролнинг образини яратади ва ўз образига бўлган муносабатини кўрсатади. Бу спектаклда ўзбек мусиқаси жаранглаган, халқ рақслари, ашулалари ижро этилган, импровизатсион ўйин ва образга бўлган кинояли муносабат мужассамлашгани учун уйғунликнинг “байрамона” рухияти бор эди.

Ўқиши даврида Л.Свердлин бошчилигида саҳналаштирилган спектаклларда, ўзбек театри бўлғуси арбоблари олдига янги талаблар ва вазифалар қўйиш масаласи ҳал қилинган эди. “Сон в посту” (“Коровул уйқуси”) “Поиск денег” (Пул излаш) номли спектаклларда Меерхолд театрининг тамойилларини амалий ўрганиш талаблари кўзга ташланади. “Правда” газетаси шарҳловчиси А.Февралский “Пул излаш” ва Чўлпоннинг “Яна уйланаман” спектаклини кўрганидан сўнг қуидагиларни ёзади — саҳналаштирувчи педагог Л.Свердлиннинг спектаклида европа ва ўзбек театроналиги бирга қўшилган. Меерхолд театрининг тажрибасини, янги театр оқимларини амалий ўрганишга интилиш шубҳасиз студиячиларнинг ижодий имконларини бойитган, профессионал кўникмаларини келажақда тобора мукаммал бўлишига йўл очган. Ўзбек театри ривожланишида студияда ўтказилган йиллар катта аҳамиятга эга бўлган. Рус маданияти анъаналарини ижодбахш кучи билан танишиб, театрнинг энг яхши ютуқларини идрок этиб, реалистик театр томон интилиш йўлидаги барча зиддиятларга қарамасдан студиячилар уларга умрбод содик бўлиб қолишиди.

Ўзбек маориф уйи қошида ташкил этилган театр студияси педагогларидан яна бири Рубен Николаевич Симонов ҳам Ф.И.Шаляпин номидаги драматик студияда ўқиган, мусиқий спектакллар яратиш сабоқларини олган эди. У МХАТнинг учинчи студиясига 1920 йилда ўқишига кириб, кейинчалик 1924 йилдан ушбу студия асосида ташкил этилган Е.Б.Вахтангов номидаги театрда режиссёр бўлиб ишлаган. Катта театрда опера спектаклларини ҳам саҳналаштирган. Симонов ижодининг асосий хусусияти жанрлар ранг-баранглигидадир. Л.Свердлин эса Станиславскийнинг шогирди Меерхолднинг давлат театр устахоналарида ўқиган. 1926 йилдан унинг номидаги театрда актёр бўлиб роллар яратган.

Кўриниб турибдики, студиячилар Станиславский услубиятига асосланган роллар яратишни, спектакл саҳналаштиришни, драматик асарни таҳлил этишни ва бошқа турли бадиий ифодалаш услублари моҳиятини тажрибали педагоглардан ўрганишган. Бундан ташқари, студиячилар педагогларининг тавсияларига биноан уч йил мобайнида турли бадиий яхлит спектаклларни кўриш ва уларни таҳлил қилиш имконига эга бўлганлар. Айниқса, жаҳон мумтоз драматургияси намуналари асосида яратилган спектаклларда замон образи билан инсон образи чамбарчас боғланганлигини, режиссёр концепсиясига биноан бадиийлик, реалистик ҳаққонийлик саҳна асари ютуғини таъминлаганини кўришган.

Юқорида ўзбек студиячиларининг устозлари ҳақида маълумотлар берилганда уларни қайси студияда ёки ижодий “устахонада” ўқиганига алоҳида урғу берилганди. Масалан, В.Кансел, Р.Симонов, Е.Вахтангов Станиславскийнинг шогирдлари бўлган бўлса, Л.Свердлин Меерхолднинг шогирди ва иқтидорли асистенти бўлиб ишлаган. В.Кансел эса Меерхолд театрида ишлаган. Л.Свердлин эса кейинчалик Е.Вахтангов театрида ишлаган. Айтмоқчимизки, ўзбек студиячилари Станиславский услугбиятини Вахтангов ва Меерхолд усуслари фарқларини англаш билан бирга, улар бир-бирини бойитишини ўқиш ва репетитсиялар жараёнида ҳис қилишга муюссар бўлишган.

Уларнинг эстетик қарашларидаги мезонларининг фарқи - бири актёрнинг руҳий кечинмаларига, иккинчиси жисмоний ҳолатларга кўпроқ эътибор қаратган бўлса, режиссёрлик ижодида, яъни саҳнада инсон ва замон образини (муҳитни) ифодалаш бўйича қарама-қаршиликлар бўлмаган.

Тадқиқотчи Александр Гладков ёзишича, Меерхолд ўзининг 1922 йилда жамоатчилик олдида чиқишлиарининг бирида — “Театр биносини психология қоидалари асосида қуриш, уйни кум устига қуриш билан баробардир. Турли психологик ҳолатлар саҳнада бизга таниш бўлган жисмоний ҳаракатлар билан асосланади. Актёр ўзининг жисмоний ҳолатини тўғри топгандагина томошабинни завқлантира олади ва унинг ўйини кўрувчиларни ўз доирасига чорловчи — “ҳаяжонланиш” ҳолатига олиб келади. Жисмоний ҳаракат эса саҳнавий ҳис-туйғу пайдо бўлиши учун, ҳамиша мустаҳкам пойдевор ҳисобланади”, дейди.

Меерхолд мана шу фикрдан сўнг, ўзининг актёр билан ишлаш методикасини танқидий таҳлил қилиб, қайта қуришни бошлаган. Ўзининг нуқтаи назарлари — кечинма санъати назарий томойиллари билан яқинланлаша бошлаганини англаб — мен олдинлари одам бу “кимёвий-жисмоний лабораториядир”, — деб ҳисоблардим. Албатта, бу жуда ҳам соддалиқдир, дейди.

Александр Гладковнинг Меерхолд ҳақидаги китобида, 1935 йилда вилоят режиссёрлари Меерхолднинг Станиславскийга муносабати ҳақида савол беришади, жавоб кутилмаган натижага эга — “Бизларни антипод — зид шахс деб ҳисоблаш нотўғри. Сийқаси чиққан бу тезис-беъманидир. Унинг ва менинг изланишларим доимий ўзгариш ҳолатидадур”, деб жавоб берган.

Меерхолд 1936 йилда нашрдан чиққан “Мастерство актёра” (Актёр маҳорати) хрестоматияси билан танишиб чиқади ва унинг кириш қисмида революсиянинг биринчи йилларида “кечинма мактаби” ва “намойиш этиш мактаби”нинг бирлашиш жараёни бошлангани ҳақида қўйидаги фикрларни ўқийди — Вахтангов ижодида илк бор, сезиларли даражада, Меерхолд методини Станиславский топилмалари билан бирлаштиришга ҳаракат намоён бўлди. Бу жараённинг давомчилари — Попов, Захава, Завадский,

Симоновлар нафақат бу йўналишда амалий ишлар олиб боришишоқда, балки бу икки “система”ни бирлаштиришга назарий асос солиб, икки услубни кучли хусусиятларини ўзига қамраб олган янги услубиятни шакллантиришга интилишишоқда. Бу хulosавий фикрга қарши Меерхолд қуйидагича жавоб қиласди — “Беъмани гап! Аҳмоқона хулоса! Меерхолдни ва Станиславскийни фарқли услублари йўқ!”, дейди.

Шундай қилиб 1936 йилга келиб, Москва театрлари хаётида бундай қарама-қарши фикрларга асос қолмаган эди. Уйғунлашган мукаммал услуб асосида, Москвадаги ўзбек маориф уйида ташкил этилган студияда таҳсил олаётганларга дарс берилган. К.Станиславский, Меерхолд ва Е.Вахтангов шогирдлари педагоглар — В.Кансел, Р.Симонов И.Толчанов, Л.Свердлин ва бошқалар 1924-1927 йилларда студиячиларга янги саҳнавий-ифодавий услубларни қўллаб, М.Уйғур, Е.Бобожонов, М.Муҳамедов каби режиссёрларни тарбиялашган. Ўзбекистонлик ёшлар театр санъати амалиётида назарий масалалар ечимини, саҳнавий ифодавийлик усулларини, Станиславский услубиятининг асосий тамойилларини, Меерхолд биомеханикасини, Вахтанговга хос театроналийк моҳиятини ўкув жараёнида ва репетитсияларда ўзлаштиришга ҳаракат қилишган.

Ўзбек студиячилари ўз педагогларининг қарашларини, саҳналаштириш усулларини, устоз-шогирд анъаналарини, улар билан биргаликда ижод қилиш, серқирра таълим натижаларини уйғунлаштириш имкониятига эга бўлганлар. Энг муҳими М.Уйғур, Е.Бобожонов, М.Муҳамедовлар режиссурада, саҳнада инсон образини яратишида, Меерхолдинг “биомеханика”си — “кечинма санъати” учун пойdevор бўлишини, саҳнада замон образини (муҳитни) яратишида Вахтанговнинг театроналиги (маишийликни енгиш ва “байрамона патетика”га) эришиш муҳимлигини англаб етдилар. Аммо сотсиалистик реализм устувор бўлган жамиятда замонавий мавзудаги, миллий характерни ифодаловчи асарларни саҳналаштириш ниҳоятда қийин бўлган. Шу маънода Етим Бобожонов, Музофар Муҳамедов, Тошхўжа Хўжаев, Раззок Ҳамроевнинг режиссёрлик фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришдан олдин бир хulosавий фикрни айтиб ўтиш лозим. Бу даврда сотсиалистик реализм йўналишидан четга чиқиш дарҳол танқид қилиниб, инсон образини замон образи билан уйғунлаштириб ифодалаш тамойилига путур етказиларди. Маъмурий танқидчилар улуғлаган асарларда — сохта замондош образи, сохта замон образи орқали кўрсатилиб, сохта шиорлар жарангларди. Бу жараён натижасида “конфликтсизлик назарияси” авж олди. Чунки бўяб кўрсатилган замонда сохталик ҳукмрон бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонга қайтиб келган саҳна ижодкорлари режиссура санъати малакасини эгаллаш йўлида олган бу сабоқлари, катта аҳамиятга эга бўлганлиги мумтоз драматургия асосида

саҳналаштирилган спектаклларда намоён бўлди ва актёрларнинг маҳоратини янги бадиий босқичга олиб чиқди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. *Профессионал режиссура қандай пайдо бўлди?*
2. *Людвиг Кронек режиссурада қандай ислоҳотларни амалга ошироди?*
3. *Макс Рейнхард қандай ижодий изланишиларни олиб борди?*
4. *Гордон Крег режиссурасидаги янгиликлар нималардан иборат?*
5. *Станиславскийнинг режиссурадаги новаторлиги нимада?*

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Демин В.П. Формирование личности режиссёра. Саратов, 1983.
2. Зафарий Ф. Ўзбек театри тарихи. — Т.: Бадиий адабиёт, 1937.
3. Исломов Т. Тарих ва саҳна. Т.: Фан, 1998.
4. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. — Т.: F.Фулом, 2005.
5. Усмонов Р. Режиссура. — Т.: Фан, 1997.
6. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. «Гулистон», 1997, № 3.
7. Умаров М. Режиссеёр қалби. «Ўзбекистон. Контакт». 1997, № 4.
8. Умаров М. Буюк режиссёр. «Ўзбекистан. Контакт». 1997, № 4.
9. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Ҳ. Режиссура асослари. — Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2008.
10. [хттп:// www.uzbekteatr.skm.uz](http://www.uzbekteatr.skm.uz)

3-мавзу. Режиссёр ва унинг касбий маҳорати. Режиссурунинг асосий элементлари

Режа:

- 3.1. Ижодкор режиссёр ва унинг уч қирраси.**
- 3.2. Режиссурунинг асосий элементлари.**
- 3.3. Режиссёрнинг драматик асар устида ишлаши.**
- 3.4. Режиссёрнинг спектакль устида ишлаши.**

Таянч иборалар: ролнинг партетураси, рол устида ишлаш, санъаткорлик туйгуси, саҳнавий атмосфера, саҳнавий ҳақиқат, трагедия, тугун (звязка), фабула, характер, хатти-ҳаракат, эклектика, юмор, ҳаваскорлик, ҳал қилувчи воқеа, ҳиссиёт.

3.1. Ижодкор режиссёр ва унинг уч қирраси.

Саҳнада драматик ёки мусиқали асарларни саҳналаштирувчиларни ҳозирги вақтда икки тоифага — саҳналаштирувчи (постановщик) ёки ижодкор (творец) режиссёрга ажратишмоқда. Биринчиси, навбатдаги — ўткинчи спектаклни саҳналаштирса, иккинчиси — янги бадиий шакл ва унга мос ижро услубини топади. Шунинг учун ижодкор режиссёр театрнинг бадиий йўналишини белгилайдиган, спектаклни воқеага айлантирадиган бунёдкор ҳисобланади. Унинг зиммасига театр учун репертуар танлаш, актёрларнинг ғоявий-бадиий маҳоратларини ошириш, эстетик дидларини тарбиялаш, жамоани ҳамфирларга айлантириш вазифалари юклатилади. Ижодкор режиссёр жамоанинг спектакл яратиш жараёнидаги бадиий ишига раҳбарлик қиласди. У песани таҳлил қиласи экан драматургнинг ғоясини, бўлгуси спектакл билан боғлиқ ўзининг топилмаларини бадиий яхлит томошага айлантириш режасини тузади ва асар мазмунини саҳнавий образлар орқали очиш учун саҳналаштиришда иштирок этадиган барча ижодий кучларни — актёр, рассом, композитор ҳамда бошқа ижодкорларни ўз режаси асосида бошқаради. У спектакл яратиш билан боғлиқ бўлган барча ишларнинг ташкилотчисидир. Яна шуни унутмаслик керакки, режиссёр спектаклнинг ғоявий-бадиий ҳамда эстетик тарбиявий томонларига, мавзуни долзарблигига, замонавийлигига ва ғоявийлигига жавобгар шахс. Шунинг учун ижодкор режиссёрдан — бадиий дири ривожланган, дунёқарashi шаклланган, ички ва ташқи сиёsat билан танишган, ҳаётни чуқур тушунган шахс бўлиши талаб этилади.

Режиссёрнинг вазифаси пеша асосида саҳнада ҳаёт жараёнини бадиий акс этиришидир. Драматург учун манба бўлиб хизмат қилган воқеликни режиссёр саҳнада қайта гавдалантиради. Бунинг учун у песанинг мавзуси, ғояси, воқеалар тизими, персонажлар характерлари ва муаллифнинг бошқа кўрсатмаларидан фойдаланиб саҳнавий муҳит — атмосфера яратади.

Саҳнавий атмосфера — ҳаётийлик билан саҳна шартлилиги ўртасидаги тўғри мувозанатдан ташкил топади. Ҳаётийлик ўз меёридан ошиб

кетса, режиссёр натурализмга йўл қўяди. Аксинча, саҳнадаги шартлилик устунлиги ошиб кетса, сунъийлик пайдо бўлади.

Режиссёрниң вазифаси, аввало, песани тўғри ўрганиш — тўғри талқин қилиш ва ролларни тўғри тақсимлашдир. Театрда ижодий муҳитни ташкил этиш учун бошқа соҳа ижодкорлари билан ҳамкорликда ишлаш керак. Бу жараёнда режиссёр диктатор — ҳукмрон бўлиши ҳам ярамайди. Диктаторлик — ижодкорлар ташаббусини сўндиради. Шунинг учун у — рассом, композитор, гринёр, костюмёр ва бошқа театр ижодкорлари билан ҳамфир бўлиши лозим. Акс ҳолда, театр инқизотга юз тутади, ижодкорлар орасида тарафкашлик бошланади.

Актёр ижросининг тўғри-нотўғрилигини ойнадагидек кўриб турган режиссёр ўзининг субектив хоҳишларини актёрларга зўраки ўтказмасдан, унга ёрдам беради. Шундагина актёрлар ўз камчиликларини ихтиёрий тузатишга ҳаракат қиласи, образ учун керакли хусусиятларни бунёд этишга интилади. Актёрларни ўз вақтида тўғри йўлга солиш, образнинг туб моҳиятларини очиб бериш, образ ҳарактерини, одатларини, қиликларини тўғри топишда актёрга яқиндан ёрдам бериш режиссёрниң асосий вазифасидир. Актёрлар билан тўғри ишлаш режиссёрлик қобилиятининг муҳим ўлчовидир.

Режиссёр режасини юзага чиқариш, актёр психологиясини ва саҳна амалиётини билиш билан боғлиқдир. У актёрлар билан ишлашда икки услубдан фойдаланади: тушунтириб бериш — подсказ; кўрсатиб бериш — показ. Шунинг учун режиссёр маълум даражада актёр ҳам бўлиши талаб қилинади. Актёрниң хатоларини аниқ ва оширмасдан кўрсатиш, ҳаракат келиб чиқиши сабабини тушунтириш, улар маҳоратини ўстириб бориш — бош масалага айланади. Режиссёр фақат тушунтиrsa ёки фақат кўрсатиб берса бир ёқламалик пайдо бўлади. Кўрсатиб беришнинг ҳам яхши, ҳам ёмон томонлари бор. Тўғри, кўрсатиш — ўз вақтида бўлса, яъни актёр шу кўрсатишдан кейин, тушунмай ёки қийналиб турган ердаги ўз хатосини тезда тушуниб олса — яхши. Режиссёр кўрсатганини актёр тушунмаган ҳолда қабул қилиб олиб, кўрганлари келгусидаги ҳаракатларига, ижодига тўсиқ бўлиб қолса — ёмон. Баъзи бир актёрларга режиссёрниң кўрсатганлари ёкиб қолиб, ўз изланишларини тўхтатиб қўяди. Шунииг учун режиссёрдан тушунтириш ва кўрсатиб беришни меёридан оширмай, актёрниң ижод қилишига йўл очиб, имкон яратиши, уни юналтириши, туртки бериши талаб қилинади.

Режиссёр: фақат песани тўғри таҳлил қиласиган; актёрлар олдига аниқ мақсад ва вазифалар кўядиган; саҳнада мақсадга мувофиқ ҳаракатни барпо қиласиган; декоратсияни қулай жойлаштирадиган — бошқарувчи эмас, балки барчасини синчковлик билан кузата бориб, зарур икир-чикирларнн вақтида тузатадиган ва ўз профессионал билимларини намоён қиласиган мутафаккир — ижодкордир. У ўз тафаккури ва бадиий қобилияти, ижодий кучи билан

драматург ғоясини, актёрлар қалб ҳароратини, замон талабини мужассамлаштирган ҳолда саҳнада жонли жараён анқиб турган театр санъати асари — спектакл яратувчисидир. Бу мураккаб жараёнда у билимидан, ҳаёт тажрибасидан, халқ маданий-бадиий бойлигидан, бошқа санъат асарларидан мақсадга мувофиқ фойдалана оладиган ва мустаҳкам ўз эстетик эътиқодига эга бўлган ижодкор шахс.

Фан ва техника, адабиёт ва санъат ривожланган ҳозирги даврда режиссёр зиммасига янада мураккаб бадиий вазифалар юкланди. Демак, ундан давлат тизими ҳақидаги фикрларни, сиёсий ва ижтимоий масалаларни, умум тараққий муаммолари билан боғлиқ талабларни бадиий ифодалаш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам режиссёр муаллиф билан томошабин ўртасидаги боғловчи восита бўлибгина қолмай, у яратган спектакллар муаллиф ғояси орқали мухлисларини ҳайратга соловчи, тўлқинлантирувчи, дунёқарашини шакллантирувчи, олий мақсадли ижодкордир.

Режиссёр ижодий жамоанинг бадиий раҳбари сифатида томошабин билан театрни, муаллифлар билан актёрларни бир-бирига боғловчи бош бўғиндир. Томошабин театрга ҳаётний зарур бўлган маънавий озука олиш учун ташриф буюради. Шекспир тили билан айтганда “театр бу ҳаёт ойнаси” бўлмоғи лозим. Ана шу “ҳаёт ойнасини” томошабинларнинг рўпарасига қўювчи — режиссёрдир. Режиссёрнинг спектакл устидаги ижодий иши асосида — асан мазмуни ва ғоявий талқини ҳақидаги фикрлари натижасида вужудга келган бадиий ечим ётади. Бу ечим ёки топилма театрнииг ижодий йўлини белгилайди. Шунинг учун табиатан иқтидорли киши ҳам махсус билимсиз, ташкилотчилик ва педагоглик қобилиятисиз режиссёр бўла олмайди. Ҳар кимни ҳам режиссёрлик касбига ўқитиб бўлмайди. Агар унда — инсон ҳаётини кузата олиш, фантазия қилиш, юморни қабул қилиш, эҳтирос ва ритмни ҳис қилиш туйғуси бўлмаса ҳеч качон режиссёр бўла олмайди. Режиссёр нечоғли қобилиятли бўлмасин, унинг театрда тутган мавқеъидан қатъий назар, томошабинга айтмоқчи бўлган фикрлари аниқ бўлмаса ва кишилар тақдирини акс эттирмаса спектакл тушунарли бўлмайди. Ҳар бир театр ва ҳар бир режиссёр, инсониятнинг келажак ҳақидаги орзуларини ёритиши, замон талаблари асосида қалб торларини чертишдек олий вазифани хал этиши лозим. Бундай жавобгарликни сезган ва унга бўйсунган режиссёргина эркин, бамайлихотир ижод қила олади.

Жамоага ишонч ва қаттиқ талабчанлик, режиссёр ҳамда актёрлар ўртасидаги тўғри муносабатларнинг асоси бўлиши лозим. Актёрга тўғри маслаҳат бериш учун режиссёр — актёрлик маҳоратининг асосий қонуниятларини билиши ва актёр табиатини яхши тушуниши ҳамда уларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиши керак.

Режиссёр жамоадаги ҳар қандай тартибсизликка, лоқайдликка муросасиз бўлмоғи лозим. Буларнинг ҳаммаси режиссёр этикаси асосини ташкил этади. Театр жамоаси ва режиссёр орасидаги муносабатлар осон

кечмайди. Ҳар қандай шахсга жамоанинг таъсир кучи жуда катта бўлади. Аҳил жамоа ҳаётда қоқилган инсонни суяб, оёққа турғазиб, ўз ўрнини топишида ёрдам бериши мумкин. Ёки аксинча, жамоанинг кучи яхшилиқдан — ёмонликка, ижодий талабчанликдан — қасос олиш кучига айланиши ҳам мумкин. Чунки жамоа ҳар хил характерли кишилардан ташкил топади. Шунинг учун “соғлом жамоа”, “кучли жамоа”, “қобилиятли жамоа” деган тушунчалар бор. Жамоадаги ҳар бир шахсни қобилиятли, кучли ва руҳий соғлом деб бўлмайди. Театр жамоаси деган тушунча мураккаб ва кўп қирралидир. Бунинг сабабини қобилиятлиларнинг ва лоқайдларнинг саҳна санъатига бўлган муҳаббати бир хилда эмаслигидан қидириш лозим.

Чинакам ижодий барқарор театр жамоаси буйруқ орқали юзага келмайди, балки аста-секин, кўп йиллар мобайнидаги ҳамфирклиларнинг изланишлари орқали ташкил топади. Аксинча, жамоа таркиби бетўхтов ўзгариб турса, театр ўткинчилар йўлагига ўхшаб колган бўлса, у ерда хеч качон яхлит ижодий жамоа вужудга келмайди. Ҳақиқий ижодий жамоанинг вужудга келишида биринчи навбатда режиссёрнинг истеъоди ва инсоний фазилатлари асос бўллади. Бунга: Станиславский ва Немирович-Данченколарнинг МХАТ жамоаси; М.Уйгар ва Е.Бобожоновларнинг “Ҳамза” театр жамоаси; Лснинграддаги Г. Товстоногов раҳбарлигидаги БДТ жамоаси; “Современник” театрининг аҳил жамоаси ёрқин мисол бўллади. Режиссёр эргаш Масафоевнинг биографияси ҳам айни шу маънода ибратлидир. У ташкил этган мутлақо янги типдаги “Ёш гвардия” номли ўспирин ёшлар театрининг вужудга келиши, йиллар давомида ижодий ютуқларга эришганлигининг асоси жамоани шакллантира олганлигидадир. Режиссёр ва жамоа ўртасидаги муносабатларнинг кескин бузилганлиги туфайли, бу театр ўз ижодий услубини йўқотди. Эргаш Масафоев ўз идеалларига содик қолиб, мутлақо янги –“Дийдор” номли ўспирин ёшлар ижодий театр студиясини ташкил этди.

Режиссёр жамоа аъзолари орасида ижодий атмосфера йўклигидан шикоят килиши мумкин. Бундай шароитда режиссёр ижодий муҳит яратишга интилиши ҳам фарз, ҳам қарз. Яна бир муҳим масала, режиссёр билан актёр ўртасида озгина бўлса ҳам ҳурмат “парда”си бўлиши лозим. Бу чегаранинг мазмуни шундаки, режиссёр актёрга қараганда кўпроқ билиши ва узокроқни кўриши, улар истиқболини кўзда тутиши, ижодий ишлар жавобгарлигини ўз зиммасига олиши зарур.

Режиссёрни актёрга, актёрни режиссёрга қарши гиж-гижлайдиган баъзи-бир театр фитначилари театр санъатининг душманидир. Чунки актёр спектаклининг асосий кучи ҳисобланади. Фақат актёр орқалигина спектакл гояси, режиссёр режаси амалга оширилади.

Ҳозирги театрлар режиссёр ҳукмронлигини мутлақо рад этмайди. Бунга Наби Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган театрни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Заиф театрларда ношуд актёrlар кўпинча — “режиссёр

мени яхши кўрмайди”, деб шикоят қилишади. “Мени ҳурмат қилишмайди, мени тушунишмайди”, — деб нолийди ўз навбатида жамоа ишончини қозона олмаган режиссёр. “Мен театрда етакчи актёрман, репертуар фақат менга қараб тузилиши керак”, — деб даъво қилади бъзи “улуг” актёrlар. Ваҳоланки театр ўша “кўрпани ўзига тортадиган” одамсиз ҳам яшashi ва ривожланиши мумкин.

Театр бу бир бутун — яқдил ижодий ҳамкорлик асосида ишлайдиган бадиий жамоадир. Ҳап қандай янги спектакл бу режиссёрнинг актёр билан тасодифий учрашуви эмас, балки тақдир тақозоси билан уларнинг ижодий ҳамкорликда ўсиш босқичидир.

Режиссёрнинг обрўси фақатгина яхши саҳналаштирилган спектакл орқали яратилмайди. Ҳар бир спектаклда актёрнинг янги қиррасини очиш режиссёрнинг асосий вазифасидир. Яхши спектакл саҳналаштириш ва театрда тарбиявий ишни олиб бориш учун режиссёр актёrlарнинг ижодий имкониятларини билиши ва уларни янги марралар сари етаклаши лозим. Бунинг учун — режиссёр актёrlарни улар иштироқидаги спектаклларда ўрганади. Чунки актёrlар ҳар бир спектаклда ҳар сафар янгича ўйнаши мумкин. Афсуски, кўпгина режиссёрлар премерадан кейин актёр билан ишлашга нуқта қўйишилари мумкин. Бу ўта ёмон одатдир. Станиславский фикрича, режиссёрларнинг энг муҳим ижодий иши премерадан кейин бошланади. Ҳар куни актёр ролини, саҳнадан чиққанида — “иссиғида” таҳлил қилиш ва такомиллаштириш улуғ режиссёрларга хос одатдир.

Актёrlарни ўрганишда, уларнинг театрдан ташқаридаги турмуш тарзини ҳам яхши билиш ўта аҳамиятлидир. Шунингдек, актёrlарнинг ўзаро сухбати ва ҳазиллари режиссёр кузатувидан четда қолмаслиги, айниқса, ким қандай яшаяпти, қандай кийинаяпти, ким нимадан хафа — ҳаммасидан хабардор бўлиши жамоанинг эътиборини тортади. Режиссёр бу кузатувларни шундай олиб бориши керакки, актёр буни фақат ижодий ҳамкорлик ва ёрдам деб тушунсин. Бундан ташқари актёрни ўрганишда, унинг ижодий қизиқишини (ашула, бадиий ўқиши, саҳна ҳаракати ва рақс) билиш ҳам ёрдам беради. Қолаверса, режиссёр актёrlар билан маҳсус машқлар устида ишлаганда ҳам кўп нарсани билиб олиши мумкин. Энг муҳими эса ҳар бир режиссёр, у нечоғли иқтидорли бўлмасин, уни орзу умидлари фақатгина “актёр ҳазрати олийлари” орқали ва театрдаги рассом, бутафор, композитор, нур усталари каби ижодий ҳамкорлари кўмаги билан рўёбга чиқишини унумаслиги лозим. Шунинг учун ҳар бир ота ўз фарзандларини эъзозлагани каби, режиссёр ҳам ўз ижодий ҳамкорларини қадрлаши ва энг юқори савиядаги ҳамкорлик учун, ҳар доим шай туриши касб талаби эканлигини унумаслиги керак. Чунки режиссёрнинг ва жамоанинг зафарлари энг аввал ана шу ўзаро ҳурмат-ехтиромида ҳамда ижодий ҳамкорлигидадир.

Енди ижодкор режиссёр бурчининг уч қиррасига эътибор қаратайлик. Театр санъати нечоғли ривожланган бўлмасин актёrlар маҳорати, ҳамда

драматург асари қанчалик мукаммал бўлмасин, ижодий жамоа нақадар кучли ва тарбияли бўлмасин — режиссёр талқинини амалга оширувчи барча омиллар синтезлашган ҳолда бирлашмаса бадиий яхлит спектакл пайдо бўлмайди. Бирлаштирувчи куч режиссёрнинг ташкилотчилик қобилиятидир. Немирович-Данченко ўзининг “Ўтмишдан” деган асарида режиссёрлик бурчининг уч қирраси бўлиши керак деган таълимотни олға сурди. Ҳозирги замон театрида жамоага ижодий раҳбар бўлиш учун бу уч қирра режиссёrlарда мавжуд бўлиши зарур. Улар:

- режиссёр — тушунтириб берувчи, педагог;
- режиссёр ойна (кўзгу), кўрсатиб берувчи;
- режиссёр — ташкилотчи, бирлаштирувчи каби тушунчалардир.

Песани жамоа билан ўқиш режиссёрнинг спектакл устида иш бошлиш жараёнида муҳим босқич ҳисобланади. Чунки, режиссёр — актёрлар, рассом, композитор билан ҳамкорликда иш олиб бориши учун ўз режасини, уларга тўғри тушунтира олиши керак. Спектакл яратиш жараёнида қатнашган ҳар бир ходим песани ўрганишда режиссёрдан бевосита кўмак олади. Лекин режиссёрнинг энг муҳим вазифаси актёр билан тўғри ишлашдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ролни тўғри тақсимлаш ва тушунтиришда, спектаклнинг бадиий образини яратишка, песанинг ғоявий-бадний қимматини тўғри аниқлашда режиссёрнинг уч қирраси муҳим вазифани бажаради. Бу уч қирра: песа воқеалар тартибини аниқлашда; шарт-шароитларини ўзлаштиришда; жанр хусусиятларини белгилашда; ёзувчининг тили ҳамда бадиий услубини англашда; мавзунинг долзарблигини белгилашда; актёрларнинг ўз образларига бўлган муносабатини аниқлашда; энг муҳими характерларни тўғри талқин қилишда ёрдам беради.

Репетитсияларни уюштириш, спектакл яратадиган барча ижодкорларни бир мақсадга йўллаш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, барча сехлар ишини назорат остига олиш, спектаклга техникавий ёрдам берувчиларга тўғри вазифа бериш — буларнинг ҳаммаси режиссёрдан улкан ташкилотчилик қобилиятини талаб қиласди.

Маълумки, театр жамоавий ва синтетик санъат тури, бас шундай экан бошқа санъат турлари усталарини бир мақсад йўлида бирлаштириш, уларни тўғри йўналтириш, хатоларини ўз вақтида аниқлаш, лоқайдларини кези келганда якка-якка ҳолда тарбиялаш, бўлгуси спектакл учун жавобгарлик ҳиссинни пайдо килиш, режиссёрнинг ташкилотчилик ва тушунтира олиш қобилияtlарига боғлиқ. Шунинг учун буюк режиссёр ва педагог Немирович-Данченконинг режиссёрлик бурчининг уч қирраси ҳақидаги таъмилимотининг аҳамияти ҳозирги пайтга келиб янада ошояпти. Айниқса, тушунтириб бериш — педагог сифатида жамоани тарбиялаш, актёрлар маҳоратини ошириш, дунёқарашини шакллантириш, билим доирасини кенгайтириш, ўз устида ва рол устида ишлашга ўргатиш, бадиий дидини ўстириш, нутқ техникасини такомиллаштириш, унинг инсоний юрагини

тозалаш, бағрикенглик руҳида тарбиялаш, интизомга ўргатиши каби қатор вазифалар режиссёр-тарбиячи педагогнинг зиммасида. Мана шуларни амалга ошириш учун режиссёр ало даражада тушунган ва тушунтира олувчи бўлиши керак.

Режиссёрнинг бу хусусиятлари фақат актёрлар билан ишлаганда эмас, балки спектаклни саҳналаштириш жараёнида бошқа ижодкорлар билан ҳамкорлигида ҳам амалга ошиши заруратга айланади. Демак, режиссёр аввало педагог ёки тушунтирувчи. Бу қирра актёрларни тарбиялаш билан бир қаторда песани улар билан таҳлил қилишда, воқеаларни баҳолашда ва унга нисбатан муносабатини аниқлашда, ҳаётий мисоллар билан тушунтиришда етакчилик қиласи. Бунинг учун режиссёр ўзи актёрлик маҳорати техникасини тўғри тушуниши, унинг ёрдамида ўзига хос бадиий бўёқларни кўрсата билиши лозим. Кези келганда актёрларга у ёки бу саҳнани кўрсатиб берганида, улар кўрганларини ривожлантириб, ҳаракат қила бошласа, режиссёр учун бу энг олий ютуқдир. Лекин кўп ҳолларда режиссёр ўз мавқеини сусистемол қилиб, ёки актёрдан ўзини қобилиятли билиб, ролни ипидан-игнасиғача кўрсатиб беради. Актёрдан фақат шуларни кўчириб ижро этишини талаб қиласи. Натижада, актёр фаоллигини бўғиб, мавқеини қуғирчоққа тенглаб қўяди. Бундай ҳолатда актёрлар ижод қилишдан тўхтайди, спектакл режиссёр кўрсатмасидан кўчирилган бир хил ижро услубидаги томошага айланади.

Театр санъати учун анъанавий шиорга айланган ҳақиқий “режиссёр актёрда ўлиши керак”, деган афоризмга амал қилинсагина режиссёр томонидан экилган “урӯғ” униб чиқиб, ҳосил бериши мумкин. Агар актёрлар режиссёр томонидан кўрсатилган у ёки бу ҳолатларини эслаб қолишга ҳаракат қилиб, уни чукур тушунмаса ёки ўз ҳиссий туйғуларида акс эттираса, ижро ҳаётий бўла олмайди. Бу ҳолларда режиссёр кўрсатуви зааралидир. Агар бунинг акси бўлиб, режиссёр кўрсатгани актёр юрагига таъсир этиб, яхши заминга уруғ тушса ва унинг туйғулари ҳамда фантазиясини уйғотиб юборса, нур устига аъло нур. Демак, актёр — режиссёр кўрсатмаларидан илҳомланиб, ўз ҳаракатини янгитдан, қайта яратади бошлади.

Спектакл бунёд этиш жараёнида режиссёрнинг психологик қирраси энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки, иштирокчилар билан биринчи учрашувда уларни ўз режасига қизиқтира олса, ижод қилиш учун манба топиб берса, пеша ғояси, ундаги персонажларнинг характеристи, режиссёр режаси актёрлар қалбини эгалласа, уларнинг тасаввурини ишга солиб юборса, режиссёр ўз мақсади сари тўғри қадам қўйган бўлади.

Немерович-Данченко бу жараённи театр жамоаси, айниқса, ёшлар учун тарбиявий аҳамиятини жуда катта эканлигини кўп марта уқтириб ўтган эди. “Чанқоқ актёрни муаллиф фикри билан сугориш керак”, — деб таъкидлар эди буюк режиссёр. У режиссёр-педагогларга хос бўлган “айтиб

берувчи”лик, етакчилик қобилиятига эга эди. Унинг билими, ҳаётый тажрибаси ва таассуротлари шундай бой эдики, бунинг натижасида актёрлар ўзлари сезмаган ҳолда, у ёки бу айтилган сўз таъсирида воқеа ёки лавҳа мазмунини, унинг ҳаётый асосини илғаб олардилар, шу дақиқанинг ўзидаёқ ҳаракатлари учун керакли бўлган ҳиссий туйғулар вужудга келар эди.

Песадаги шарт-шароитлар режиссёр томонидан тўғри талқин этилиши — актёрлар билан биринчи учрашувдаёқ образнинг бошланғич ғоясини тўғри тушунишга, мақсадни тўғри илғаб олишга, улар фантазиясини уйғотиб, фикрларини фаол ишлашига сабаб бўларди. Агар мана шу жараёнда актёр муаллиф ғоясини илғаб олса, ижодий уйғониш, режиссёр талқинини тўғри тушуниш вужудга келиб, чинакам изланиш жараёни бошланарди.

Режиссёр-педагог бу жараёнга эришгандан кейин актёрларни ўз холига ташлаб қўймасдан, репетитсиядан — репетитсияга фаоллаштириб бормаса улар нотўғри йўлга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Шунингдек, репетитсиялар давомида актёрлар билан образ ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини бойитиши, янгилаши ва доимо изланишлари учун туртки бўлиб туриши лозим. Актёрни кеча қилинган ишини бугун янада бойитиб, ривожлантириб, образини пишитишга илҳомлантириб туриши керак. Шундагина, режиссёр кўзда тутган мақсадига тўғри йўл топган бўлади.

Режиссёр-ойна (кўзгу). Режиссёр репетитсияда ўтириб, актёрларнинг ютуғи ва камчиликларини худди ойнадек ўзида акс эттиради. Бу хусусият натижасида актёрлар ўз интилишларини тўғри ҳис қила олади. Режиссёр режасини ўзида акс этираётган актёрнинг ютуқ ва камчилигини узлуксиз кузатиб туриш, унинг фантазиясини, интилишларини муаллиф фикри асосида нечоғли тўғри кетаётганини баҳолаб боришдир. Шу билан билан бир қаторда актёр талқинини тўғрилаб, унинг фикрларини ривожлантириш ва уни ижод йўлига йўллашидир. Актёр эса ўзини ҳақиқатан ҳам режиссёр муносабати орқали ойнада кўргандек бўлиши керак. “Мана бу ери яхши, мана бу ерида мана буни хоҳладингизми, шу ерини бундай қилиб кўринг”, — деб айтилган сўзлар, актёрга ёрдам беряётганини ҳис қилиш ҳам катта фазилат.

Актёр ижросини тўғри акс эттириш учун, унинг ўзига хос хусусиятини, кўз илғамас томонларини ҳам сезувчи диққат, эътибор керак. Персонаж ҳарактери актёр ижросида қандай ифодаланаётганини тўғри акс эттириши учун режиссёрнинг ўзи актёр яратиши лозим бўлган образ ҳаётини ундан яхши билиши лозим.

Репетитсия вақтида режиссёр нигоҳи актёр фикридан олдинроқ юриши билан бир вақтда, персонаж фикрининг оқимини ҳам тўғри-нотўғрилигини кузатиб бориш натижасида вақти-вақти билан репетитсияни тўхтатмасдан, кичик нуқсонларни тўғрилаб турishнинг ҳам аҳамияти бор. Бундай қобилиятга эга бўлиш учун режиссёр, юқорида айтганимиздек актёрларининг бадиий имкониятларини, индивидуал хусусиятларини ва

актёрлик маҳоратинииг элементларини пухта билиши зарур. Шундагина актёр режиссёрда ўз аксини тўғри кўриб, тегишли хулоса чиқариши мумкин.

Режиссёр — спектакл ташкилотчиси. Режиссёр спектаклнинг барча таркибий қисмларини ўз назаротида ушлаб тургани ҳолда актёр ижодини биринчн ўринга кўйиб, унга кўмаклашадиган ёрдамчи воситаларни, унинг атрофидагармоник равишда бирлаштирган ҳолда бадиий яхлитликка эришади. Бу ўринда режиссёр — ташкилотчи сифатида мутлоқ ҳукмрондир. У бошқаларга нисбатан спектаклнинг воқеалар оқими ечимини қандай ташкил қилишни аниқ билади. Чунки, режа пайдо бўлгандан бошлаб, ўз тасаввурида актёrlар ижроси, рассом режаси, композитор мусиқаси ва х.к.ларнинг бирлашуви натижасида вужудга келадиган спектакл натижасини олдиндан кўра олади. Бундай режиссёр спектаклнинг камчиликларини қандай тузатиш ёки “беркитишнинг” режасини ҳам тузиб олади. Спектакл натижасини олдиндан биладиган режиссёrlарни Станиславский “натижа режиссёrlари”, — деб, атайди. Бу фикри билан буюк реформатор натижа режиссёrlарининг навбатдаги томошаси пайдо бўлишини, ундан юксакроқ бўлган ижодкор режиссёrnинг янги шаклдаги спектакли туғилишини назарда тутади.

Ҳамма натижани олдиндан кўра билиш ижодий жараённи вужудга келтирмай, балки натижа учун интилиш бўлиб, спектаклнинг ташқи томонини, томошани ташкил қилиш учун ҳаракат бўлиб қолади. Бунёдкор режиссёр спектакл устида ишлаш жараёнини маълум режага асослангани ҳолда олиб борган тақдирда ҳам, ўзи билан ишлаётган ижрочи ижодкорлар имконияти билан ҳисоблашади ва натижаларни кўриб, ўз режасига янгиликлар киритиб боради. Актёrlарнинг ҳар бир репетитсияда беихтиёр ўзгариб бораёғанларини ҳис қилиб, вақтнинг ўтиши билан ҳаёт тажрибалари ва маҳорати янада юксалишини кутади. Натижада, ўз қарашларини ҳам ўзгартириб, бойитиб боради.

Агарда режиссёр-ташкилотчи спектакл устида ишлаш жараёнида унинг яратувчилари билан ижодий иш олиб бормаса, қатор қарама-қаршиликларга учраши мумкин. Чунки, бошқа ижрочи санъаткорлар режиссёр режасига асосланган ҳолда ҳам, барибир, ўз дунёқарашига, индивидуал хусусиятларига, ўзларига кулай қолиплара эга. Улар спектакл шаклига ва ечимига нисбатан ўз муносабатларига эга бўлишлари табиий. Агарда улар тўғридаи-тўғри, кўр-кўrona режиссёр талабларинигина бажариш билан чеклансалар, ҳамкорликдаги ижодий жараён вужудга келмайди. Унда барчасига фақат натижага интилган режиссёrnинг ўзи жавобгар бўлиб қолади.

Режиссёrnинг ташкилотчилиги, спектакл яратиш жараёнида ягона ҳукмрон бўлиши билан бир қаторда, томоша натижаси учун асосий жавобгардир. Назарияда эса — спектакл биргина режиссёrnинг ижод маҳсули эмас, балки жамоанинг ҳамкорликдаги маҳсулидир.

Хулоса қилиб айтганда, режиссёрдан замон талабларига жавоб берадын спектакл яратиш талаб қилинади. У театрга раҳбарлик қилиши учун юқорида айтилган қобилиятларнинг барчасини ўзида мужассамлаган бўлиши касб талабидир. Ижодкор-режиссёр давримизнинг янги кишиси кечинмаларини ўзида чуқур акс эттирган, юқори савиядаги спектаклни бадиий яхлит шаклда намойиш эта оладиган етакчи раҳбардир.

3.2. Режиссуранинг асосий элементлари

Ҳамма санъат турларидек режиссура ҳам ўзининг таркибий қисмлар яъни элементларига эга. Театр санъати синтетик табиатли ва жамоавий ижод тури бўлгани учун ҳам режиссёр уларни бошқариб ўз режасини амалга ошириш ниятида уйғунлаштиради.

Театр санъатининг таячи хисобланган актёрлик маҳорати ўз унсурларига эга бўлгани каби режиссура ҳам ўзининг таҳлил, талқин, ифодалаш ва жиҳозлаш элементларига эга. Аввало жиҳозлаш элементларига тўхтасак. Улар — актёрлар, рассом, композитор, балетмейстер, боймейстер, хормейстер, овоз режиссёри, чироқ устаси, пардозчи, либосчи, бутафор ва реквизитор билан ишлаш каби ижодий жабҳаларни ўз қамровига олади.

Режиссура санъати таҳлил, талқин ва ифодалаш элементларисиз, жиҳозлаш жабҳалари гўё кераксиздай бўлиб қолади. Уларнинг таркиби қўйидаги элементлардан иборат.

1. Композитсия — саҳна асари воқеаларининг тизимли тартибини аниқлаш.
2. Саҳнавий атмосфера — воқеа, макон ва вақт муҳитини яратиш.
3. Мизансена — саҳнада актёрларни ва жиҳозларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш.
4. Темпо-ритм — муҳит ва воқеанинг руҳий иситмаси, эҳтирос даражаси.
5. Саҳнавий ҳақиқат — юқоридагиларнинг актёрлар ҳаракатида уйғунлашиши, ижодий кайфиятни ва муҳит ҳақиқатини пайдо қиласи.

Композитсия — асар воқеаларининг таркибий тузилиши ва жойлашиши бўлиб, спектакл ҳам ҳар қандай бадиий асардек ўзининг ички композитсион қурилиш қоидаларига бўйсуниши керак. Композитсия — бўлаклар билан яхлитлик ўртасидаги ўзаро мувозанатдир. Бадиий спектакл синтезлашган бир неча бўлаклардан ташкил топади. Бир воқеанинг иккинчиси билан боғликлиги ва барча таркибий қисмларнинг спектаклда ўзаро умумий уйғунлиги композитсиянинг мукаммаллигидан далолат беради.

Спектакл композитсиясини аниқлаш устида иш олиб борган режиссёр биринчи навбатда, пеша таркибий қисмларини мантиқий бўлакларга ажратади ва уларни номлай олади. Лекин спектакл композитсияси ҳамма вақт ҳам пеша композитсиясига мос келавермайди. Чунки, томошанинг бадиий яхлитлиги режиссёр режасига ва спектаклнинг олий мақсадига боғлиқ. Бу — пеша

муаллифи ва режиссёр олий мақсади бир-бирига қарама-қапши қўйилиши мумкин, деган гап эмас. Режиссёрнинг олий мақсади муаллиф ғоясидан келиб чиқиб, ўз фикри ва топималарини уйғунлаштирган ҳолда талқин этишдан иборат. Шунинг учун режиссёр талқини пеша композитсиясини қайтариб, агар лозим топса, унинг ғоясига таъсири қилмаган ҳолда ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан, пешадаги айрим қўринишларни олиб ташлаши ёки пешада йўқ, лекин у ердаги воқеани кескинлаштирадиган саҳна қўшиши ва бу орқали пеша композитсиясини ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Бунинг учун саҳналаштирувчи режиссёр композитсия қонунларини яхши билиши керак. Асарнинг жанри ёки давр муҳитидан қатий назар драматургиядаги композитсия талаблари қуидагилардан иборат:

-кириш (експозитсия) — парда очилганда нима бўляпти?, қачон ва қаерда бўляпти?, деган саволларга жавоб бераб томошабинни асар муҳитига олиб қирадиган қисм;

-тутун (завязка) — энди нима бўлар экан?, деган муаммони пайдо қиладиган ва интригани кучайтирадиган қисм. Ҳал қилиниши зарур бўлган муҳим масалани пайдо бўлиши;

-ривожланиш (развитие) — персонажларнинг ўзаро курашини кескинлаштириб, интригани ошириб борадиган қисмлар;

-авж (кулминатсия) — курашнинг энг кескин нуктаси ва асар перипетиясини белгилайдиган қисм;

-ечим (развязка) — курашнинг барҳам топиши ва ғоянинг очилишига хизмат қиладиган якуний қисм.

Спектаклнинг неча парда ҳамда нечта қўринишдан иборат бўлиши режиссёр талқинини оқладиган олий мақсадига мувофиқ бўлади ва композитсия томошанинг ғоявий-бадиий сифатини ошириш мақсадида қайта кўриб чиқиласdi.

Пеша устида ишлаётган режиссёр асарни юқоридаги талаблар асосида композитсия бўлакларига бўлиб олади. Репетитсияда ҳар бир бўлакни — воқеани актёрлар билан алоҳида-алоҳида ишлаб боради. Тайёр бўлган бўлаклар спектаклнинг умумий оқимиға қўйилади. Бу бўлаклар композитсия талаблари асосида репетитсия қилинмаса, таркибий қисмларни бир-бирига узвий ва мантиқий боғлаш қийин кечади. Шунинг учун композитсия талаблари асосида воқеалар оқимидағи умумий барпо этиш режиссёрнинг асосий вазифасидир. Композитсия талаблари асосида режиссёрлик урғуларини тўғри ва яққол ифодалаш спектакл ғоясини томошабин калбига жойлаб қўйишга ёрдам берадиган унсиридир. Спектакл композитсиясини ўз режаси асосида тузиб чиқиш, базан қайта қуриб, уни амалга ошириш режиссёрдан катта қобилият, ижодий меҳнат, сабот ва изланишлар талаб этади.

Ҳар қандай пеша маълум вақтда ва маълум шарт-шароитда рўй берадиган воқеалар тизимини акс эттиради. Пеша ёзишда драматург учун манба бўлиб хизмат қилган воқелик руҳиятини режиссёр саҳнада қайтадан

яратади. Демак, композитсияни аниқлаш спектакл учун бошланғич унсур бўлиб, песадаги воқеалар ривожини аниқлашга ҳизмат килади.

Саҳнавий атмосфера — воқеа мұхити эса қуйидаги театр ифода воситалари орқали яратилади. Улар: мавзу, ғоя ва воқеалар тартибиға асосланган режиссёрлик талқини; декоратсия, бутафория, реквизит, либос (костюм), грим, музика, театр шовқинлари, нур ва ранг; макон ва замонни ифодалайдиган рамзий ечимлар; уларни ўзида уйғунлаштирадиган актёрлар ижросидан иборат. Демак, саҳнавий атмосфера бир неча касбдаги санъаткорларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати синтезлашиши орқали барпо этилади.

Песадаги воқеа — қайси ерда, қачон ва қандай шароитда содир бўлганини муаллиф асар ремаркаларида ёки кириш қисмида тасвиirlаб беради. Бу ремаркадан қандай фойдаланиш режиссёрга ва бошқа спектакл яратувчиларга боғлиқ. Айрим мувллифлар песаларида ифода этилган воқеалар қандай шарт-шароитда бўлиб ўтганини айтмай, бу ихтиёрни театрга топширади. Бундай пайтларда саҳнавий атмосфера яратиш режиссёр режасига, унинг қобилиятига, песанинг композитсиясига, мавзунинг далзарблигига ва ғоянинг умуминсонийлиги каби қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Саҳнавий атмосфера факат воқеа қайси ерда ва қачон бўлишини томошабинга тушунтирибгина қолмай, нима учун шундай бўлганлигини ифодалаш орқали режиссёр ўз фикрларини янада таъсирлирок намоён қилиши учун ва энг кучли тасвирий восита сифатида спектаклнинг руҳий мұхитига таянади.

Устоз режиссёrlар таъкидлаганларидек — ҳар қандай ижодкор ҳаётга ўз шахсий “кўзойнаги” орқали қарайди ва бундай қўз ойнак ҳар бир муаллифда ҳар хил бўлиб, турли хил рангга эгадир. Саҳнада — одамзоднинг атрофини ўраб турган жиҳозлар ва инсонлар билан бўладиган ўзаро муносабатлар орқали воқеа мұхити вужудга келади. Саҳнавий атмосфера режиссёрнинг олий мақсади ва актёрларнинг етакчи хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган воқеалар тизими орқали юзага чиқади.

Атмосфера атамаси ҳаракатчан тушунчадир. У ҳар бир воқеанинг берилган шарт-шароити ва унга бўлган муносабатларнинг ўзгаришидан мұхит келиб чиқади ва бу мұхит ҳам ўзгарувчандир. Чунки, инсонлар яшаёттан давр ва жойнинг хавоси- мұхити ҳам ўзгариб туради. Саҳнада тўғри топилган атмосера ва уни амалга ошириш учун топилган воситалар режиссёр ҳамда актёрлар ҳамкорлиги маҳсулидир.

Мизанссена — режиссуранинг асосий элементларидан бири бўлиб, у факатгина актёрлик санъатига мансубдир. Актёр яратаетган образи ички кечинмалар ҳам ташқи ифодалар жиҳатидан мукаммал бўлиши учун унинг гавдасида — вужудида воқеа мұхитининг юки бўлиши лозим. Мизанссена эса ”юкли“ актёрларнинг саҳнада бир-бирларига ва жиҳозларга нисбатан тўғри,

яъни мақсадга мувофиқ жойлашиши ҳамда жой алмаштиришларидир. Бу масала билан шуғулланадиган режиссёр актёрларни саҳнага сифдириш билан чегараланмасдан, ҳар бир ҳаракат маъносини томошабинга етказиб беришга интилиши лозим. Бунинг учун саҳнада ҳар бир воқеада ёки эпизодда асосий ҳисобланган персонажни томошабин эътиборига яқинроқ ва ёрқинроқ олиб бориш мақсадида мизансена куриши керак. Демак, режиссёр ҳар бир саҳна ва кўриниш асосини очиб берувчи, унинг мағзини ифодаловчи, персонажлар ҳаракатини ҳамда мақсадини ойдинлаштирувчи мизансеналар топиши зарур. Мизансеналар актёрларнинг мақсадига, характеристига, мақсадга мувофиқ курашига қараб — якка, гурухли ва оммавий турларга бўлинади.

Якка тартибдагиси — гавданинг пластик мизансенаси актёрларнинг образи мағзидан келиб чиқиб, унинг хулқ-авторини, одатларини, касби, характеристи, ёши, темпераменти, берилгаи шарт-шароит ва мақсадидан келиб чиқиб қиласидиган жисмоний хатти-харакатлари ҳамда ўзаро муносабатлари ифодасидир.

Груҳли мизансеналар диалогларда туғуладиган ўзаро муносабатларни ифодалайдиган харакатлар нисбатидир. Оммавий мизансеналар эса ҳалқ вакилларининг воқеага муносабатини ифодалайдиган саҳнавий жойлашишдир.

Мизансеналарнинг барча тури режиссёр режасига ва персонажлар курашига мувофиқ юзага чиқарилади. Демак, актёрларнинг саҳнавий бўшлиқда жойлашуви мақсадга мувофиқ ҳаракат бўлиб, ўз аҳамияти билан саҳнавий “тилга” айланиши лозим. Бу борада 1921 йили Станиславский томонидан саҳналаштирилган Гоголнинг “Ревизор” спектаклидаги финал саҳнасининг мизансенаси характеристидир. Унда шаҳар ҳокими ролини ижро эган Москвин сўнгги саҳнада худди томоша залига ўтмоқчи бўлгандек, саҳнанинг энг олдига келади. Бй вактда залнинг чироқлари ёқилиб, саҳнадаги барча хатти-харакат тўхтайди. Москвин — шаҳар ҳокими оёғини суфлёр будкаси устига қўйиб, бевосита томошабинларга — “Нега куласизлар? Ахир ўз устингиздан куляяпсизлар-ку”, — деб мурожаат этган ва яна орқасига, саҳнага қайтган. Томоша залидаги чироқ ўчиб саҳнадаги хатти-харакатлар яна давом этаверган. Мана шундай публисистик ва катта фалсафий мазмунга эга бўлган мизансеналар, ижодкор режиссёрнинг ғоявий-бадиий режасини амалга оширишда асосий ифода воситасига айланади.

Улуғ режиссёр Немирович-Данченко актёрлардан образнинг аниқ психофизик характеристини талаб қиласар экан, персанож ҳаётининг у ёки бу дақиқаларини ифодаловчи гавда мизансеналари ҳақида гапириб ўтган. У ҳар доим образнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи ва актёрнинг саҳнада тўғри яшашини таъминловчи — гавда мизансеналари устида изланишлар олиб борган. У саҳнада актёр ўзи хоҳлаган эфектли мизансенани ички асоссиз, мақсадсиз ифодаласа, бу ҳаракат спектакл бадиий қимматини тушириб юбориши мумкин дейди. Шунинг учун режиссёр томонидан таклиф этилган

у ёки бу гавда мизанссенаси, ёки гурухли, ҳатто оммавий мизанссеналар репетитсия давомида актёрларнинг руҳий ҳолатидан, воқеа муҳитидан келиб чиқсан бўлишига ҳамда асосланганлигига қараб саҳнага олиб чиқилади.

Ижодкор актёр, режиссёр томонидан айтилган ёки олдинги репетитсияда ўзи томонидан топилган мизанссеналардан воз кечиб, янгисини излаб топиши мумкин. Чунки актёрнииг гавда мизанссенаси — саҳна атмосферасига, жиҳозлар жойлашувига, партнёрга, воқеаларга узвий боғлиқ. Демак, актёрнинг гавда мизанссенаси образнинг психологик ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда саҳна атмосферасига боғланиши зарур. Масалан, агар актёр бирор корхона директори образини яратадиган бўлиб, саҳнадаги ўз директорлик хонасига кириб, уни кутиб ўтирган корхона хизматчилари билан бирор муаммони ҳал этиши учун мажлис ўтказиши, ёки мажлис тамом бўлгач, бир ўзи қолганда хонадаги буюмлар билан бўладиган муносабатлари, иккала ҳолатдаги мизансеналар бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Хуллас, гавда мизансенаси юқорида айтилган саҳнадаги персонаж фикринииг ҳаракатдаги ифодаси, режиссёр режаси ва актёрнинг юрак ҳислари хосиласидир.

Темпо-ритм. Темпо — италянчада “тезлик”, эҳтирос даражаси деган маънени англатади ва саҳнада маълум бир вақтда бажариладиган вазифалар “истмаси” миқдорини белгилайди. Ритм — грекча сўз бўлиб “бир текис”, “бир ўлчовда” маъносини англатади. Темпо-ритм — бу спектаклнинг маълум бир вақтда, маълум бир тезликда ўтишидир. Бу атама режиссурага музикадан кириб келган бўлиб, театр санъатида бир томоша вақтда актёрлар бажарадиган вазифалар меёридир. Агарда берилган вақт ичида бажарадиган вазифалар сони ортса ва кураш кескинлашса, бу темпнинг баландлигидан далолат беради. Аксинча, вазифалар сони камайса, бу темпнинг секинлигидир.

Спектаклдаги персонажларнинг ҳар бири ўз ритмига эга. Шунинг учун актёрлар спектаклнинг умумий темпо-ритмига бўйсуниши керак. Темпо-ритм режиссёр томонидан қатъий белгиланган бўлиши лозим.

Тўғри англанган темпо-ритм режиссёрнинг олий мақсадини рўёбга чиқаришга ёрдам беради ва спектаклнинг таъсир кучини ошириб, томошабин билан жонли мулоқот ўрнатиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Саҳнавий ҳақиқат — юқоридаги унсурларга амал қилинган муҳитда, актёрнинг ижодкорлик туйғуси тўғри ишлаган дамларда пайдо бўлади. Актёр билан ишлаш жараёнида режиссёрнинг энг муҳим вазифаларидан бири саҳнавий ҳақиқатга эришиш ҳисобланади. Станиславский системасининг асосий талабларидан бири саҳнада актёр ролига монанд муҳит яратиш ҳисобланади. Саҳнада ижодий муҳит яратмай туриб спектакл муваффақияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Профессионал театрнинг асосий талабларидан бири — актёрларни саҳнада жонли мулоқотда бўлишидир. Режиссёр учун эса ролни маънавий

ҳалокатдан, актёрликнинг миси чиққан қиликлари ҳукмидан, ташқи кўрсатиб бериш одатидан сақлаб қолиш, персонажларнинг руҳий ва жисмоний туйғуларни тўғри талқин қилиши заруратга айланади. Актёр спектакл олдидан жисмоний тайёргарлик билан бирга маънавий, психологик – “созланиш” кўникмасини шакллантирсагина саҳнада мўжиза яратиши мумкин. Актёрга мансуб бўлган бундай “созланиш” ижодий кайфият деб аталади. Бу ўз навбатида саҳнавий ҳақиқат яратишга асос бўлади.

Саҳнавий кайфият актёрнинг маънавий ва жисмоний табиатини бир нуқтага тўпланишидан иборат эканига тушундим, яъни ҳис этдим, деб ёзади Станиславский, — у фақат кўришни, эшитишнигина эмас, балки кишидаги беш сезгининг қувватини мақсадга мувофиқ жамлайди. Жамлланган диққат – фикрни ҳам, ақлни ҳам, иродани ҳам, туйғуни ҳам, хотирани ҳам, тасаввурни ҳам мақсадга жалб этади.

Актёрнинг маънавий ва жисмоний табиати тасвир эталаётган шахснинг калбида содир бўлаётган ҳисларни англашга интилиши керак. Менинг билишимча, артистнинг юраги ва тасаввурида сеҳрли “агарда” пайдо бўлгандагина бадиий ижод бошланади. Яъни артист реал ҳақиқатдан кўра, тасаввурда фараз қилинган, самимият ва иштиёқ билан бадиий тўқимага ишонган дақиқалар вужудга келиши билан ижод бошланади. Бу худди боланинг қўғирчоги тириклигига ишонган тасаввурига ўхшайди. Сеҳрли “агарда” ёрдамга келиши билан артистнинг ишончи ҳақиқий реал ҳаётдан тасаввuri яратган бадиий ҳаёт тарзига кўчади.

Тўқима, яъни бадиий ифодаланган ҳаётга ишонган артист ўтакетган ёлғонни ҳам театрдаги шартли ҳақиқатга айлантира олиши керак. Бунинг учун артистларга бадиий тасаввур, болаларча соддалик, ишонувчанлик ва зийраклик лозим. Унинг бу хусусиятлари саҳнавий шартлиликни, тасаввур этилган бадиий муносабатни саҳнавий ҳақиқатга айланишига ёрдам беради. Демак, режиссёрнинг биринчи вазифаси артистда ижодий ташаббусни уйғота билишdir. Бундай йўналишга ҳар бир ролнинг ғоявий интилиши мухтож бўлади. Актёр кўрсатилган йўналишдаги ижод жараёнида эркин бўлиши ва ҳеч қандай ҳукмронликни сезмаслиги лозим. Режиссёр ҳам ҳеч қачон актёрга зулум ўтказмаслиги, аксинча ундаги фидоийликни қўллаб қувватлаши зарур. Чунки, ижодий эркинлик саҳнавий кайфиятнинг туғилиши учун асосий шарт – шароит ҳисобланади. Актёрнинг тўғри созланган ижодий кайфияти, саҳнадаги ҳаракатида, беихтиёрий туйғусида, саҳнавий ҳақиқат яратишида жуда зарурдир. Лекин бундай эркни актёр ҳам тўғри тушуниши керак. Чунки, актёр томонидан бажарилган ҳар бир ҳаракат эркин руҳиятнинг ижод маҳсулидир. Демак, актёрнинг саҳнадаги ҳар бир мақсадли ҳаракати бир вақтнинг ўзида ҳам эркин, ҳам тўғри бўлиши талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар режиссёр талқин маҳорати ва техник воситалардан тўғри ҳамда унумли фойдаланса, актёрнинг ижодий кайфияти — саҳнада яратилаётган ҳаётни худди биринчи мартадагидек қабул

қилиб, баҳолаб, эркин ва тўғри хатти-ҳаракатлар билан мўжизалар яратишга қодир.

3.3. Режиссёрнинг драматик асар устида ишлаши

“Режиссура — бу спектакл яратиш санъатидир.”, — дейди Станиславский. Ҳар қандай санъатнинг вазифаси эса бадий образ яратишдир. Театр сахнасидаги бадийлик драматик асар асосида келиб чиқади. Режиссёрнинг песа устида ишлаши, уни бадий баркамол сахна асари даражасига етказа олиш қобилияти театр санъатида асосий омил ҳисобланади.

Спектакл яратиш жараёни — турли касб ва санъат вакиллари бўлган катта жамоанинг ҳамкорликдаги ижоди натижаси билан боғлиқ. Шунинг учун театр жамоасининг сиёсий ва бадий киёфасини улар ҳамкорликда яратган репертуар белгилайди, деган ҳикмат бежиз эмас.

Театрларнинг репертуарларида мумтоз асарлар даставвал ижодий жамоани бадий тарбиялашга хизмат қиласи. Бунинг учун жамоа ўз репертуарлари асосига ҳар йили битта мумтоз асарни, профессионал театрларда сахналаштирилган ва синовлардан ўтган песаларни олишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жараёнда ижодкорлар жамоаси ва режиссёр ўғирланган шаклга, ҳунармандликка, тақлидчиликка йўл қўймаслиги керак.

Репертуар танлашда асосан қуйидаги принциплар талаб қилинади – бадий сифати юксак, ғоявийлиги намунали, мавзуси долзарб, ҳаётий воқеалар тўғри ифодаланган, шунингдек, қарама-қаршиликларнинг кескинлиги, образларнинг типиклиги, характерларнинг пишиқлиги ва замон талабларига жавоб бера оладиган мавзу ва ғоянинг уйғунлиги сахна асарида ёрқин ифодаланган бўлиши зарур. Ундан ташқари ижобий қаҳрамонларнинг тасвирланиш маҳорати ҳамда салбий персонажларнинг эсда қоладиган тубанлиги ҳисобга олинади.

Қаҳрамонлар характерининг мукаммаллиги, улар фикрларининг тийраклиги, кўтариб чиқилган муаммоларнинг ўз даври талабларига ҳамоҳанглиги спектакл муваффақиятини белгилайди. Буюк театр назариётчилари ва танқидчилари, аввало, драматургиянинг бадий шаклига, сахнавий имкониятларига, унинг томошабин олдидаги тарбиявий қудратига алоҳида эътибор берганлар.

Сахна асарининг асосида — ҳаётий ҳақиқат ва унинг бадий ифодаси бўлмас экан, шунингдек, ҳаёт қонунларига, инсон заковатининг интилишларига бўйсунмас экан бундай песа ижодий жамоани хафсаласизликка олиб келади. Шунинг учун улуғ драматургларнинг жаҳон сахнасидан тушмай келаётган асарлари илғор театрлар репетуаридан жой олиб, режиссёрларнинг ҳаётий ҳақиқат принципларига ижодий ва бадий ёндашишига асос бўлиб келмоқда.

Спектакл яратишида режиссёр ижодини тўлқинлантирувчи, сахнавий режани барпо этувчи, аниқ ва ёрқин сахналаштириш тизимини вужудга

келишига сабабчи — песадир. “Режиссёр режасининг асоси песадаги мазмун ва ғоядир”, — деб ёзди улкан режиссёр, педагог ва олим А.Д.Попов. Режиссёрнинг олий мақсади эса спектаклнинг барча қисмлари мукаммаллигига эришиш ва мантиқий ечимга интилишdir. Гап шундаки, драматик асар тасвирлаши керак бўлган обект — ҳаётдир, яъни жонли, хатти-ҳаракатли, қарама-қаршиликка эга бўлган инсонлар ва жамият ҳаётидир. Ҳар қандай ҳаётий воқеа ҳам драматик асарга материал бўла олмайди. Лекин шундай ҳаётий воқеалар борки, улар драматик санъатга асос бўлади ва ёрқин шаклда намоён бўлади. В.Г.Белинский айтганидек — “бадиий асарнинг асоси — воқеа, драманики эса инсондир. Бадиий асарнинг қаҳрамони — ҳодиса, драманики эса — инсон шахсидир”.

Бундан холоса шуки, драматик асарга — ички ҳиссий характер кувватига эга бўлган, хатти-ҳаракатга бой кишилар орасидаги кескин муносабатлар асос бўлиши мумкин.

“Хатти-ҳаракат — инсон характерини энг аниқ ва ёрқин тасвирловчи, унинг ақлий қобилиятини ва мақсадини қўрсата олувчи асосдир. Инсоннинг фели қандай эканлигини, унинг юрагини чукур жойларида нималар борлигини фақат хатти-ҳаракат билан қўрсата олиш мумкин”, — деган эди буюк Гегель.

Лекин хатти-ҳаракат фақат шундагина мақсадга мувофиқ бўла оладики, агар у биронта тўсиқни босиб ўтса, бирор ҳаракатга қапши хатти-ҳаракат қила олса. Шунинг учун драмада ёрқин қарама-қаршиликлар намоён бўлади. Шундай қилиб, қарама-қарши ҳаракатлар драманииг асоси экан, лекин у ҳақиқатнинг чексиз сабаб ва оқибатларини вақт чегараларида ифодалай олмайди. Шунинг учун драмадаги хатти-ҳаракат — беҳисоб алоқаларнинг сабабчиси, унинг ривожланиши ва қарама-қапшиликни ҳал қилишга имкон бериши, асар ғоясини очадиган воқеалар тизимини танлаб олишга ундейди.

Бундан ташқари драма ўзининг хусусиятларидан келиб чиқадиган ғоявий-мазмунийликни, ҳаётий воқейликни, воқеаларнинг мантиқий ривожланишини, композитсиянинг мукаммаллигини ва бошқа элементларни ўз ичига олади. Драматик асар мавзусининг долзарблиги режиссёрнинг иш бошлашига бошлангач туртки бўлади. Мавзу — тасаввур ва тафаккуримизга аниқлик киритиб, уни чегаралаб, йўналиш бериб турса, унинг долзарблиги бугун томошабинга айтилиши зарур бўлган ғояни очилишига хизмат қилади.

Долзарб мавзули, юксак ғояли асарда агар ҳаракетлар ҳам типик бўлса, бундай пеша актёрлар маҳоратини юксалишга хизмат қилади. “Ҳаракетларни ва ҳаётни бадиий тасвирловчи драматик асар, ўртacha актёрни тушунишга ва ўйнашга ўргатибгина қолмай, ҳаётни ва ҳақиқатни ҳам ўргатади”, — дейди В.Г.Белинский.

Песанинг қиммати мавзусининг долзарлиги ва ғоявий таъсирчанлиги билангина ўлчанмай, драматург томонидан ўз қаҳрамонларининг типик

характерларини очиши ва ҳақиқатни кўрсата олиши билан ҳам белгиланади. Песа устида иш олиб борган режиссёр, драматурнинг ижодий услубини, песанинг тузилишини, жанрини, хатти-харакатдаги қаҳрамонларнинг характеристири шундай назаридан ўрганишда, унинг бадиий хусусиятларини томошабинга қандай етказиш воситаларини ҳам аниқлаш керак. Песанинг бадиий қимматини эса унинг ички маъноси бўлган мазмуни, яъни ғоявий-тематик негизи белгилайди. Чунки режиссёр ва актёрга ижодий илҳомини ўзотувчи ҳамда томошабин калбини титратувчи нарса песанинг ғояси ва мазмунидир.

Драматик асарнинг мазмунини белгиловчи ғоявий-тематик негиз — муаллиф томонидан тасвирланган ҳаёт воқеалари, песада иштирок этган персонажларнинг хатти-харакатлари, кечинмалари ва характеристида мужассамлашади. Шундай қилиб асарда ривожлантирилган, мавзу сюжетини ташкил этган воқеаларнинг марказида инсонлар туради ва уларнинг образи маълум турмуш шароитлари фонида тасвирланади. Персонажларнинг тили, харакатларига хос нутқи, асарда ифодаланган муҳит саҳнада харакатланаётган актёргарнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ишланади. Актёrlар ҳам худди режиссёр каби драматик асар мазмунини, воқеалар тизимини, персонажлари характеристирини, асар композитсиясини ва персонажлар мақсадини яхши билиши лозим. Шундагина асардаги ҳаётий воқеалар, композитсия, сюжет ва персонажлар тили бутун тўлалиги ҳамда ранг-баранглиги билан намоён бўлади. Чунки асарнинг шакли, унинг мазмуни билан чамбарчас боғланган бўлади. Мазмун асар шаклини белгилайди. Асарнинг мазмуни фақат маълум шаклдагина ўз бадиий ифодасини топади. Демак, мазмунсиз — шакл, шаклсиз — мазмун бўлмайди.

Муаллиф драматик асар шакли компонентларини қанчалик эркин эгалласа, у турмушни қанчалик мукаммал тасвирласа, ўз асарининг ғоявий-тсматик асосини чукур ва аниқ очиб бера олади ҳамда мазмун ва шакл бирлигига эришади. Бу эса бадиийликнинг зарур шартидир.

Бадиий шакл — драматик асар мазмунини тартибли гавдалантириш усулидир. Шаклнинг асосий элементларига — композитсия, сюжет, жанр, образлар киради. Асар шаклнинг тузилиши, қисмларнинг жойланиши, воқеалар ривожининг тартибини англаради. Композитсия бадиий воситалардан бири бўлиб, у кишилар ва ҳаёт ҳодисаларини муаллифнинг ғоявий ниятига мувофиқ талқин этишга ҳизмат қиласади. Яъни песанинг бадиий тузилиши, шакли унинг композитсион курилиши дейилади.

Агар пеша ўзига хос ва фақат унга тааллукли бўлган тузилишга эга бўлса ҳам саҳна талабларига оид бадиийлик қонунларига бўйсунади. Қарама-қаршиликларга сабаб бўлган ва хатти-харакат қилишга олиб келган шарт-шароитлар, ўзаро муносабатни вужудга келишига сабабчи бўлган воқеа

песанинг экспозитсияси дейилади. Экспозитсия асардаги ўрнига қараб турлича бўлади. Улар тўғри, кечикирилган ёки тескари экспозиялардир.

Тўғри экспозитсия — асарда воқеаларнинг бошланишидан олдин келади. Масалан Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи шундай бошланади.

Кечикирилган экспозитсия — воқеа тугунидан сўнг қаҳрамонлар ҳақида берилган маълумот бўлиб, Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар”, “Ревизор” каби асарларида ана шундай хол кузатилади. Тескари экспозитсия — асарнинг охирида қаҳрамон ҳақида берилган маълумотdir.

Асарнинг асосий қарама-қапшилиги бошланишига асос бўлган воқеага тугун дейилади. Тугун — драматик асарда асосий воқеанинг бошланиши бўлиб, барча воқеалар мана шу тугундан кейин ривожланади. Масалан, Ҳамзанинг “Бой ила ҳизматчи” драмасининг тугуни Ғофирнинг Жамилага уйланиши сабабли қарздор бўлиши, Жамилани Солиҳбой яхши кўриб қолишида жойлашган. Тугундан кейин хатти-ҳаракат олдинга қараб силжийди, интилади, тезлашади, ҳар хил бурилишлар, сакрашлар вужудга келади, хатти-ҳаракат қилувчи шахслар ўртасидаги кураш кучайиб ҳал қилувчи тўқнашувга бориб етади. Нихоят, воқеа ва қарама-қапшиликлар кураши авж чўққисига кўтарилади ва бу нуқта песанинг кулминатсияси дейилади.

Кулминатсия — лотинча “чўққи” деган сўздан олинган бўлиб, драматик асардаги воқеалар ривожининг авж олган, хатти-ҳаракат ва курашнинг энг кескинлашган нуқтасини англатади. Масалан, В.Шекспирнинг “Отелло” фожиасидаги Отелло томонидан рўмолчанинг талаб килиниш саҳнаси асарнинг кулминатсиясидир. Кулминатсия курашнинг натижасини бслгилайди. Бу эса қаҳрамонларнинг такдири қандай ҳал бўлганлиги, яъни ечимга олиб келади. Ечим — асарда тасвиirlанган воқеаларнинг кескин ривожланиши натижасида юзага келган қаҳрамонлар ҳолати, улар курашининг хотимаси, воқеа тугунининг ечилишидир. Масалан, Гоголнинг “Ревизор”идаги ҳақиқий ревизорнинг келиши тўғрисидаги саҳнада, Хлестаковнинг ревизор эмаслиги, шаҳар ҳокими ва амалдорларнинг алданганини фош бўлиши асарнинг ечимиidir. Шу тариқа ҳокимнинг пораҳўрлиги, талончилиги очиб ташланади. Песанинг композитсиясини тўғри аниқлаш, режиссёрга песанинг асосини, қарама — қаршилигини, темаси ва етакчи хатти-ҳаракатларини аниқлашда катта ёрдам беради. Агар мазмунини ғоявийлик четлаб ўтиб, фақат шаклга эттибор берилса, томоша кераксиз бўлиб қолади. Шунинг учун бадиий шакл — асарнинг ташқи ифодаси, мазмун ички моҳияти бўлганлиги боис, мазмун ва шакл бир-бирини тўлдириши ҳамда бир-бирига мос бўлиши зарур.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асарнинг заминида муалифнинг ғоявий режаси ётади. Режиссёр муаллифнинг асосий фикри, яъни нима учун бу асарни ёзилганлигига қараб унинг ғоясини аниқлайди.

Песанинг персонажларига хатти-ҳаракатдаги шахслар — типлар дейилади. Песанинг мавзуини аниқлашда персонажларнинг хатти-ҳаракатидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир песада муаллиф — қарама-қарши кучларнинг ўзаро тўқнашувларидағи курашини, бу кураш ҳар хил мақсаддаги одамлар, синфлар, ижтимоий гурухларнинг ўз ғояларини, ўз нуқтаи-назарларини, дунёқарашларини персонажларнинг мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатлар орқали ифодалайди. Қарама-қаршиликларга асосланган асар қаҳрамонларининг ҳаёти янгиликлар, илғор тушунчаларни химоя этиб, зулмга қарши курашда ўтади.

Хуллас мавзу ёки тема асли, юонча сўз бўлиб, муаллиф танлаган ва тасвирланган ҳаёт воқеалари, асарда қўйилган муҳим масалалар, ёритилган муаммолар мажмуасидан иборат.

Асар темасини унинг ғоясидан, худди шакл ва мазмундагидек бир биридан ажратиб бўлмайди. Чунки муаллиф тасвирлаётган нарса тема бўлса, ғоя унинг шу нарсага муносабати, берган баҳоси, қўйилган муҳим масаланинг ҳал этилиши, ёритилишидир. Шу маънода тема муаллифнинг дарди — асарда қўйган ва маълум ҳаёт материали асосида ёритилган муаммодир. М.Горкий таъбири билан айтганда эса “тема — муаллифга турмуш томонидан берилган ғоядир”. Бошқа бир олим таъбири билан айтганда эса, “тема — бу муаллиф томонидаи асар учун танланган асосий ҳаётий ва қўп қиррали мазмуннинг тўлиқ ғоявий-емотсионал бирлиқда тасвирлашни ташкил қилишдир”.

Хуллас темани аниқлаш режиссёр учун асосий муаммо бўлиб, у песада воқеалар оқими орқали очилади. Агар песада бир нечта темалар бўлса, у вақтда асарнинг асосий қарама-қаршиликка олиб борувчи бош мавзуни ҳам топиш зарур. Бундай ҳолларда, песанинг асосий темаси — асарнинг ғоясини ташкил этувчи, ҳақиқий реал ҳаётий қапама-қапшиликларни тўлдирувчи ва ҳал қилувчи муаммодир. Демак, саҳнавий хатти-ҳаракатнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига сабабчи бўладиган куч қарама-қаршилик бўлиб, асар мавзусини ёритиб беришга ҳизмат қиласи. Шунинг учун театр санъатида саҳна асарининг ғоявий-бадиий баркамол гавдаланиши учун драматург ғоясини аниқлаб олиш, қарама-қаршиликларни, конфликтни умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Конфликт — лотинча “ихтилоф”, “тўқнашиш” тушунчаси бўлиб, бадиий асарда тасвирланган воқеа иштирокчилари ўртасидаги курашни, зиддиятни, келишмовчиликни, ихтилофни англатади. Конфликт ўз моҳиятига қараб турли характерда бўлиши мумкни. Уни аввало гуманистик — инсонпарварлик моҳиятидаги конфликт ва антогонистик — келишиб бўлмайдиган шакдаги конфликтга ажратиш мумкин. Масалан, “Бой ила ҳизматчи” драмасида дастлаб Солиҳбой билан Ғофир ўртасида Жамила учун кураш — оиласиий конфликт, ўзбекларнинг бойлар ва амалдорлар ноҳақлигига қаратилган норозилиги кескинлашидан иборат ўткир

сотсиал-ижтимоий конфликтга, антогонистик ихтилофга айланади. Саҳнада янгилик билан эскилик ўртасидаги онг ва майший ҳаётдаги ўтмиш сарқитлариға қарши кураш томошага айланади. XX асрнинг охирларида айрим ёзувчилар ва танқидчилар орасида тарқалган “конфликтсизлик” назарияси ҳаётни бузиб кўрсатувчи, санъатнинг ривожига зарап келтирувчи сохта назария сифатида каралганди. Қарама-қаршиликларсиз, курашсиз ҳаётни хақоний акс эттирувчи саҳнавий асар бўлиши мумкин эмас. Хусусан конфликтсиз драматик асар бўлмайди. Чунки, қарама-қапшилик драматик асарнинг негизини ташкил этади.

Песанинг кескин қарама-қапшиликлариға асосланган асосий темасини аниқлаш персонажларнинг характерини ва режиссёрга асарнинг етакчи хатти-харакатини аниқлашга ёрдам беради.

Етакчи хатти-харакат — бу аниқ, мақсадга мувофиқ интилиш бўлиб, песадаги курашларни бошқарувчи тушунчадир. Ана шу мақсадда пеша персонажларининг хатти-харакати қаёқдан-қаёққа қараб йўналишини топиш учун уларнинг песадаги воқеада жойлашиш тартибини аниқлаш зарур. Қанчалик келишмовчилик чукур, кураш кескин бўлса, ривожланиш шунчалик тез ва курашаётган кучлар аниқ кўринади. Демак, конфликт воқеаларга ўсиш ва ривожланиш бағишлийди. Бир хатти-харакатнинг қарама-қапши хатти-харакат билан тўқнашуви пеша қаҳрамонларининг ўзаро муносабати орқали бир воқеадан иккинчи воқеани келтириб чиқади. Бу кураш бир ва бир неча хатти-харакат қилувчи шахсларнинг аниқ мақсад учун бўлган интилишларини аниқлайди ҳамда персонажларнинг хулқ-атворларини юзага чиқаради. Мана шундан курашнинг “хатти-харакатлар чизиги” — етакчи хатти-харакат келиб чиқади. У бутун пеша давомида аниқ максад сари мувофиқ бораётган хатти-харакатдаги шахслар курашининг “ҳа” ёки “йўқ” томонларини аниқлайди. Шунинг учун ғояни кўтариб чиқувчи ва мавзуни тасвирловчи хатти-харакат чизигига песанинг етакчи хатти-харакати дейилади.

Асосий хатти-харакат чизигини аниқлаш, ҳар бир воқеани, ҳар бир қаҳрамоннинг хулқ-атворини тушунишга ва очиб ташлашга имкон яратади. Бу йўл режиссёр ва ижрочини тўғри харакатланиб спектаклнинг ғоясини томошабинга етказишида муҳим омил бўлади. Станиславский таъбири билан айтганда “етакчи хатти-харакат” бўлмаганда эди, песанинг мақсади ва барча бўлаклари, барча берилган шарт-шароити, муносабат, мослашма, ишонч, ҳақиқат дақиқалари ва бошқа томонлари ҳар томонга тарқаб кетган бўларди. Етакчи хатти-харакат чизиги худди маржон ипи каби тизилган барча хатти-харакатларни бир жойга йиғиб, умумий ижод мақсадини амалга ошириш учун қаратилади. Ҳар қандай мақсадли, хатти-харакат, агар унга қарши бўлган хатти-харакатга учрамаса, ўз жозибасини, курашчанлигини ва ҳаётийлигини йўқотади. Шунинг учун олий мақсадни амалга оширишда керак бўладиган хатти-харакатлар чизиги ёки етакчи хатти-харакати

аниқланар экан, унга қарши узлуксиз курашувчан хатти-ҳаракатни ҳам топиш лозим. Қарама-қарши ҳаракатсиз драматик асар “конфликтсизлик” касалига дучор бўлади. Бу эса театр санъати учун фожиадир.

Демак, олий мақсадни амалга ошириш учун хатти-ҳаракат қилувчи шахсларнинг ҳамда спектаклнинг етакчи хатти-ҳаракатини аниқлаш ўта аҳамиятли, уларга қапши курашга тайёр турган қарама-қапши хатти-ҳаракатлар эса зарур ва улар режиссёр томонидан аниқланиши керак.

Песа ғояси мухим бўлган воқеага нисбатан драматургнинг ечимли муносабати бўлиб, режиссёр бу масала ечимини тушунган ҳолда, аниқ ҳаётий ҳақиқатга таяниб спектакл ғоясини аниқлаб олиши лозим. Илм аҳли таъбири билан айғандан “ғоя — бу драматик асарнинг асоси бўлиб ҳаёт ҳодисаларининг туб негизи очилишидир ва у Чернишевский фикрича — ҳаётий ҳақиқатга чиқарилган ҳукмдир”. Фоя — ҳаёт воқеалари ҳақидаги кишиларнинг тасаввури ва ўша воқеаларга муносабатини ифодалаган тафаккур натижасидир. Шунинг учун ғоя жамиятдаги синфларнинг манфаати ва қарашлари билан боғланади, уни акс эттиради. Драматик асарнинг ғояси унда тасвирланган мухим воқеалар оқими тўғрисидаги етакчи фикрdir. Асарнинг ғоясида воқеалар оқими, персонажлар характеристи ва уларнинг хатти-ҳаракатлари мужассамлашади.

Муаллиф кишилар ва уларнинг турмушига қандай муносабатда бўлса, уларни шундай тасвирлайди, режиссёр ҳам томошибинларда тасвирланган кишилар ва воқеаларга нисбатан ана шундай муносабат туғдиришга интилади. Бундай интилишлар ва тасвирланган кишиларга муносабатда, муаллифга мансуб бўлган жамиятнинг манфаати ва қарашлари ўз ифодасини топади.

Турмушни ҳаётий ва мақсадли акс эттирувчи мукаммал бадиий асар учун ғоянинг ўзи етарли бўлмайди. Асосий ғоя билан у ёки бу даражада боғланган бир қатор фикр ҳам ёрдамчи восита сифатида мавжуд бўлади. Улар ҳам ёрдамчи образлар ҳаракатида ифодаланади ва тасвирланган ҳаётнинг турли томонларига муаллиф ўз муносабатини билдиради. Улар ҳаракати ёрдамида спектаклнинг бадиий-естетик таъсирчанлиги ошади.

Песадаги ҳамма хатти-ҳаракат муайян воқеалар оқими туфайли вужудга келади. Воқеалар оқими персонажларнинг фаол хатти-ҳаракатни кўзғатувчи омилдир. Песа катта ҳажмли ва кўп воқеали бўлиши мумкин. Шулардан энг асосийини ўз режасини амалга ошириш учун танлаб олиш режиссёрнинг масъулиятли ижодий ишига киради. Воқеалар ривожи хатти-ҳаракат йўналишини ўзгартириб, қаҳрамонларни янги берилган шартшароитларга олиб қиради. Шунинг учун асосий диққат асарнинг воқеалар оқимига қаратилиши лозим. Демак воқеа — спектаклдаги хатти-ҳаракатларнинг таянчидир.

“Воқеа ва фактга баҳо бериш усулининг сири шундаки: бу баҳо инсонларни тўқнашувга мажбур қилади; тўқнашув уларни курашга, енгиш

ёки енгилишига сабаб бўлиб, бу сабаб уларнинг истакларини, мақсадларини, ўзаро муносабатларини очиб ташлади; песадаги биз қидираётган ички ҳаракат шароитини аниқлайди. Песа воқеаларини ва фактларини фарқлаш нима учун заруратга айланади? Бу улардаги ички фикрни, руҳий моҳиятини, уларнинг томошабинга таъсир қилиш кучини топишдир ҳамда ташқи факт ва воқеалар оқимини чуқурроқ ўрганишдан иборатdir, — дейди Станиславский. Хуллас, инсонларнинг ўзаро муносабатини аниқлайдиган ички изчилликни топиш, фактларни баҳолаш — ролдаги инсон руҳий кечинмалари сирларини очишга калитdir”. Шунинг учун ҳам режиссёр песадаги асосий воқеа ва воқеалар занжирини аниқлаши муҳим аҳамиятга эга.

Песадаги биринчи воқеани аниқлаш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Биринчи воқеанинг муҳимлиги песанинг тугуни билан боғлиқ. Песа қаҳрамонлари парда очилишидан аввал бўлғуси драматик конфликтнинг асосини ташкил этувчи қандайдир ҳаёт йўлини босиб ўтган бўлиши мумкин.

Песани саҳналаштиришда унинг марказий воқеасини аниқлаш ҳам қимматли аҳамиятга эга, чунки у хатти-ҳаракат ривожланишида бош омилдир. Масалан, А.П.Чеховнинг “Ваня тоға” пеасида марказий воқеа Войнитскийнинг Серебрековга ўқ узганлигидир. Баъзи вақтда песадаги асосий воқеа кўзга ташланмайди. Марказий воқеани аниқлаш бўлғуси спектаклнинг ғоявий муваффақиятини таъминлайди. Масалан, Б.Шекспирнинг “Ромео ва Жулетта” фожиасидаги марказий воқеани Жулетта ўлмаганлиги, балки Лоренсио дориси билан ухлаётганлиги тўғрисидаги хабарни олиб келаётган чопарнинг кечикиши деб олиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам бу воқеа муҳим. Чунки, агар чопар кечикмаганда фожиа қаҳрамонлари тирик қолишлари мумкин эди. Лекин, чопарнинг кечикиши зарурият ҳисобланади. Ғоявий аҳамият нуқтаи назаридан қаралса, хатти-ҳаракатни уйғотувчи бош воқеа Тибалднинг ўлимидир. Мана шу воқеада фожиа қаҳрамонларининг ўзаро муносабати ва уларнинг қарама-қапшилиги жойлаштирилган. Шу воқеа Ромеонинг қувилишига ва Жулетта билан ажралишига сабабчидир. Шу воқеа қонли курашни ва драматик конфликтни янада кескинлаштиради.

Асардаги марказий воқеани аниқлаш учун асарни ўқиб чиққандан кейин, қандай воқеа бўлмагандан асардаги навбатдаги воқеалар келиб чиқмас эди, деган саволга жавоб бериш керак. Яъни қандай воқеа рўй бермаганида асардаги персонажлар ҳаёти ўша воқеагача бўлгандек давом этаверар эди? Керакли нарса юзага келгандан кейин, илгариғи ҳаёт йўналишини ўзгартириб, у ердаги кишиларнинг кундалик ҳаёт тарзларини бошқа томонга буриб юборади ва улар орасида қарама-қаршиликни вужудга келтиради. Демак, асардаги асосий қарама-қаршиликни уйғотиб уни кураш майдонига олиб чиқувчи воқеага асарнинг асосий воқеаси дейилади. Масалан, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” асарида Солиҳбойнинг тўйдан кейин

Гоғирнинг хотини Жамиланинг юзини кўриши асарнинг асосий воқеасини ташкил этади ва асардаги қарама-қаршиликни келтириб чиқаради. Шу асардаги бош воқеа ёки биринчи воқеа бу Гоғирнинг Жамилагага уйланишидир. Песалар бир-биридан воқеасининг кучлилиги билан фарқ қиласиди. Воқеа бу драматик асарнинг ғилдираги — юраги ҳисобланади ва унинг кучлилиги ҳар бир ролнинг образини бадиий қимматини белгилайди.

Театр санъати ўзига хос кўп хусусиятларга эга. Ана шулардан бири — песадаги персонажлар хатти-ҳаракатини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам песадаги персонажлар “хатти-ҳаракат қилувчи шахслар” дейилади. Ҳар қандай песада қарама-қарши курашаётган персонажларнинг тўқнашуви рўй беради. Бу тўқнашувларда улар ўз нуқтаи назарини, ўз мақсадини ёқлаб, мақсадига мувофиқ йўналтирилган хатти-ҳаракатга интилади.

Песадаги қарама-қапшиликларни аниқлашда, асарнинг ташқи тўқнашувларидан келиб чиқмасдан, балки хатти-ҳаракат қилувчи шахсларнинг ички, руҳий тўқнашувларидан келиб чиқиш лозим. Чунки, ўша ички тўқнашувлар песанинг асосий хатти-ҳаракатлар тизимини ташкил этади. Хатти-ҳаракат ривожланиб, қаҳрамонлар характерини очади ва бу муаллиф илгари сурган асосий фикрни тасдиқлашга олиб келади. Песадаги асосий қарама-қаршиликни аникроқ топиш учун хатти-ҳаракат қилувчи шахсларнинг нимага интилаётганини, улар ўзаро қандай гурӯхларга ажralганлигини, улар орасидаги тўқнашув нима сабабдан келиб чиққанини ва бу курашнинг оқибати нима билан тугашини кузатиш лозим.

Шундай қилиб, песадаги мавзу, асосий ғоя ва қарама-қапшилик аниқ топилса курашувчи кучларнинг ўзаро муносабати, улар тўқнашувининг маъносидан келиб чиқиб, барча қаҳрамонлар характерини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Бош воқеани, асосий воқеани, воқеалар тизмасини, етакчи хатти-ҳаракатни ва иккинчи даражали воқеаларни аниқлаш, режиссёрнинг пеша устидаги мустақил ишининг таркибий бир бўлаги ҳисобланади. Воқеалар оқими ўзининг диалектик ривожланувчи кучи билан песанинг сюжет йўналишини синдириши, хатти-ҳаракат қилувчи шахслар тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин.

Одатда ҳар бир воқеа бирорта хатти-ҳаракат қилувчи шахснинг хоҳишига тўғри келиб қолиши, бошқасига тўғри келмаслиги мумкин. Биттаси бу воқеадан ўзига яраша хulosи чиқариши мумкин, иккинчиси эса аксинча. Мана шу келишмовчиликлардан драматик қарама-қапшилик пайдо бўлади. Ҳар бир воқеа тўқнашув билан бошланади ва шу тўқнашувнинг ечими билан тамом бўлади. Булар песадаги қўринишлар тарзида ўз тизимига эга бўлади. Станиславскийнинг фикрича, пеша — воқеа ва интилишларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлган мантиқий занжирдир. Шунинг учун песадаги воқеалар занжирини аниқлаб, сўнгра персонажларнинг етакчи хатти-ҳаракатини аниқлаш зарур. Топилган ва танлаб олинган асарнинг

биринчи ва иккинчи даражали воқеалари, уларнинг мантикий узвийлиги қанчалик тўғри аниқланса, песанинг фояси шунчалик ёрқинроқ кўринади.

Песадаги қайси воқеани асосий, қайси бирини иккинчи даражали қилиб олиш бу режиссёр режасига, топилмасига, талқинига боғлиқ. Талқиннинг мантикийлиги бўлиши учун режиссёр асарнинг персонажлари етакчи хатти-ҳаракатини аниқ билиши лозим. Етакчи хатти-ҳаракат режиссёрга песадаги ҳар бир воқеани аниқроқ номланишига ёрдам беради ва фоя тантанасига олиб келадиган хатти-ҳаракатни белгилайди. Шундай қилиб, воқеа ва ҳодисалар тизмаси етакчи хатти-ҳаракатга қўшилган ҳолда песанинг бадиий яхлитлигини барпо қиласди. Кўринадики, воқеаларнинг тўғри аниқланиши ва номланишида бўлғуси спектакл ечими — режиссёр талқини ётади. Аниқ топилган ва тўғри номланган воқеалар оқими ҳамма вақт спектаклнинг умумий режасини яратишга асос бўлади. Демак, песанинг бош воқеаси етакчи хатти-ҳаракатнинг асосий қўзғатувчисидир. Режиссёр таҳлилда асосий бурилиш дақиқаларини пайдо қилувчи, тасвирланган ҳаёт оқимини ўзгартирувчи, асар қаҳрамонларини янги шарт-шароитларга олиб киравчи перипетияларни аниқ белгилаши ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу билан бирга режиссёр иккинчи даражали воқеаларни ҳам аниқлаб, уларни песанинг етакчи ҳаракати ривожидаги моҳиятини англаб олиши зарур.

Танланган песани биринчи бор ўқиб чиқканда маълум таассурот пайдо бўлади. Бу таассурот фабула, яъни воқеалар оқими ҳақидаги маълумот бўлиб, асарнинг эсда қоладиган ва томошага айланадиган шаклидир. Лекин драматик материалга чуқурроқ кириш ва унинг мазмунини ўрганиш учун уни қайта-қайта ўқиб чиқиш лозим. Песани қайта ўқишдан мақсад уни таҳлил килиш ва бўлғуси спектаклни кўз олдига келтиришдир. Песада тасвирланган мавзу ва фояни тушуниш ҳамда билиш учун қуидаги усулни синаб кўришни Станиславский тавсия қиласди: воқеалар тартибига таяниб, драматик асарнинг мазмунини қайта сўзлаб кўринг; қайта ўқиб чиқинг, навбатдаги ҳикоянгизда рўй берган воқеа моҳиятига, ҳарактерларга чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилинг; оғзаки ҳикоя жараёнида воқеалар кетма-кетлигини ва курашлар силсиласи аён бўлиб, уларга асосланиб хатти-ҳаракат қилувчи шахслар мақсадлари ҳам ойдинлашади. Бундан эса пеша сюжети ва персонажларнинг ўзапо муносабати аниқланади.

Сюжет франсузча сўз бўлиб “асос” (предмет) деган маънони англатади. Драматик асарнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар баёни, асарда иштирок этувчи кишиларнинг ўзаро муносабати, бир-бирига ўзаро таъсири, персонажлар ҳарактерининг юкланишини жамлаган изоҳ — сюжетдир. Сюжетда персонажларнинг ҳаёти учун энг муҳим бўлган тўқнашувлар, қарама-қапшиликлар ва кишиларнинг муносабати акс этади. М.Горкий — сюжет алоқалар, қарама-қаршиликлар, антипатиялар, умуман кишиларнинг ўзаро муносабати, у ёки бу ҳаракатнинг ташкил топиши ва ўсиш тарихидир,

деб айтган эди. Драматургияда сюжет воқеалар оқимини изохлашда ёрдамчи воситага айланади. Драматург томонидан томошабин онгиға етказилмоқчи бўлган асосий фикрни аниқлаш учун, биринчи навбатда воқеалар тизимида намоён бўладиган ғояни — асар нима учун ёзилганлигини аниқлаш зарур.

Песанинг таҳлили: маълум даврда содир бўлган воқеалар йўналишини ва ривожини аниқлашдан; персонажлар хулқ-авторини, характеристини, ўзаро муносабатларини ўрганишдан; ким билан ким курашяпти, нима учун курашяпти, деган саволларга жавоб ахтаришдан бошланади. Бу ҳақиқатни ўрганиш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Давр тўғрисидаги маълумотни ҳар хил ҳужжатлардан, илмий тадқиқот, бадиий асарлардан, рассомлар ижодидан, кинофильмлар ва спектакллар кўриб ўрганиш мумкин.

Классик драматургия устида ишлаш жараёнида муаллиф фикрини тушуниш учун биринчи навбатда у яшаган давр ва унинг биографиясини ўрганиш лозим. Шу билан бир қаторда айнан драматург ёки драматургия соҳасида илмий тадқиқотлар яратган жаҳон файласуфлари ва миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган олимлар асарларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, режиссура шунчаки баён санъати эмас, балки муайян ғоявий теран фикрни олға суро оловчи, томошабинларнинг қалбida ва онгига муайян маънавий ўзгаришлар ясай оловчи фалсафий-бадиий теран тафаккур туридир.

Песанинг бадиий хусусиятларини ўрганиш жараёнида, унинг услугуб ва жанрини аниқлаш билан бирга, унинг структураси, яъни, композитсион тузилишини ҳам ўрганиш зарур. Ҳар бир пеша драматургия қонунлари бўйича тузилади ва ўзига хос бадиий шаклга эга бўлади.

Режиссёрнинг навбатдаги иши асардаги образларга характеристика беришdir, яъни персонажлар характеристини аниқлашdir. “Агар аниқ топилган характеристлар бор бўлса, улар тўқнашуви заруриятdir”, деган эди М.Горкий. Ҳар бир режиссёр ўз спектакли қатнашувчилари билан учрашишдан олдин пешадаги хатти-харакат килувчи шахсларнинг ўзаро муносабатларини ва характеристини чуқур ўрганиши лозим. Режиссёр персонажларнинг хулқ-авторини, уринишларини, воқеалар оқимини ва интилишларини ўрганади, образларнинг етакчи хатти-харакати ва олий мақсадини аниқлайди.

Ҳар бир ролнинг етакчи хатти-харакатини аниқлаш орқали уларнинг мақсадга мувофиқ интилаётган ҳаракати белгиланади. Бу интилиш Станиславский айтганидек — олий мақсаддир. “Инсон образи” — бу унинг нима қилаётганлигини, фикрларини, туйғуларини очиб берадиган хатти-харакатлар мажмуасидир. Образнинг олий мақсади эса, асосий масала бўлиб, персонаж интилаётган энг муҳим мақсаддир. Персонажнинг асосий сифатига образ “мағзи” дейилади.

Мағиз (зерно), бу инсоннинг факат ўзига хос хусусиятлари — асарнинг берилган шарт-шароитида ҳаракатга келтирувчи характеристердир. Маълумки, бир кишининг ҳаёти зерикарли, иккинчисиники қизиқарлидир.

Бирининг иштирокида ҳар доим яхши фикрлар айтгинг келади, иккинчисининг атрофидан қоронғу-мудхиш фикрлар аримайди.

Режиссёр томонидан тұғри аниқланган “мағиз”, ҳар доим актёрлар билан ишлаш жараёнида, унга топширилған образни тұғри талқин этиш ва баҳолашни таъминлайди. Песадаги образлар системасыда ҳар бир ҳаракат қилувчи шахснинг асар ғоясини очищдаги ўрнини тұғри тушуниш, уларнинг етакчи хатти-харакатини ва ўзаро муносабатини аниқлашга ёрдам беради.

Режиссёр хатти-харакат қилувчи шахсларнинг хулқ-авторларини ўрганар экан, шу билан бирга уларга характеристика — таъриф бериш устида ҳам иш олиб боради. Режиссёр пеша қаҳрамонларига таъриф берар экан, персонажнинг ўзи-ўзи ҳақида ёки бошқалар у тұғрисида берган характеристикаларни ва маълумотларни жамлаб, таҳлил қилиши лозим.

Драматург томонидан яратылған образнинг тилини чуқур ўрганиш орқали унинг характеристига калит топиш мүмкін. Образға характеристика бериш жараёни режиссёр учун қийин ва масъулиятли жараён. Чунки бу таҳлил келгуси спектакл учун асосий заминдир. Етакчи хатти-харакатни аниқлаш орқали мавзу ва гоя орасидаги мутаносибликни белгилаш ҳар бир персонажнинг олий мақсадини англашга ёрдам беради. Олий мақсад ўз навбатида спектаклнинг бадий қимматини, унинг ғоявийлигини ва қарама-қаршиликлар ўсуғчанлиги асосидаги томошавийликни белгилайди. Демак, талқин ролнинг образыга характеристика бериш, персонажларнинг характеристини аниқлаш, улар орасидаги қарама-қаршилик негизини англашга асосланса ижобий натижа беради.

Характер юононча сўз бўлиб “хосса”, “хусусият” маъносини англатади. Кишилардаги хилма-хил ижтимоий мухит ва тарбия туғилған турлича хулқ-автор ва туйғу ҳамда баҳолаш каби психологик хусусиятлар характер деб аталади. Кишиларнинг хулқ-автори ва фазилатлари, уларни ўраб олган ижтимоий мухит, оила ва мактаб тарбияси таъсирида шаклланади, ўсади, ўзгаради. Бадий асарда индивидуал хусусиятлар билан яққол гавдалантирилған, тўла ва аниқ тасвирланган инсон образыга — характер дейилади. Драматургнинг маҳорати билан яратылған характерлар ҳамма вақт типик даражасига кўтарила олади. Масалан, Маҳмудхон, Фофир, Йўлчи, Солиҳбой, Марямхон, Жамила, Ўткурий, Тошболта, Мўмин, Фармон биби, Сулаймон ота ва бошқа образлар ўз замонасининг типик характерларидир. Мана шу каби характерларни саҳнада тасвирлаш, жонлантириш, ифодалаш ва бадий гавдалантириш режиссёрнинг асосий вазифасига киради. Демак, персонажларга берилған характеристика маълум бир ҳодиса, киши ё предметга хос хусусият ва сифатларни белгилаш ҳамда аниқлашадир. Муаллиф ўз асарида иштирок этувчиларнинг келиб чиқиши, фаолияти, хулқ-автори, идроки, қобилияти, интилиши, ташқи қиёфаси ва иродаси ҳақида маълумот берса, яъни қаҳрамонларнинг хулқ-авторини, уларнинг хатти-

ҳаракати ҳамда ички кечинмалари орқали тасвирласа, бу муаллиф берган характеристика дейилади.

Хулоса қилиб айтганда, режиссёр драматик асар устида ишлаш жараёнида саҳнавий ижод принципларига амал қилса, ролнинг образига характеристика берилиб, жонли инсон хусусиятларини намоён қилибди дейилади. Демак, драматик асардаги воқеалар тизимида иштирок этаётган қаҳрамонлар характеристикини аниқлаш, яъни характеристика орқали персонажларни актёрлар ижросида жонлантириш режиссура санъатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

3.4. Режиссёрнинг спектакл устида ишлаши

Режиссёр ўз талқинини аниқлаш учун таҳлилини асарнинг жанрини ўрганишдан бошласа мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллифнинг ҳаётий ҳақиқатга муносабати аниқ бўлгач, уни ифодалашга мос актёрлар танлашга киришади ва ўзига хос ҳис билан бадиий шаклга солишга ҳаракат қиласди. Ёзувчининг тасвирланаётган ҳаётий ҳақиқатга бадиий муносабати пеша жанрини белгилайди. Баъзан драматурглар таъсирланган воқеаларига ўз муносабатини белгилай олмай қолади ва борини ёзид кўяқолади. Жанрни тўғри аниқлаш бўлғуси спектаклнинг мазмуни, ғоясини ва муаллифнинг ўзига хос услубини англаш учун воситадир.

Жанр франсузча сўз бўлиб — “тур”, “хил” маъносини Англатиб, асарнинг ёки томошанинг трагедия, драма, комедия каби турларга бўлинишидир.

Аристотел “Поетика” асарини ёзган пайтда “жанр” деган атама ишлатилмаган эди. Трагедиянинг барча томоша санъати турларидан устун эканлигини асослаш учун, уни комедия, драма, мим, понтамим, рақс, қўшиқ ва қўғирчоқ ўйини каби йўналишлар билан қиёслайди. Натижада, барчаси содир бўлган воқеага билдирилган муносабат туфайли, улар ўзига хос турларга мос ифода воситаларига эга эканлигини аниқлайди. Трагедия, драма ва комедияга ажраган йирик турларга қуидагича нуқтаи назар умумий муносабат эканлигини илк бор асослайди. Трагедия қаҳрамони мендан ҳар томонлама юксак, ижтимоий келиб чиқишида, мақсадида ва ҳаракатида. Драманинг қаҳрамони мен каби — унинг фикрлари билан баҳслашиб мумкин. Комедиянинг барча персонажлари менга нисбатан тубан, шунинг учун улар ҳаракати устидан кула оламан.

Трагедия — драматик асар турларидан бири бўлиб, унда иложсиз вазият, ҳалок этувчи оғир ва teng бўлмаган кураш негизида бош қаҳрамоннинг характеристикини ҳамда ҳалокати сабаби очиб берилади. Трагедия драманинг — дардли кураш ифодаланган ҳаракатнинг энг қадимги туридир. У қадимги Гретсияда вужудга келган ва “Ечки йифиси” номи билан худо Дионис шарафига ўтказилган байрамдаги ҳалқ томошасидан олинган. Дионис шарафига қурбонлик учун эчки олиб келишар экан. Бу маросим рақс тушиш, Диониснинг изтироблари ҳақида хорнинг ривоят айтиши ва

қурбонликка аталган эчкининг туйғулари ҳақида хорнинг қайғули қўшиқ айтиши билан якунланган.

Кейинчалик трагедия аввалги хусусиятини ўзгартириб, инсонлар изтироби ҳақидаги маҳсус театр томошасига айланган. Грек драматурглари эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари инсон изтиробларини бадий тасвиrlай олгани учун машҳурдир. Антик театр кишининг изтироблари тасвири билан томошабинлар қалбига даҳшат солар ва гўё кишининг тақдири ҳамда қилмишини бошқарib турувчи ғайритабий кучга қарши курашиш бефойда деган тушунчани уқтиради. XVI асрнинг иккинчи ярмида ва XVII аср бошларида яшаб ижод этган буюк инглиз драматурги В.Шекспир трагедияларининг бош қаҳрамонлари жамиятдаги мавжуд кучли қарама-қаршиликларни ёрқин бадий шаклда очиб ташлаган. Шунинг учун ҳам унинг трагедиялари бутун дунёда шухрат топди.

А.С.Пушкин ҳам трагедия жанридан фойдаланиб ўзининг ўлмас кичик трагедиялари — “Тош меҳмон”, “Мотсарт ва Салери”, “Қизғанчиқ ритсар” ва “Борис Годунов” трагедиясини яратди.

Кейинги давр драматургиясида трагедия ўз моҳияти билан ўтмишдагилардан тамомила бошқача бўлиб, унда ҳаёт ҳақиқати ва оптимистик мазмун ўз ифодасини ёрқинроқ топади. Бундай трагедиядаги бош қаҳрамон ҳалқ иши учун курашувчи, лозим бўлса, бунинг учун онгли равишда ўзини ҳалок қилувчи қаҳрамондир. Шундай қилиб, трагедия қаҳрамонининг ҳалокати, унинг маънавий тантанасига, ғалабасига айланади. Ўзбек драматургиясида ҳам трагедия жанрида ижод намуналари бор — Фитратнинг “Абул Файзхон”, Ҳамзанинг “Ишқ қурбонлари”, Туроб Тўланинг “Нодирабегим”, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” номли тарихий-фожиавий песалари бунинг ёрқин ифодасидир.

Комедия юнончада “қувноқ томоша”, кулгули қўшиқ маъносини англатади. Унда ҳаётдаги кулгили ҳодисалар тасвир этилади, ижтимоий ва оиласи мажаролар, кишилар характеридаги бальзи бир қусурли хусусиятлар очиб ташланади. Комедия драматик асарнинг бир тури сифатида қувноқ ҳалқ томошалари заминида вужудга келган. Қадимги греклар шароб, ҳосилдорлик ва шодлик маъбуди Дионис шарафига аatab, карнаваллар уюштирган. Унда қўшиқ айтганлар, рақсга тушганлар, мим ва понтамимларда эскирган формалар устидан янги ғоя ғалабасини кулгули акс эттирганлар. Конуний тараққиёт қапшисида умри тугаган тўсиқларни комедияларда намоён қилишган. Чунончи Ҳамзанинг “Майсарапанинг иши” комедиясида ўзини пок, бегуноҳ қилиб кўрсатган қози, муфти ва зодагонларнинг ахлоқ ва одоби сатира орқали кўрсатилиб, уларнинг майший бузук ниятлари замиридаги зиддият очиб ташланади. Зотан, комедиянинг моҳияти, В.Г.Белинский айтганидек ҳаёт ҳодисалари билан ҳаёт моҳияти ва унинг аҳамияти ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатdir.

ХХ аср драматургияси комедиянинг янги турини вужудга келтириди. Миллий комедияларда кишилар ўртасида ва турмушкида сақланиб қолган эскилик сарқитлари кулги билан фош этилади. Масалан, Абдулла Қаххорнинг “Шохи сўзана” комедиясида ёшларнинг шиддатли характери, янги ерлар очиш ва пахтадан мўл ҳосил олиш учун олиб борган курашидаги камчилик ва иллатлар ёритилади. Комедия ўз навбатида тасвирланаётган ҳаётий ҳақиқатга муаллифнинг муносабати ва унинг ғоявий йўналиш турларига қараб сатира, гротеск, буффонадага ажралади.

Юмор — лотинчада “намлик” маъносини англатади. Юмористик асарда турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи бир камчиликлар енгил танқид остига олинади. Бу асарда муаллиф танқид қилинаётган обектнинг йўқ бўлиб кетишини истамайди. Енгил кулгу — юмор орқали, унга ҳатто ачинади ва ундаги камчиликларнинг тузалишини истайди. Шуниси билан юмор сатирадан фарқ қиласи. Юксак савиядаги юмор баъзан аччиқ кинояга, Н.В.Гогол сўзи билан айтганда, “кўз ёши аралаш кулги”га айланаб кетади. Унинг “Ревизор” асаридаги персонажлар, сатирик тарзда, нафрат ва ғазаб билан тасвирланган. Шаҳар ҳокими — Сквозник-Дмухановский образи, унинг амалдорларида шуҳратпарастлик, порахўрлик, худбинлик қайғули сатирик юмор билан тасвирланган. Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедияси ҳам юмористик драматургиянинг ёрқин намунаси бўла олади. Юқорида келтирилган драматургия турлари баъзи элементларини ўзида уйғунлаштирган ва уларнинг оралиғида турган жанр — драмадир.

Драма — юонончада “ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади. Драматик асарларда мураккаб ва жиддий конфликтлар асар иштирокчиларининг қизғин кураши жараёнида тасвирланади. Унда персонажлар ижобий ва салбий сифатларга ажралади. Бош қаҳрамон илгари сураётган ғоя халқ орасида афоризм даражасига кўтарилиган фикрларда изоҳланган. Масалан, Ҳамзанинг “Бой ила ҳизматчи”, ёки Горкийнинг “Тубанликда” драмаларида ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг шиддатли кураши ёрқин акс эттирилган. Трагедия ва комедиялардагидек драма жанри ҳам ўз навбатида ифода этилаётган ҳаётий ҳақиқатнинг мазмунига, маъносига, муаллиф мақсадига қараб бир неча турга бўлинади. Улар — сиёсий-ижтимоий, лирик, майший, тарихий, психологик, хужжатли драмалардир.

Лекин режиссёр оп талқинида песаларнинг бундай уч асосий жанрга бўлинишига баъзан ўзгартириш киритади, бунга “Гамлет”ни комедия, “Чайка”ни драма жанрида саҳналаштириши мисол бўла олади. Масалан, А.Н.Островский ўзининг кўпгина песаларини “комедия” деб номлайди. Унинг песаларига соғдиллик ва соддалик ярашади, аммо “Қутурган пуллар” асарини “психологик драма” жанрида талқин қилиш мумкин.

Ҳозирги замон режиссёrlари ҳаётнинг айнан ўзини ифодалаш жараёнида юқоридаги классик уч жанр бўлинишига бўйсунмайдилар. Чунки, уларнинг спектаклларида уччала жанрнинг элементлари иштирок этади.

Бироқ бу деган сўз, томоша жанрсиз, бадиий бўёқсиз бўлиши мумкин дегани эмас. Бундай ҳолларда спектаклда қайси жанр бўёқлари асосий ўринни эгаллаши ва томоша ғоясини очища фаол қатнашса, шу жанрга оид бадиий шакл яратилади.

Спектаклнинг қиммати факат унинг ғояси ва мавзуси долзарблиги билан эмас, балки унинг қаҳрамонларини илғор ва типик характерларда, замон билан ҳамнафасликда намоён бўлиши ва ривожланишини кўрсата олиши билан белгиланади.

Режиссёр песани таҳлил қилар экан, муаллифнинг услубини, асар жанрини, композитсион тузилишини, унда хатти-ҳаракат бажараётган қаҳрамонлар тақдирини, уларнинг тилини ва характерини пухта ўрганиши зарур. Песанинг бадиий хусусиятларини ўрганиб, драматург ниятини томошабинга маъноли ва бадиий ифодали тарзда етказиш режиссёрнинг асосий мақсади бўлиши лозим.

Асарнинг бадиий хусусиятини, жанрини аниқлагач, албатта, муаллифнинг услубини ҳам ўрганиш лозим. Муаллифнинг услубини аниқлаш — персонажлар характерлари ўзига хослигини ва факат асарга хос бўёқларни аниқлашдир. Услуб кенг маънода ёзувчи ижодидаги ғоявий бадиий хусусиятлар бирлиги, тор маънода ифода усулининг бадиий баёнидир. Кенг маънода услуб тушунчаси — муаллифнинг дунёқараши, асарнинг асосий маъносини ташкил этувчи воқеалар оқимининг, сюжет ва характерлар бадиий тасвирини тил ва бошқа омилларни камраб олади. Масалан, Абдулла Қаҳҳор услуби ҳақида гапирганда, муаллиф асарларининг ўткир ғоявийлик билан суғорилганлиги, замон воқеаларига нисбатан ҳозиржавоблиги, драматургияга дадиллик билан янги мавзу ва образлар олиб кирганлиги, тилининг бойлиги ҳамда сўзни заргарона қўллаши назарда тутилади. Бу хусусиятлар ижодкорнинг ўзига хос услубини кўрсатади.

Драматург услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ғояни англаш ва ифодалаш даражаси, ҳаётий воқеаларни тасвирлаш методи, даврнинг шартшароитларини баҳолаш маҳорати билан белгиланади.

Демак, драматургнинг ўзига хос хусусиятлари — ҳаётга муносабати, воқеани ғоявий-бадиий ифодалаш маҳорати — услуб деб юритилади. Иждодкор услуби ҳар доим замоннинг ғоявий-бадиий таъсири остида вужудга келади ва шаклланади. Муаллифнинг дунёқараши, ижтимоий позитсияси, ғоявий қизиқишилари, бадиий ифодалаш маҳорати ҳаммаси унинг услубини белгилайди. Булар спектаклнинг мазмунини ва ўзига хос ифодаланган ғоя шаклини бадиий ифодалашга ёрдам беради.

Жумладан, К.Яшин, А.Қаҳҳор, И.Султон, Ш.Бошбеков, С.Аҳмад, Э.Хушвақтов каби драматурглар ўз бадиий услуби — “дастхати” билан яққол ажралиб туради. Ҳаётий материални танлаш, сюжет тузиш, композитсия, жанр, тил ва образларни ўзига хос талқин этиш ҳар бир драматургнинг бадиий услубини белгилайди. Шунинг учун режиссёр муаллиф услубини,

унинг ўзига хос характерли хусусиятларини таҳлилий аниқлай олади, олинган песани ипидан игнасигача ўзлаштиришни заруратга айлантиради ва бу спектакл режасини тузишга асос бўлади.

Режиссёрнинг спектакл устида ишлаш жараёни кўп поғонали, бадий мураккаб ижодий босқич бўлиб, “қайта жонлантириш”, қоғоздаги фикрларни тирик инсонлар ва бадий тасвирий воситалар тилига қўчириш маҳоратидир. Муқаммал пеша бўлгуси спектаклнинг асоси бўлиб, унинг ғоявий-бадий қиммати режиссурунинг ва бадий жамоа меҳнатининг муваффақияти гаровидир. Шунинг учун режиссёр энг аввал саҳналаштириш учун пеша танлашда адашмаслиги, ўзи раҳбар бўлган бадий жамоанинг ижодий кучини, асарнинг бадий имкониятларини ҳисобга олиши керак. Иккинчи томондан эса, танланган мавзу долзарблигини, ғоявий ўткирлигини, композитсион мустаҳкамлигини, тилининг ифодавий ва равонлигини, жанрининг аниқлигини, муаллиф услубининг ёрқинлигини яхши ўзлаштириши талаб қилинади.

Режиссура санъатида песани ўзига мослаб ёки бутунлай тескари талқин этилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шунинг учун режиссёрнинг талқин кудрати уч босқичли — жамоани муаллиф ғоясига кўтариш, ижодкорларни асар ғояси даражасига олиб чиқиш ёки барчани “ўзи” даражасига олиб тушиш жараёнидан иборат. Учинчиси ижодий жамоа учун фожеадир.

Режиссура санъати спектаклнинг умумий элементларини бирлаштириш маҳоратидир. Намунали драматургия ўз персонажлари орқали умумийликни очади, индивидуаллик орқали типикликни кўрсатади ва инсон шахсини ҳар қандай маънавий, жисмоний ва руҳий қулликдан озод қилишни орзу қиласи. Шунингдек, муқаммал режиссёр ҳам ҳар бир спектаклида “инсон” сўзи мағрур жаранглашини истайди.

Маълумки, ҳар қандай билиш уч босқичли жараёндип. У жонли кузатишлардан пайдо бўлган аниқ масалани “сезиб”, қабул қилишдан бошланади. Кейин эътиборга олинган масалани “тушуниш”, сўнгра уни умумлаштириш жараёнига ўтилади. Спектакл саҳналаштироқчи бўлган режиссёрнинг биринчн вазифаси аниқ масала юзасидан пайдо бўлган таассуротларини “йиғишдир”. Бошқача айтганда, “Отелло”ни саҳналаштираётган режиссёр — рашк туйғусини, хозирги замон кишиларидаги соф туйғуларни булғашга ўчликни, севгисини йўқотиб қўйишдан қўрқиши каби хислатларни кузатиши зарур. Шунингдек, тарихий хужжатлар, эсдаликлар, ўша даврга тааллуқли публитистик ва бадий адабиётлар, тасвирий санъат, мусиқа, фотография материаллари, иллюстратив, иконографик ҳайкаллар, хуллас, песада тасвирланган шартшароит муҳрланган асосларни ўрганиши зарур. Ифодаланган даврдаги кишиларнинг хулқ-атворларини, қонун-қоидаларни, дидларини, характер ва одатларини, дунёқараш ва маданиятларини, улар нимани истеъмол қилишган ва қандай кийинишган, уларнинг юриш-туришлари қандай, яшаш учун жой

куриш ва жиҳозлари ҳамда бошқа зарурат учун керак бўладиган нарсаларни ҳам ўрганилиши талаб қилинади.

Вахтангов айтганидек — актёр образ ҳаётига тегишли нарсаларни худди онасини билгандек, яхши билиши керак. Режиссёр ҳам саҳнада гавдалантироқчи бўлган томошани аник, равshan тасаввур қилиши зарур.

Хулоса шуки, режиссёр учун драматург томонидан берилган муҳим воқеанинг асосий моҳиятидан келиб чикадиган спектаклнинг ғоясини тўғри аниклаш бош масаладир. Гоянинг аниқланиши билан муҳим бир иш жараёни ниҳоясига етади. Энди режиссёр пеша муаллифи билан бир ҳуқуққа эга бўлган ҳамкорлик даражасида, умумий мақсад ва вазифа учун биргалиқда курашмоғи, аниқроғи ёзма асарни жонлантириш каби муҳим ижодий ишга киришмоғи мумкин.

Мавзу, ғоя, жанр, услуб, композитсия, конфликт аниқлангач, томошанинг қалби бўлган фабулани, асар ғоясини очиш учун муаллиф териб олган ва онгли равишда қуриб чиқсан воқеалар оқимини ўрганиш ва ўзлаштирилиши заруратга айланади.

Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар:

1. *Ижодкор режиссёр тушуунчасини изоҳланг.*
2. *“Режиссёр этикаси” деганда нимани тушуунасиз?*
3. *Композитсия тушуунчасининг аҳамиятини изоҳланг.*
4. *Режиссуранинг асосий элементлари уйгунашмаса нима содир бўлади?*
5. *Режиссёр ўз спектаклида жанр хусусиятларини ўзгартира оладими?*

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Демин В.П. Формирование личности режиссёра. Саратов, 1983.
2. Зафарий Ф. Ўзбек театри тарихи. — Т.: Бадиий адабиёт, 1937.
3. Имомов Б., Жўраев К., Ҳакимов Х. Ўзбек драматургияси тарихи. — Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Исломов Т. Тарих ва саҳна. Т.: Фан, 1998.
5. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. — Т.: F.Фулом, 2005.
6. Усмонов Р. Режиссура. — Т.: Фан, 1997.
7. Аҳмад С. Мунавварқори. «Шарқ юлдузи», 1992, № 9.
8. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. «Гулистон», 1997, № 3.
9. Умаров М. Режиссеёр қалби. «Ўзбекистон. Контакт». 1997, № 4.
10. Умаров М. Буюк режиссёр. «Ўзбекистан. Контакт». 1997, № 4.
11. Умаров М. Миллий театр назариясининг пайдо бўлиши. «Театр», 2004, №1.
12. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. — Т.: Билим, 2005.
13. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Ҳ. Режиссура асослари. — Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2008.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот. Режиссура санъати тамойилларининг қарор топиши. Маннон Уйгур режиссураси

Вазифа 1. Режиссура тарихи ва назариясини “Венн диаграммаси” орқали тасвирилаб беринг

Венн диаграммаси



Вазифа 2. “Тушунчалар таҳлили” методи орқали таянч тушунчаларни изохланг.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Актёрлик туйғуси</i>		
<i>Бадиийлик</i>		
<i>Декорация</i>		
<i>Жанр</i>		
<i>Конфликт</i>		
<i>Ижодкорлик туйғуси</i>		
<i>Диктатор режиссёр</i>		
<i>Драматург</i>		
<i>Бутофория</i>		
<i>Репертуар</i>		

2-Амалий машғулот. Режиссуранинг санъат даражасига кўтарилиши. Миллий режиссура ривожи

Вазифа 1. Мавзуга оид машғулотни тингловчилар орқали амалий машғулотларда тақоролаш ва мустаҳкамлаш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар томонидан кичик гурухларга бўлинниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш ва шарҳлаб бериш.

Ишни бажариш учун намуна

Маърузачи томонидан тингловчилар 3-гуруҳга бўлинади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги хақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргалиқда, берилган топшириқقا масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- Кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гурух учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарх	Изоҳ
Режиссурा нима?		
Миллий режиссураси ривожини сўзлаб беринг		

Иккинчи гурух учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарх	Изоҳ
Режиссёр асар жанрини қандай ажратиши мумкин?		
Саҳна асарлари мисолида режиссёр ижодини илмий тушунтириб беринг		

Учинчи гурух учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарх	Изоҳ
Режиссёр драматик асар устида қандай ишлайди?		
Режиссёрнинг асосий элементларини санаб ўтинг		

2-илова

Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аник, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					
3-гурух					

3-Амалий машғулот. Режиссёр ва унинг касбий маҳорати. Режиссуранинг асосий элементлари

Вазифа 1. «Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг» Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, тингловчиларни матн устида фикрлаш, ўз гояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

Ишдан мақсад: режиссёргининг касбий маҳорати, режиссёргининг спектакл устида ишлаш босқичлари илмий асослаш.

«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Маъruzачи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.

2. Тингловчилар жуфтликларга бўлиниб, бир-бiri билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиласдилар.

3. Маъruzачи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қиласди.

Матн

“Галливуд Киноиндустрия кино ишлаб чиқариш тизими сфатида бошқаларга намуна бўлишини унда банк капитали ва диверсификациялаштирилган капитал билан қўшилиб кетган қудратли хусусий киностудиялар, кучли агентлар, фаол профессионал гильдиялар, жаҳон кинопрокати, ривожланган иккиласми бозорларнинг мавжудлиги билан таъкидлаш мумкин. Ҳозирча бизда бундай тизим деярли йўқ. Замонавий кинобизнес структурасидаги базавий элементлар барча ривожланган мамлакатлар учун бир хил. Бу ерда алоҳида молиялаштириш механизмига эътибор қаратиш лозим.

Кино ишлаб чиқариш молиялаштириши юқори рискли ҳисобланади, чунки харажатлар нисбатан қисқа муддатда сарфланишни талаб этиб, кўзланган даромадни олиш учун эса узокроқ вақт керак бўлади. Кино ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узоқ муддатли омили бўлиб капитал билан бетўхтов таъминлаб боришидир. Кино ишлаб чиқаришни молиялаштириш ва кинопрокат учун катта микдорда ва доимо ўсиб борувчи пул маблағлари керак. Уларни топиш учун продюсерлар томонидан турли молиявий схемалар, воситалар ва усуслар қўлланилади. Масалан фильм бюджетига кенг истъемолдаги товарлар, либослар ва зеб зийнат буюмларнинг яширин рекламасидан келган маблағлар тушади. Яъни фильм қаҳрамонлари фойдаланган автомобиллар маркаси, либосларнинг ишлаб чиқарувчи фирмалар номи ва ҳ.з.лар атайин ушбу фирмалар манфаатида фильмда намойиш этилади ва улар томонидан пул ажратилади.

Америкалик эксперtlар фикрича қўшимча кредитлаш манбааларига мурожжаат қилинмаганлигига, кино лойиҳаларига маблағларни жалб этишнинг уддабурон усуслари қўлламаганлигига, ҳамда тадбиркорлик ва ижтимоий капитал бозорига кенг йўл очилмаганида АҚШнинг кинобизнеси бундай шиддат билан ривожланмаган бўлар эди. Молиялаштириш -бу фильмнинг яратилишида муҳим босқичдир.”

Вазифа 2.ЭССЕ

«Киноиндустриядаги тадбиркор инсонларнинг орасида ёрқин истъедодли шахсларнинг қўплиги бежис эмас: уларнинг маҳорати капитални

жалб этиб, кинематография ҳаёти гирдобига олиб кетиш ва муваффақиятга ишонтира олишга қаратилади. Ижодкорликка нисбатан кинобизнеснинг ўзи ижод ва қизғинликдан қолишмайдиган фаолият эканлигига улар ишонч ҳосил қилганлар. Дарҳақиқат, ғояга қизиқиш, унга мувофиқ ижодкорларни топиш, уларга ишона олиш, ушбу фильм учун ишлаб чиқаришнинг мураккаб бирлигини яратиш, миллионлари билан риск қилишга тайёр одамларни топиб олиш, бўлғуси томошабинларни аниқлаш, вақт ва жойни белгилаш, бир куни қашшоқقا ёки машхур ва бадавлатга айланиб қолиш таваккали остида жамоани ўз ихтиёри билан бирлаштира олиш —буларнинг барчаси ҳар қандай ижодий ва қизғин ишдан қолишмайди. Менинг фикримча, кинобизнесни молиялаштириш масаласига келтирилган ушбу далилга қўшиламан /қўшилмайман, чунки.....» мавзууда далилланган эссе ёзинг.

Эссе ҳажми таклиф қилинган мавзудаги 1000 сўзгача тузиш.

Далилланган эссеning тузилиши:

Масала юзасидан муаллифнинг нисбий нуқтаи назарини билдириш (1 хатбоши).

Айтилган позициянинг далилланиши – муаллифнинг шу позицияни кўллаш учун ишонарли далиллари айни позицияни қабул қилишга ишонтиради.

Хулоса – резюме (1 хатбоши).

Г

Далилланган эссени баҳолаши кўрсаткичлари ва мезонлари: мазмуннинг мавзуга мувофиқлиги;

муаммони кўриши, унга муносабат, ўзининг нуқтаи назари, далилларнинг ишончлилиги;

услуб: баённинг аниқлиги, очик-равишанлиги;

ёзииш қоидаларига риоя қилиши.

V. ТЕСТЛАР

Фан блоки	Фан бўлими	Кийинчилик	Тест топшириғи	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	1	2	Трагедиянинг отаси ким?	*Есхил	Голдони	Молер	Гёте
1	1	2	“Шоҳ эдип” кимнинг асари?	*Софокл	Лопе де Вега	Марло	Джонсон
1	1	2	Қайси маъбудга аталган маросимлардан театр келиб чиққан?	*Дионис	Афродита	Артамида	Зевс
1	1	2	“Медея” асарининг муаллифи ким?	*Еврипид	Аристофан	ЎНил	В. Гюго
1	1	2	Протагонист ким?	*биринчи актёр	иккинчи актёр	архонт	скена
1	1	2	Ўзбек саҳнасида шоҳ эдип ролини ким ўйнаган?	*Ш. Бурхонов	Т. Азизов	Ё. Ахмедов	У. Тиллаев
1	1	2	“Лисистрата” асарининг муаллифи ким?	* Аристофан	Шиллер	Голдони	Шеридан
1	1	2	“Поетика” рисоласини ким ёзган?	*Аристотел	Калдерон	Лессинг	Ануй
1	1	2	“Поетика” рисоласига қайси Марказий Осиёлик олим шарҳ ёзган?	*Форобий	Гюго	Исмоил ал Бухорий	Аҳмад Яссавий
1	1	И	Қадимги актёрўйнайдиган саҳна нима деб аталган?	*оркестра	котурн	дафтерогон ист	пролог
1	1	2	Еврипид сюжетларидан қадимги Рим драматургларидан ким фойдаланди?	*Сенека	Софокл	Шекспир	Сервантес
1	1	2	Қайси бир Рим драматурги император Нероннинг тарбиячиси ва	*Сенека	Есхил	Аристофан	Шекспир

			Нероннинг буйруғи билан қон томирини қирқиб ўзини ўзи ўлдирган?				
1	1	2	Атоқли ёзувчи Ойбек қайси Рим драматурглари асарларини ўзбек тилига таржима қилган?	*Сенека, Плавт	Есхил, Менандр	Софокл, Аристотел	Марло
1	1	2	“Шоҳ эдип” асаридағи Иокаста ролини ўзбек саҳнасида ким ўйнаган?	*С. Эшонтўраева	С. Юнусова	М. Мухторова	Е. Маликбоев а
1	1	2	“Занжирбанд Прометей” асарини ким ёзган?	*Есхил	Сенека	Шекспир	Аристофан
1	1	2	“Ипполит” песасининг муаллифи ким?	*Еврипид	Волтер	Дидро	Голдони
1	1	2	“Орестея” трилогияси кимнинг асари?	* эсхил	Бомарше	Плавт	Гюго
1	1	2	“Нумансия” халқ қаҳрамонлик трагедиясини ким ёзган?	*Сервантес	Есхил	Плавт	Сенека
1	1	2	“Мандрагора” песасини ким ёзган?	*Макиавелли	Генрих фон Клейст	Голдони	Гёте
1	1	2	“Комедия дел арте” театри қайси мамлакатда пайдо бўлган?	*Италия	Франсия	Англия	Испания
1	1	2	“Соҳибқирон Темур” асарининг муаллифи ким?	*Кристофер Марло	Шекспир	Плавт	Софокл
1	1	2	Шекспир ишлаган ва ижод қилган театрнинг номи	Глобус*	Комеди Франsez	Еркин театри	Жимназ
1	1	2	Шекспир туғилган шаҳарнинг номи	*Стретфорд	Париж	Рим	Верона
1	1	2	“РичардИИИ” асарини ким ёзган?	*Шекспир	Сервантес	Макиавелли	Сенека
1	1	2	“Ҳаётшоми” песасини ким ёзган?	* Гауптман	Е. Золя	Голдони	Аристофан

1	1	2	Гауптманнинг қайси песаси хозирги ўзбек миллий театрда саҳнага қўйилган?	* Ҳаётшоми	Ағдарилган қўғирчоқ	Кун чиқиши олдидан	Макбет
1	1	2	Мейнингенчилар театри қайси мамлакатда жойлашган эди?	* Германия	Италия	Голландия	Англия
1	1	2	Рейнхард қайси спектаклни сирк аренасида 500 киши иштироқида (оммавий саҳнад қўйган?)	* Шоҳ эдип	Икки бойга бир малай	Макбет	Сўқирлар
1	1	2	“Пигмалион” кимнинг песаси?	* Бернард Шоу	Готсси	Есхил	Софокл
1	1	2	“Ермисан эр” кимнинг песаси?	* Уайлд	Шекспир	Волтер	Марло
1	1	2	Гордон Крег қайси мамлакат режиссёри?	* Англия	АҚШ	Германия	Россия
1	1	2	1942 иили Парижда саҳнага қўйилиб фашизмга қарши даъват сифатида жаранглаган песанинг номи	* Антигона	Пигмалион	Ермисан эр	Макбет
1	1	2	Қайси бири Пристли песаси?	* Хатарли бурилиш	Соҳибқирон Темур	Кирол Лир	Макбет
1	1	2	“эпик театр” ҳақида назариясини ким ишлиб чиқсан?	* Брехт	Шеридан	Бомарше	Филдинг
1	1	2	“Онаизор Кураж ва унинг болалари” кимнинг асари?	* Брехт	Сервантес	К. Марло	Лопе де Вега
1	1	2	“Олти персонаж муаллифини излайди” асари кимники?	* Пиранделло	Шиллер	Гёте	Лессинг
1	1	2	“Қонли тўй” асарини ким ёзган?	* Гарсия Лорка	Есхил	Аристотел	Брехт
1	1	2	Улардан қайси асар Муқимий номли театрда қўйилган?	* Қонли тўй	Макр ва муҳаббат	Гамлет	Макбет
1	1	2	“Қайрағоч соясида” песасини ким ёзган?	* Южин ЎNil	Емил Золя	Гауптман	Гёте

1	1	2	Улардан қайси бири АҚШ драматурги ва Нобел мукофотини олган?	* Южин Ўнил	Молер	Марло	Макиавели
1	1	2	“Пашшалар” песасини ким ёзган?	* Жан Пол Сартр	Шиллер	Лопе де Вега	Ибсен
1	1	2	“Қаҳр ила боқ” песасининг муаллифи ким?	* Осборн	Ибсен	Гауптман	Матерлинк
1	1	2	Улардан қайси бири “абсурд театри”нинг намоёндаси?	* Ионеско	В. Гюго	Байрон	Волтер
1	1	2	Атоқли инглиз трагик актёри Лауренс Оливье қайси роли билан шұхрат қозонди?	* Отелло	Фигаро	Лауренсия	Фалстаф
1	1	2	Петер Вайснинг қайси асари хозирғи А. Ҳидоятов театрида “Осьенсис жаллодлари” номи билан құйилған?	* Тафтиш	Маликаи Турандот	Мехмонхона бекаси	Макбет
1	1	2	“Биллур жонзорлар” кимнинг песаси?	* Теннеси Уилямс	Брехт	Волер	Ибсен
1	1	2	“Она” песасининг муаллифи ким?	* Карл Чапек	Шиллер	Гёте	Гюго
1	1	2	Қайси АҚШ драматурги Нобел мукофотига сазовор бўлган?	* Южин Ўнил	Гауптман	Бернард Шоу	Ибсен
1	1	2	Қайси италян драматурги Нобел мукофотига сазовор бўлган?	* Пиранделло	Е. Золя	Дидро	Голдони
1	1	2	“Абсурд театри”нинг асосчиларидан қайси бири Нобел мукофотига сазовор бўлган?	* Самуил Беккет	Марло	Байрон	Антуан
1	1	2	Инглиз миллий театри қачон ва қайси спектакл	* 1964 йил “Отелло”	1970 йил “Сид”	2000 йил “Нора”	2003 йил “Гамлет”

			билин очилган?				
1	1	2	Инглиз миллий театрининг ташкилотчиси ким?	* Лауренс Оливе	Ибсен	Бернард Шоу	Е. Золя
1	1	2	Қайси режиссёр Қарши “Мулоқот” театри студиясининг “Жононга бордим бир кеча” спектаклини Авинёнфестивалид а кўрсатди?	* Питер Брук	Андре Антуан	Сара Бернар	Росси
1	1	2	Екзистенсиализм фалсафий оқимишининг асосчиси ким?	* Сартр	Гауптман	Ануй	Клейст
1	1	2	Южин ЎNil “Қайрағоч соясида” асарини ўзбек тилига ким таржима қилган?	* Асқад Мухтор	Үйғун	Чўлпон	Шайхзода
1	1	2	“Қирол Лир” асарини ўзбек тилига ким таржима қилган?	* Ғафур Ғулом	Машраб Бобоев	Ҳайдар Мұхаммад	Ёнғин Мирзо
1	1	2	“Ромео ва Жулетта” асарини ўзбек тилига ким таржима қилган?	* М. Шайхзода	Ҳайитмат Расул	Ў.Умарбек ов	Е. Хушвақтов
1	1	2	Инглиз театрида интеллектуал драманинг асосчиси ким?	* Ануй	Шеридан	Сервантес	Аристофан
1	1	2	Қайси песада Олим Хўжаев Клаузен ролини ўйнаган?	* Ҳаётшоми	Пигмалион	Фийбат мактаби	Макбет
1	1	2	“Ҳамлет” асарини биринчи бўлиб ўзбек тилига ким таржима қилган?	* Чўлпон	Туроб Тўла	Зиё Саид	Ғулом Зафарий
1	1	2	“Соҳибқирон Темур” асарини ким ёзган?	* Марло	Шекспир	Волтер	Гёте
1	1	2	Софоклининг “Шоҳ эдип” асарида Иокаста ролини ўзбек саҳнасида	* Сора эшонтўраева	Дилором Каримова	Тўти Юсупова	Лола Бадалова

			ким ижро этган?				
1	1	2	Шукур Бурхонов қайси роли билан бюст шаклида қабри устида қад кўтарган?	* Брут	Макбет	Ясон	Освалд
1	1	2	1935 йили “Гамлет” асарини ўзбек театрида ким саҳналаштирган?	* М. Уйғур	Ш. Қаюмов	Т. Хўжаев	Ж. Обидов
1	1	2	“Хорев”, “Сохта Дмитрий” трагедияларининг муаллифи	* Сумароков	Ломоносов	Лукин	Лермонтов
1	1	2	“Бригадир” ва “Думбул бойвачча” комедияларини ким ёзган?	* Фонвизин	Горкий	Капнист	Пушкин
1	1	2	Рус миллий театрининг асосчиси ким?	* Волков в	Шумский	Померансев	Яковлев
1	1	2	Рус актёрлари орасида биринчи бўлиб, Россия академиясига сайланган актёр ким?	* Дмитриевский	Сандунов	Рикалов	Давидов
1	1	2	“Ақллилик балоси” комедиясини ким ёзган?	* Грибоедов	Шаховской	Островский	Загоскин
1	1	2	Рус театрида Отелло ролини биринчи ижро қилган актёр ким?	* Яковлев	Шумский	Померансев	Волков
1	1	2	“Тош меҳмон”, “Қизганчик баҳодир” “Мотсарт ва Салери” трагедияларининг муаллифи?	* Пушкин	Н. Гогол	Некрасов	Горкий
1	1	2	“Борис Годунов” тарихий драмасини ким ёзган?	* Пушкин	Озеров	Карамзин	Гогол
1	1	2	Фамусов ролини биринчи ижро қилган актёр ким?	* Шепкин	Дмитревский	Померансев	Давидов
1	1	2	Гоголнинг “Ревизор” комедиясида шаҳар	* Шепкин	Давидов	П. Мочалов	Шумский

			хокими ролини ижро қилган улуғ рус актёри				
1	1	2	Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясида бош ролни ижро қилган улуғ рус трагик актёри	* Мочалов	Варламов	Дмитревск ий	Шепкин
1	1	2	“Ревизор” комедиясининг муаллифи ким?	* Гогол	Грибоедов	Тургенев	Пушкин
1	1	2	“Уйланиш” комедиясининг муаллифи ким?	* Гогол	Лермонтов	Пушкин	Л.Н. Толстой
1	1	2	“Маскарад” драмасини ким ёзган?	* Лермонтов	И. Тургенев	Пушкин	Грибоедов
1	1	2	“Бўйдоқ” психологик драмасини ким ёзган?	* Тургенев	Гогол	Грибоедов	Пушкин
1	1	2	“Қишлоқда бир ой” психологик драмасини ким ёзган?	* Тургенев	Островский	Пушкин	Чехов
1	1	2	“Гамлет” драма Шекспира. Мочанов в роли Гамлета.” мақоласининг муаллифи ким?	* Белинский	Герсен	Чернишевс кий	Добролюбо в
1	1	2	Улуғ рус актёри А. Е. Мартиновнинг “Момақалдириқ” спектаклида ижро қилинган роли	* Тихон	Александр	Евгений	Михаил
2	2	2	А.Н. Островскийнинг “Момақалдириқ” драмаси қачон ёзилган?	* 1859 йил	1860 йил	1849 йил	1864 йил
2	2	2	“Сепсиз қиз” драмасининг муаллифи	* Островский	Толстой	Пушкин	Грибоедов
2	2	2	А.Н. Островскийнинг “Ҳар тўқисда бир айиб” комедияси	* Ўзбекистон миллий академик драма театри	Республика Сатира театри	Республика Ёшлиар театри	Ёш томушабин лар театри

			пойтахтимизнинг қайси театрида саҳналаштирилган ?				
2	2	2	А.Н. Островскийнинг Самарқанд вилоят театрида саҳналаштирилган “Айбиз айибдорлар” драмасида бош қаҳрамон Кручиника ролини ким ўйнаган?	* З. Содикова	З. Садриева	З. Ҳидоятова	М. Кузнетсова
2	2	2	Шекспирнинг “Қийиқ қизнинг қўйилиши” комедиясида улуғ рус актрисаси Г.Н. Федотова ижро қилган рол	* Катерина	Кларича	Беатрича	Маргарита
2	2	2	Улуғ рус актрисаси М. Н. Ермолованинг “Момоқалдириқ” спектаклида ўйнаган роли	* Катерина	Пороша	Лариса	Кручинина
2	2	2	Н. Толстойнинг “Тирик мурда” драмаси қайси ўзбек театрида саҳна юзини кўрган?	* Ўзбекистон Миллий академик драма театри.	Республика сатира театри	Ёшлар театри	Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри
2	2	2	“Зулмат дунёси” драмасини ким ёзган?	* Толстой	Сухово - Кабилин	Салтиков Шедрин	Лермонтов
2	2	2	Москва бадиий – оммабоп театрни қачон ташкил топган?	* 1898 йил	1902 йил	1895 йил	1885 йил
2	2	2	Москва бадиий – оммабоп театрининг асосчилари кимлар?	* Станиславский , Немирович – Данченко	Меерхолд, Федотов	Вохтангов, Стениславс кий	Федотов, Вохтангов
2	2	2	“Чайка” асарини ким ёзган?	* Чехов	Толстой	Горкий	Пушкин
2	2	2	А.П. Чеховнинг “Уч	* 1900 йил	1890 йил	1902 йил	1889 йил

			опа сингиллар” песаси Москва бадий театрида қачон саҳналаштирилган ?				
2	2	2	“Мешчанлар” ва “Тубанликда” песаларини ким ёзган?	* Горкий	Чехов	Толстой	Лермонтов
2	2	2	“Актёрнинг ўз устида ишлаши” ва “Менинг санъатдаги ҳаётим” китобларининг муаллифи ким?	* Станиславский	Вахтангов	Чехов	Белинский
2	2	2	Вахтангов номидаги театр қачон ташкил топган?	* 1926 йил	1920 йил	1924 йил	1922 йил
2	2	2	“Ҳаммом” сатирик комедиясининг муаллифи ким?	* Маяковский	Тренев	Погодин	Тургенев
2	2	2	Н. Погодиннинг “Менинг дўстим” драмаси қайси пойтахт театрида саҳналаштирилган ?	* Ўзбекистон миллий академик драма театри	Аброр Хидоятов номидаги драма театри	Республика сатира театри	Ёш томошабин лар театри.
2	2	2	А. Горкийнинг “Егар Буличов ва бошқалар” драмасида бош қаҳрамон ролини ижро қилган машҳур рус актёри ким?	* Шукин	Мартинов	Качалов	Хмелев
2	2	2	Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри бугунги кунда қандай номланади?	*Ўзбек Миллий академик драма театри	Ҳамза номидаги академик театр	Ўзбек давлат драма театри	Ҳамза театри
2	2	2	Биринчиўзбек ёзма драмаси “Падаркуш”нинг муаллифи ким?	*Махмудхўжа Беҳбудий	Абдулла Қодирий	Абдулла Авлоний	Ҳамза
2	2	2	“Абулфайзхон” тарихий драмасини	*Абдурауф Фитрат	Абдулҳамид Чўлпон	Усмон Носир	К. Яшин

			ким ёзган?				
2	2	2	“Бахтсиз қуёв” кимнинг асари?	* Абдулла Қодирий	X.X Ниёзий	Абдулла Авлоний	М.Уйғур
2	2	2	Маннон Уйғур “Турон” труппасида ўз фаолиятини қачон бошлаган?	*1916 йил	1918 йил	1915 йил	1914 йил
2	2	2	Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт” драмаси қачон ёзилган?	*1915 йил	1914 йил	1911 йил	1917 йил
2	2	2	“Ҳалима” мусиқий драмасини ким ёзган?	* Ғулом Зафарий	Ҳамза	Хуршид	Фитрат
2	2	2	Аброр Ҳидоятовнинг “Лайли ва Мажнун” спектаклида ўйнаган ролини белгиланг.	*Қайс - Мажнун	Науфал	Ибн Салом	Ғофур
2	2	2	Москвада маориф уйи қошида ўзбек студияси қайси иили очилган?	*1924 йил	1925 йил	1923 йил	1920 йил
2	2	2	Москвадаги ўзбек студиясида диплом спектакли сифатида Н. Гоголининг қайси асари сахналаштирилган ?	*“Ревизор”	“Уйланиш”	“Қиморбоз лар”	“Ўлик жонлар”
2	2	2	Комил Яшиннинг “Номус ва муҳаббат” драмаси асосида яратилган спектаклда Онахон ролини ижро қилган актриса ким?	*Сора эшонтўраева	Замира Ҳидоятова	Тошхон Султонова	Турсуной Сайдазим ова
2	2	2	Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясини Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирган режиссёрнинг	*Маннон Уйғур	Бобо Хўжаев	Етим Бобожонов	Жавод Обидов

			номини белгиланг?				
3	3	2	Гамлет ролининг биринчи ижрочиси ким?	* Аброр Ҳидоятов	Олим Ҳўжаев	Шукур Бурҳонов	Амин Турдиев
3	3	2	Ҳамза номидаги ўзбек давлат (хозирги Ўзбек Миллий академик драма) театрига “Академик театр” унвони қачон берилган?	*1933 йил	1932 йил	1930 йил	1935 йил
3	3	2	1939 йили академик театр саҳнасида қўйилган “Бой ила хизматчи” спектаклининг режиссёри ким?	* Етим Бобоҷонов	Маннон Уйғур	Жавод Обидов	Бобо Ҳўжаев
3	3	2	Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида Шекспирнинг “Отелло” трагедияси биринчи маротаба қачон қўйилган?	* 1941 йил	1940 йил	1942 йил	1939 йил
3	3	2	Ўзбек театри саҳнасида Отелло ролини биринчи ижрочиси ким?	*Аброр Ҳидоятов	Шукур Бурҳонов	Амин Турдиев	Лутфилла Назруллаев
3	3	2	“Отелло” спектаклидаги Яго ролини биринчи ижрочиси ким?	*Олим Ҳўжаев	Пўлат Сайдқосимов	Миршоҳид Мироқилов	Турғун Азизов
3	3	2	“Жалолиддин Мангуберди” тарихий драмасини ким ёзган?	* Мақсуд Шайхзода	Иzzат Султон	Ҳамид Олимжон	Уйғун
3	3	2	“Муқанна” тарихий драмасининг муаллифини эсланг?	*Ҳамид Олимжон	Уйғун	Комил Яшин	Иzzат Султон
3	3	2	“Алишер Навоий” тарихий биографик драмаси кимлар қаламига мансуб?	*Уйғун Иззат Султон	Ҳамид Олимжон, Комил Яшин	Мақсад Шайхзода, Зиннат Фатхулин	Бахром Раҳмонов, Абдулла Қаххор
3	3	2	“Алишер Навоий” драмасини биринчи	* Маннон Уйғур	Етим Бобоҷонов	Раззоқ Ҳамроев	Жавод Обидов

			саҳналаштирган режиссёр ким?				
3	3	2	“Мирзо Улугбек” асари муалифи ким ?	* М.Шайхзода	X.Расул	э.Хушвақт ов	Х.Муҳаммад
3	3	2	“Алишер Навоий” спектаклидаги Гули ролини биринчи ижрочиси ким?	*Сора эшонтўраева	Шоҳида Маъзумова	Икрома Болтаева	Холида Хўжаева
3	3	2	Абдулла Қаххорнинг “Шоҳи сўзана” комедияси Ўзбек миллий академик театрда қачон қўйилган ва унинг режиссёри ким?	*1952 йил, Александр Гинзбург, Тошхўжа Хўжаев	1957 йил, Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов	1946 йил, Бобо Хўжаев, Раззок Ҳамроев	1960 йил, Николай Ладигин, Жавод Обидов
3	3	2	“Юрак сирлари” комедиясини ким ёзган?	*Бахром Раҳмонов	Зинат Фатхулин	Туроб Тўла	Абдулла Қаххор
3	3	2	“Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим” комедиясининг муаллифи ким?	*Абдулла Қаххор	Комил Яшин	Уғун	Иzzат Султон
3	3	2	“Чимилидик” асарининг муаллифини эсланг?	*Еркин Хушвақтов	Комил Яшин	Уйғун	Абдулла Қаххор
3	3	2	Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган “Мирзо Улуғбек” спектаклининг режиссёри ва бош ролнинг ижрочиси ким?	*Александр Гинзбург, Шукур Бурҳонов	Тошхўжа Хўжаев, Олим Хўжаев	Раззок Ҳамроев, Наби Раҳимов	Бобо Хўжаев, Аброр Ҳидоятов
3	3	2	Муқимий номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган “Нурхон” спектаклида Кимё ролини биринchi ижрочиси ким?	* Лутфихоним Саримсоқова	эътибор Жалилова	Омина Фаязова	Фароғат Раҳматова
3	3	2	1939 йилда Муқимий номидаги	* Миршоҳид Мироқилов	Жавод Обидов	Зухур Қобулов	Бобо Хўжаев

			театрда қўйилган “Майсаранинг иши” спектаклининг режиссёrlарини эсланг?				
3	3	2	Республика кўғирчоқ театри қачон ташкил топган?	*1939 йил	1928 йил	1930 йил	1926 йил
3	3	2	Ўзбек мусиқали театрининг буюк режиссёри ким ?	* Музффар Муҳамедов	Валижон Умаров	Олимжон Салимов	Наби Абдурахмо нов
3	3	2	Республика ёш томушабинлар театри қачон ташкил топган?	*1930 йил	1936 йил	1939 йил	1949 йил
3	3	2	Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрининг ташкил топган йили?	*1939 йил	1942 йил	1940 йил	1941 йил
3	3	2	Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган “Ўлимдан кучли” спектаклининг режиссёри эсланг?	*Т. Хўжаев	И. Радун	Гинзбург	Етим Бобоҷонов
3	3	2	Ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилган “Сарвқомат дилбарим” спектаклида бош қаҳрамон Илёс ролини ижро қилган актёр?	*Турғун Азизов	Тўлқин Тожиев	Ёқуб Аҳмедов	Теша Мўминов
3	3	2	Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театрида саҳналаштирилган “Тошболта ошиқ” спектаклининг режиссёри ва бош ролни ижро қилган актёрни эсланг?	* Раззоқ Хамроев, Сойиб Хўжаев	Бахтиёр Иҳтиёров, Махмуджон Фофуров	Абдурашид Раҳимов, Суръат Пўлатов	Баҳодир Аҳмедов, Файзула Аҳмедов
3	3	2	“Қиёмат қарз”	* Шукур	Олим	Наби	Аброр

			спектаклида бош ролни ижро қилған актёрни ва асар ким?	Бурхонов, Үлмас Умарбеков	Хўжаев, Туроб Тўла	Рахимов, Ёқубжон Шукуров	Хидоятов
3	3	2	Аброр Ҳидоятов номидаги театрда қўйилган “Қора камар” спектаклининг режиссёри ва асар муаллифи ким?	*Баходир Йўлдошев, Шукур Холмираев	Рустам Ҳамидов, Максим Каримов	Олимжон Салимов, Машраб Бобоев	Валижон Умаров, Афзал Рафиқов
3	3	2	Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилояти театрида Фитратнинг “Абулфайзхон” тарихий драмасини саҳналаштирган режиссёрнинг исми?	*Баходир Назаров	Мансур Равшанов	Карим Йўлдошев	Валижон Умаров
3	3	2	Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган “Шоҳ эдип” трагедиясидаги бош ролни ижрочиси ким?	*Шукур Бурхонов	Олим Хўжаев	Қудрат Хўжаев	Теша Мўминов
3	3	2	Улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Таваллудининг 660 йиллигига бағишланган “Соҳибқирон” шеърий драмасининг муаллифи?	*Абдулла Орипов	Хусниддин Шарипов	Еркин Воҳидов	Ҳайитмат Расул
3	3	2	Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти театрида қўйилган “Темир хотин” спектаклининг режиссёри, бош рол ижрочиси ва асар	*Олимжон Салимов, Солижон Юсупов, Шароф Бошбеков	Мансур Равшанов, Равшан Жўраев, Машраб Бобоев	Йўлдош Каримов, Соли Аҳмедов, Ҳайитмат Расул	Валижон Умаров, Солижон Юсупов, Машраб Бобоев

			муаллифини эсланг?				
3	3	2	Республикка ёш томушабинлар театрида саҳналаштирилган “От йиглаган оқшомда” спектаклининг режиссёри ва асар муаллифи?	*Олимжон Салимов, Тоғай Мурод	Жўра Махмудов, Йўлдош Сулаймон	Рустам Ҳамидов, Ҳайдар Муҳаммад	Баҳодир Йўлдошев, Ҳайитмат Расул
3	3	2	Муқимий номидаги республика мусиқали драма театрида қўйилган “Нодирабегим” спектаклининг режиссёри ва бош рол ижрочиси кимлар?	*Баҳодир Йўлдошев, Зулайҳо Бойхонова	Рустам Маъдиев, Мехри Бекжонова	Носир Отабоев, Гулчехра Мирзажоно ва	Баҳодир Аҳмедов, Мехри Бекжонова
3	3	2	Аброр Ҳидоятов номидаги театрининг “Отелло” спектаклининг Отелло ва Яго ролларини ижро қилган актёрлар?	*Елёр Носиров, Афзал Рафиқов	Пўлат Сайдқосимов , Ёдгор Саъдиев	Хошим Арслонов, Махмуд Исмоилов	Пўлат Сайдқосим ов, элёр Носиров
3	3	2	Ўзбек миллий академик драма театрида қўйилган “Пири Коинот” спектаклининг режиссёри ва асар муаллифи ким?	*Валижон Умаров, Ҳайитмат Расул.	Турғун Азизов, Мухаммаджо н Хайруллаев	Сергей Каприлов, Ҳайдар Муҳаммад	Олимжон Салимов, эркин Самандаро в
3	3	2	Театр санъати соҳасида Ўзбекистон қаҳрамони бўлган актёр?	* Зикир Муҳаммаджон ов	Рихситилла Абдуллаев	Мехриддин Рахматов	Учқун Тиллаев
3	3	2	“Ўлдинг азиз бўлдинг” кимни асари?	*Холиқ Хурсандов	Ойбек	Уйғун	Ҳ.Расул
3	3	2	Ҳайитмат Расул асарлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган ?	* “Пири коинот”, “Олтин қиз”	“Келинлар қўзғолони”, “Олтин қиз”	“Чимилдиқ ”, “Пири коинот”	“Нексия”, “Бевалар”
3	3	2	«Турон » труппаси	*«Падаркуш »	«Адвокатлик	«Захарли	«Туркисто

			ўз фаолиятини қайси песа билан бошлаган?		осонми?»	хаёт»	н штаби»
3	3	2	«Турон» труппасига ким асос солган?	*Абдулла Авлоний	Ҳамза Ҳакимзода	Абдулла Қодирий	Маҳмудхў жа Беҳбудий
3	3	2	Марямхон образи қайси песадан?	*«Захарли хаёт»	«Бой ила хизматчи»	«Падаркуш »	«Мазлума хотин»
3	3	3	А.Қодирийнинг «Турон» труппаси саҳнага қўйган песаси?	*«Бахтсиз куёв»	«Мехробдан чаён»	«Захарли хаёт»	«Ёрқиной»
3	3	3	Ўзбек Милий академик драма театрининг ташкил топган санаси	*1914 йил 27 феврал	1918 йил 3 ноябр	1927 йил	1930 йил
3	3	3	Кўп пардали биринчи ўзбек музиқий драмаси?	*«Халима»	«Фарход ва Ширин»	«Лолаҳон»	«Лайли ва Мажнун»
3	3	3	«Халима» песасининг муаллифи	*Ғулом Зафарий	Ҳамза Ҳакимзода	Чўлпон	Хуршид.
3	3	3	“Тошкентнинг нозанин маликаси” кимнинг асари?	*Ҳайдар Муҳаммад	Ҳамза Ҳакимзода	Хуршид.	Чўлпон
3	3	3	Ғарб классик драматургиясидан ўзбек саҳнасида илк қўйилган песа?	*Макр ва муҳаббат	Қароқчилар (“Босмачила р”)	Хасис	Отелло
3	3	3	«Халима» спектаклида Неъмат ролини биринчи бўлиб ўйнаган актёр.	*Аброр Хидоятов.	Мухиддин Қори Ёқубов	Мурод Йўлдошев	Карим Зокиров.
3	3	3	Мулладўст образи қайси песадан?	*«Майсарапин г иши»	«Муқанна»	«Халима»	«Абулфайз хон»

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлик бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақи таълим мавзулари:

1. *Миллий режиссура тамоилларининг қарор топиши*
2. *Режиссуранинг санъат даражасига кўтарилиши.*
3. *Миллий режиссура шаклланиши.*
4. *Режиссёр ва драматург фаолияти.*
5. *Режиссёрининг ўз устида ишланиши ва унга хос элементлар.*
6. *Маннон Уйгурнинг миллий режиссура ривожида тутган ўрни.*
7. *К.С.Станисловский режиссураси.*

VII. ГЛОССАРИЙ

Авж (кулминатсия) — курашнинг энг кескин нуқтаси ва асар перипетиясини белгилайдиган қисм. Кулминатсия — лотинча “чўққи” деган сўздан олинган бўлиб, драматик асардаги воқеалар ривожининг ечимга қараб интиладиган қисми.

Акт — ҳаракат, яъни персонажлар интилишининг бошланиши, ривожи, авж ва перипетия орқали ечимга келиши жараёнидаги хатти-ҳаракатлар мажмуини, бадиий яхлитликни англатади.

Актёр — драма, опера, балет, кўғирчоқ театри, сирк, театр, кино, радио (инссенировка, постановка, монтаж) ва телевидениеда муаллиф персонаж учун белгилаган “акт” — ҳаракатни бажаришга қурдати етадиган ижодкор-ижрочи.

Актёрлик туйғуси — ҳар бир спектаклда актёрга хизмат қилишга тайёр турган хунармандлик қўникмаси. Бу “ғамхўр қўникмалар” ҳар бир ролни актёрнинг мушаклари ва туйғулари хотирасида сақланиб қолган штампларга таянган ҳолда намойиш этишга қодир. Моҳирона ижро этилган ролда кечаги ҳаракатлар ва туйғулар айнан такрорланади.

Асосий воқеа — бош қаҳрамоннинг етакчи хатти-ҳаракатини бошлаб беради ва пайдо бўлган янги шароит билан кураш бошланадиган қисм.

Ақл — (театр санъатида) драматургик асоснинг моҳиятини англаб етадиган фаросат, мавзу, ғоя, воқеалар тартиби ва характерлар ифодаланган яхлитликни тасаввур қилиш ва ҳис қилиш қурдати, уни бадиий тафаккур ёрдамида қандай шаклда амалиётда томошага айлантиришни биладиган ижодий туйғу.

Бадиий — атамаси араб тилидаги “бадъун”, “бадеъа” сўзидан олинган бўлиб — янгилик киритиш, яратиш, ижод қилиш, ўйлаб топиш, кашф этиш каби маъноларни англатади. Бу атама гўзаллик қонуниятларига амал қилувчи санъат турларининг энг бирламчи, етакчи тушунчасини билдиради.

Бадиийлик — санъат турларининг бош хусусияти сифатида воқеликни бетакрор образлар асосида акс эттирилишини, тор маънода эса бирон санъат асарининг эстетик моҳиятини белгиловчи мезонни англатади. Бадиийлик санъатнинг барча турларини ўзига хос восита ҳамда имкониятлари асосида воқеликни қайта ижодий идрок этиш орқали акс эттирувчи ва бирлаштириб турувчи ягона умумий хусусиятдир.

Бадиий образ — воқеликни, ҳаётий мушоҳадаларни, таассуротларни ижодкор дунёқараши, эстетик идеали орқали қайта ишланиши оқибатида — янгидан яратилишидир. Бадиий образ — ижодкор шуури, эстетик идеали, дунёқарashi, мақсади ва ғояси орқали синтезлашган воқеликнинг алоҳида, бетакрорликда умумлаштирилган инъикосидан иборат.

Бошланғич воқеа — томошани бошлаб берадиган ва ўзидан кейин

келадиган воқеаларга асос бўлиб, парда очилишидан анча аввал содир бўлади. У энг кескинлашган жойидан бошлаб саҳнага кўчади ва бошланғич воқеа сифатида шу ерда якун топади.

Бошланғич (исходное) **шарт-шароит** — ўзгармас бўлиб, у асардаги барча қарама-қаршилик ва курашларнинг асоси ҳамда ҳал қилиниши керак бўлган муҳим масаладир.

Воқеа — спектаклдаги хатти-ҳаракатларнинг таянчи, макон ва замонда кечадиган ҳаёт тарзи бўлиб, у мақсадли ҳаракатни пайдо қиласидиган шарт-шароитлар йиғиндисидир. Ёки мақсадли ҳаракатнинг макон ва вақт бирлигida амалга ошиши — воқеа дейилади. У томошанинг қалбидир.

Водевил — диалоглар, айрим куплетларни куйлаш, рақслар билан алмашиниб турадиган енгил, ҳазиломуз томоша.

Декоратсия — саҳнада кўрсатилаётган воқеа ўрнини акс эттиришга, спектаклнинг ғоявий маъносини рамзий очишга ва воқеа муҳитини англашга хизмат қилувчи сунъий манзара, бадиий жиҳоз.

Диктатор режиссёр — фақат ўзини айтганини қаттиқўллик билан бажартирувчи, ўзини театрда ягона ҳоким деб билувчи шахс.

Драма — юонончада “ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади. ва трагедия ҳамда комедиядан ўзига тегишли жиҳатларни жамлаган жанр. Унда персонажлар ижобий ва салбий сифатларга ажралади.

Етакчи хатти-ҳаракат — бу актёрнинг аниқ мақсадга мувофиқ интилиши бўлиб, песадаги курашларни бошқарувчи, персонажларнинг хатти-ҳаракати қаёқдан-қаёққа йўналишини белгиловчи, уларнинг воқеада жойлашиш тартибини тизимли ипга терувчи ва ечимга етакловчи ҳаракат.

Етакчи (ведущее) **шарт-шароит** — бошланғич шарт-шароитга қарама-қарши бўлган ва энди нима бўлар экан деган муаммони пайдо қиласидиган ҳамда воқеалар оқимини мантиқий равищда муаммо ечимида олиб борадиган тизимдир.

Ечим (развязка) — курашнинг барҳам топиши ва ғоянинг очилишига хизмат қиласидиган якуний қисм. Асарда тасвирланган воқеаларнинг ривожланиши натижасида юзага келган қаҳрамонлар курашининг хотимаси, ҳал қилиниши керак бўлган муҳим масаланинг ечимидир.

Жанр — франсузча сўз бўлиб — “тур”, “хил” маъносини англатиб, асарнинг ёки томошанинг муаллиф муносабатига қараб турларга бўлинишидир.

Ижодкор режиссёр — театрнинг бадиий йўналишини белгилайдиган, ҳар бир саҳналаштирган спектаклини воқеликка айлантириш қудратига эга бунёдкор.

Ижодкорлик туйғуси — “инжиқ илҳомни” доим чақириб олишга ва уни ўз ролига хизмат қилдиришга қодир бўлган актёрларда шаклланган бўлади. Бундай актёрлар намойиш этишдан юқорироқ бўлган босқичга — ўз ролини ҳар бир спектаклда қайта кечинишга эришади. Ижодкорлик туйғуси — ўзидан қониқмаслик, саҳнада кечагидан яхшироқ, эркинроқ, манилироқ,

завқлироқ, мукамал ҳаракат қилиш орқали ролнинг бадиий яхлитлигига интилиши каби тушунчаларни ўз ичига оларди.

Илҳом — бу атама араб тилидаги — таъсир кўрсатиш, шавқ-рағбат уйғотиш маъноларини ифодаловчи сўздан олинган бўлиб, амалиёт ва назарияда ижодкорнинг шавқ билан ишга киришишини англатади. Илҳом узоқ изланишлар, пайдо бўлганини инкор қилишлар, янги ечим топиш учун сабот билан ўрганиш натижасида, тўғри ечимни топишга ишонган пайтда пайдо бўладиган қўшимча кучдир. Бу куч фақат — дикқат мақсадга мувофиқ тўпланганида, ички ижодий эркинлик пайдо бўлганида, тасаввур яратганларини тартибга солганида, уни ижодий ечимга олиб боришига ишонганда пайдо бўлади.

Ирода — ролнинг образини яратиш учун қанча ақл, куч, сабр-тоқат, қийинчиликларни матонат билан енгадиган ишонч, изланиш, қайта изланиш, кузатиш ва уларни жамлаб, амалиётга тадбиқ қилиб, то ижобий натижага эришмагунча тинчлик бермайдиган қувват—яратувчилик қудрати.

Кириш (експозитсия) — парда очилганда нима бўляпти?, қачон ва қаерда бўляпти?, деган саволларга жавоб бериб томошабинни асар мұхитига олиб қирадиган қисм.

Конфликт — лотинча “ихтилоф”, “тўқнашиш” тушунчаси бўлиб, бадиий асарда тасвиранган воқеа иштирокчилари ўртасидаги курашни, зиддиятни, келишмовчиликни, ихтилофни англатади.

Комедия — юончада “қувноқ томоша”, кулгули қўшиқ маъносини англатади. Унда ҳаётдаги кулгили ҳодисалар тасвир этилади, ижтимоий ва оиласи мажаролар, кишилар характеристидаги баъзи бир қусурли хусусиятлар очиб ташланади. Комедия драматик асарнинг бир тури сифатида қувноқ халқ томошалари заминида вужудга келган.

Композитсия — саҳна асари воқеаларининг тизимли тартибини аниқлаш бўлиб, у кириш, тугун, ривож, авж ва ечим каби таркибий қисмлардан иборат. Композитсия — бўлаклар билан яхлитлик ўртасидаги ўзаро мувозанатдир.

Мавзу (тема) — асли, юонча сўз бўлиб, муаллиф танлаган ва тасвиранган ҳаёт воқеалари, асарда қўйилган мухим масалалар, ёритилган муаммолар мажмуасидан иборат. Муаллифнинг дарди — асарда қўйилган ва маълум ҳаёт материали асосида ёритилган муаммодир.

Марказий воқеа — курашни кескинлашиб боришига ва кутилмаган бурилишнинг содир бўлишига шароит яратади. Аристотел перипетияга, яъни кескин бурилишгача бўлган воқеаларни “тугун”, ундан кейингиларини “ечим”, деб атайман деганда, юқоридаги изоҳларни назрада тутган бўлса ажаб эмас.

Мизансена — саҳнада актёрларни ва жиҳозларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш ҳамда жой алмаштиришлариридир.

Образ — санъатда қайта идрок этилган воқелик ҳамда характер тасвири.

Образнинг олий мақсади — персонаж интилаётган энг мухим мақсад.

Образ мағзи (зерно) — персонажнинг асосий сифати. Инсоннинг фақат ўзига хос хусусиятлари — асарнинг берилган шарт-шароитида ҳаракатга келтирувчи характер мағзи.

Образлилик — воқеликни образлар орқали тасвирлаш, бадий яхлитликда ифодалаш.

Пафос — эҳтиросларнинг очилиб кетиши.

Режиссёр — ижтимоий шароитни, ундан вужудга келган субектив омилларни чуқур ўрганиш асосидагина халқнинг, жамиятнинг манфаат ва мақсадларини муайян бадий шаклга солиб, яхлит бир дастур ҳолига келтирадиган шахс, раҳбар, етакчидир.

Режиссурса — спектакл яратиш санъати.

Ривожланиш (развитие) — персонажларнинг ўзаро курашини кескинлаштириб, интригани ошириб борадиган қисмлар.

Ролнинг партетураси — нозик кечинмаларни ва кучли эҳтиросларни келтириб чиқарадиган, жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқли ва изчил тизимини ифодалайдиган, бошланишдан то ечимгача бажариладиган ҳаракатларнинг ёзма ифодаси.

Рол устида ишлаш — драматург фикр-гоясини, асар руҳиятини, персонажлар характерини, режиссёр режаси моҳиятини чуқур англашга ва стол атрофидағи репетитсияларда берилган шарт-шароитни хис қилиш ҳамда ўзлаштириш орқали саҳнада ролнинг образини яратишга интилиш жараёни.

Санъаткорлик түйғуси — ижодкорлик түйғуси түғри тарбияланган, маънавий қиёфаси шаклланган, бадий тасаввури ва тафаккури бой, яратувчанлик қудратига эга бўлган актёрлар кўтариладиган даража. Бундай санъаткорлар яратган ролнинг образлари — миллатнинг маънавий мулкига, маданий бойлигига айланади.

Саҳнавий атмосфера — воқеа, макон ва вақт мұхитини яратиш. У ҳаётийлик билан саҳна шартлилиги ўртасидаги түғри мувозанатдан ташкил топади.

Саҳнавий ҳақиқат — акл, ирода ва ҳиссиётнинг актёрлар ҳаракатида үйғунлашиши. У актёрнинг ижодкорлик түйғуси түғри ишлаган дамларда ижодий кайфиятни ва мұхит ҳақиқатини пайдо қиласи.

Система — бирон соҳанинг атамаларини мантиқан ва изчил тизимга келтириш ва тартибга солиш тушунчасидир.

Студия — бу атама кенг маъноли бўлиб, театр қошида ўқув жараёнини ташкил қиласи, шунингдек, театрда бош қаҳрамон, етакчи актёр, машҳурлик каби табақалаштириш одатидан воз кечиш эвазига ижодий мұхит яратиш тушунчасидир.

Сюжет — французча сўз бўлиб “асос” (предмет) деган маънени англатади. Драматик асарнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар баёни, асарда иштирок этувчи

кишиларнинг ўзаро муносабати, бир-бирига ўзаро таъсири, персонажлар характерининг юкланишини жамлаган изоҳ — сюжетдир.

Темпо-ритм — муҳит ва воқеанинг руҳий иситмаси, эҳтирос даражаси. Темпо — италянчада “тезлик”, эҳтирос даражаси деган маънони англатади ва саҳнада маълум бир вақтда бажариладиган вазифалар “истмаси” миқдорини белгилайди. Ритм — грекча сўз бўлиб “бир текис”, “бир ўлчовда” маъносини англатади. Темпо-ритм — бу спектаклнинг маълум бир вақтда, маълум бир тезлиқда ўтишидир. Бу атама режиссурага музикадан кириб келган бўлиб, театр санъатида бир томоша вақтда актёрлар бажариладиган вазифалар меёридир.

Трагедия — драматик асар турларидан бири бўлиб, унда иложсиз вазият, ҳалок этувчи оғир ва teng бўлмаган кураш негизида бош қаҳрамоннинг характеристи ҳамда ҳалокати сабаби очиб берилади. Трагедия драманинг — дардли кураш ифодаланган ҳаракатнинг энг қадимги туридир.

Тугун (завязка) — энди нима бўлар экан? деган муаммони пайдо қиласидан ва интригани қучайтирадиган қисм. Ҳал қилиниши зарур бўлган муҳим масалани пайдо бўлиши. Тугун — драматик асарда асосий воқеанинг бошланиши бўлиб, барча воқеалар мана шу тугундан кейин ривожланади. Ундан кейин хатти-ҳаракат олдинга қараб силжийди, интилади, тезлашади, ҳар хил бурилишлар, сакрашлар вужудга келади, хатти-ҳаракат қилувчи шахслар ўртасидаги кураш кучайиб ҳал қилувчи тўқнашувга бориб етади.

Фабула — воқеалар тартибини бош қаҳрамон билан боғлиқ ҳолда баён воситасида изоҳлаш.

Характер — юонча сўз бўлиб “хосса”, “хусусият” маъносини англатади. Кишилардаги хилма-хил ижтимоий муҳит ва тарбия туфайли туғилган турлича хулқ-автор ва туйғу ҳамда баҳолаш каби психологик хусусиятлар характер деб аталади. Кишиларнинг хулқ-автори ва фазилатлари, уларни ўраб олган ижтимоий муҳит, оила ва мактаб тарбияси таъсирида шаклланади, ўсади, ўзгаради. Бадиий асарда индивидуал хусусиятлар билан яққол гавдалантирилган, тўла ва аниқ тасвирланган инсон образига — характер дейилади.

Хатти-ҳаракат — инсон характеристини энг аниқ ва ёрқин тасвирловчи, унинг ақлий қобилиятини ва мақсадини кўрсата оловчи асосдир. Инсоннинг фели қандай эканлигини, унинг юрагини чукур жойларида нималар борлигини фақат хатти-ҳаракат билан кўрсата олиш мумкин.

Еклектика — грекча танлаб олиш, саралаш сўзидан олинган бўлиб, санъатда: бадиий ифода, услуг, шакл, давр, стил, белги ва турларнинг аралашиб кетиши, шунингдек, маълум санъат турининг шаклланиш даврида турли услуг ва мактабларнинг аралашиб кетиши тушунилади.

Юмор — лотинчада “намлик” маъносини англатади. Юмористик асарда турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи бир камчиликлар енгил танқид остига олинади. Бу асарда муаллиф танқид қилинаётган обектнинг йўқ бўлиб

кетишини истамайди. Енгил кулгу — юмор орқали, унга ҳатто ачинади ва ундаги камчиликларнинг тузалишини истайди. Шуниси билан юмор сатирадан фарқ қиласди.

Якуний воқеа — бош қаҳрамоннинг етакчи хатти-харакатини тугаши, курашнинг барҳам топиши ва мантиқий ечимга шароит яратилишидир.

Ҳаваскорлик — театр санъатининг бошланғич асоси бўлиб, студияга ўқишига қабул қилинганлар даражасидир. Унинг таърифи — “барчанинг эсига келадиган қолип-штамплардан баҳоли қудрат фойдаланувчи ўқувчи — ҳаваскор, дейилади.

Ҳал қилувчи воқеа — спектакл ғоясини очадиган, ижодий жамоанинг олий мақсадини намоён қиладиган, ҳал қилиниши зарур бўлган масалани таъкидлайдиган, танланган мавзунинг долзарблигини асослайдиган сўнгги саҳна. Ҳал қилувчи сўнгги саҳнада муҳим ва тугал воқеа якунланади. Унда томошабин учун мавҳум бўлган масалалар ўз ечимини топади.

Ҳиссиёт — ақл ва ироданинг уйғунлашган жойида пайдо бўладиган саҳнавий туйғу. Саҳнавий ҳиссиёт — англанган, бадиий шакли топилган, ҳаракатлар табиийлиги билан завқ берадиган ижрони томошабинга етказишни соғиниш, персонажнинг интилишини, орзу-умидларини, завқу шавқини, чуқур кечинмаларини, дарду аламини, нозик ҳисларини ҳамдард — томошабинга улашишни доим хоҳлаш, жамлаганини, ҳис қилганларини тарқатишга ошиқиши туйғуси.

Хунармандлар — саҳнада штамплардан тўғри ва унумли фойдаланишга қодир бўлган ижрочилар. Улар театр соҳасининг таянч бўғини ҳисобланади.

VIII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Аристотел. Поетисс. – Невбайпорт: Фосус публишинг, 2006
2. Усмонов Р. Режиссура. – Т: Фан, 1997.
3. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
4. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000.
5. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Т.: F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
6. Махмудов Ж. Актёрлик маҳорати (ўқув қўлланма). – Т., 2005.
7. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. – Т.: Мусиқа, 2007.
8. Махмудов Ж., Махмудова Ҳ. Режиссура асослари. – Т.: Мусиқа, 2008.
9. Раҳматуллаева Д., Шодиев Б. Байрам томошалари – Ўзбекистон санъати: 1991-2001 й.й. – Т.: Шарқ, 2001

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил
3. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. 2017 йил
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз.2017 йил
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидийтаҳлил, қатъийтартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.Тошкент: Ўзбекистон, 2016
7. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси.”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил, 4 август, 153-сон
8. Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил,17 феврал, 35-сон.
9. Раҳмонов М. Ўзбек театр тарихи. – Т., 1982.
- 10.Исмоилов э. Маннон Уйғур. – Т.: F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

11. Захава Б. Мастерство режиссёра и актёра. – М.: Просвещение, 1978.
12. Товстоногов Г. Зеркало сцени. т. 1-2. – Л.: Искусство, 1980.
13. Хўжаев К. Саҳнага йўл. – Т., 1974.
14. Жўраев Ф. Обид Жалилов. – Т.: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968.
15. Фелдман Й. Олим Хўжаев. – Т.: Ўзбекбийншр, 1962.
16. Қодиров М. Сойиб Хўжаев. – Т.: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
17. Ризаев О. Наби Раҳимов. – Т.: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
18. Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
19. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. – Т., 2003.
20. Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyo.net
2. kitobxon.uz
3. <http://www.teatr.ru>
4. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
5. <http://stanislavskiy.by.ru>
6. <http://www.teatr-estrada.ru>
7. teatr.com
8. <http://www.mxat.ru>